

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯ

ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ
КУРАШ ТАКТИКА ВА МЕТОДИКАСИ

“Тергов фаолияти” мутахассислиги учун

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ

ТОШКЕНТ – 2016

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг
Тахририят ноширлик ҳайъатида маъқулланган*

Муаллифлар :

ю.ф.н доцент **Д.М.Миразов;**
ю.ф.н доцент **Б.Н. Рашидов;**
ю.ф.н **Ш.А. Қулматов;**
Ш.Т. Джуманов; А.А.Султонов;
О.Д. Алланзаров

Тақризчилар :

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Х. Сулайманова
номидаги суд экспертизалари Маркази директорининг ўринбосари
юримдик фанлари номзоди, доцент **А.К. Закурлаев.**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси малака ошириш факультети
профессори, юримдик фанлар доктори, полковник **А.Хамдамов**

**Т–41 Терроризм ва экстремизмга қарши курашнинг тактикаси
ва методикаси»:** Маърузалар курси/ Д.М.Миразов, Б.Н. Рашидов,
Ш.А.Қулматов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси, 2016. – 137 бет.

Мазкур маърузалар курсида терроризм ва экстремизмга қарши кураш тактикаси ва методикаси махсус курсининг террористик фаолият ва экстремистик оқимлар тушунчаси, мақсади ва турлари. терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларнинг тавсифи, ушбу жиноятлар бўйича терговга қадар текширув ва кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказиш, унга оид ишларда гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳамда уларни сўроқ қилиш хусусиятлари, терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки терговни тамомлаш ва жиноятнинг олдини олиш чораларини кўриш каби мавзулар бўйича тайёрланадиган маърузаларнинг мазмуни ёритилган.

Терроризм ва экстремизмга қарши кураш тактикаси ва методикасига бағишланган маърузалар курси ўрганувчи тадқиқотчилар, мустақил изланувчилар, талабалар, тингловчи-курсантлар ва амалиёт ходимларига мўлжалланган.

ББК 6799 (5У) 94 я

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016

СЎЗ БОШИ

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлат ва одил фуқаролик жамияти қуриш сари «Ўзбек модели» деб ном олган ўзига хос ривожланиш йўли орқали ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий ва ҳуқуқий соҳаларида туб ўзгаришлар рўй бермоқда.

Мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида тан олинган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида республиканинг ташқи сиёсати, давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланиши аниқ белгилаб қуйилган. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Ҳозирги шароитда умумий хавфсизликни таъминлаш ва мувозанатга эришиш манфаатлари нуқтаи назардан, Янги мустақил давлатларнинг хавфсизлиги ва барқарор ривожланиш муаммолари улкан аҳамият касб этмоқда. Ер юзида вазият ва кучлар нисбати шиддатли ўзгариб бормоқда. Янги мустақил давлатлар майдонга чиқмоқда. Бу эса ҳозирги кунда давлатлар ва халқларнинг барқарорлигини таъминлаш учун янгича изланишларни излаб топишни XXI аср арафасида хавфсизликнинг янгича моделларини ишлаб чиқишни тобора қаттиқ талаб қилмоқда».¹ Тинчлик ва хавфсизликка янгича ёндашувлар давлат фаолиятининг кўплаб соҳаларида бўлиши керак, аммо буни биринчи навбатда инсониятнинг тинчлиги ва хавфсизлигига нисбатан эҳтимол тутилган тажовузларга қарши чора кўриш учун амалий ҳуқуқий асос яратиб, қонунлар билан таъминлаш даражасида ҳал қилиш зарур эди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида Т. 6. – Т., 1998. – Б. 316 .

Бу борада Ислом Каримов ҳақли равишда таъкидлаганларидек, «Фундаменталистларнинг адолат ҳақидаги оломонбоп, жозибадор, аммо бақироқ ва асоссиз даъватларига кўр-кўрона эргашувчилар ўзгалар иродасининг кули бўлиб қолишини англашимиз лозим. Бу даъватлар охир-оқибатда бундай одамларнинг ақлигагина эмас, балки тақдирига ҳам ҳукмрон бўлиб олишини яққол англашимиз, айниқса, ёшларимиз буни аниқ тасаввур қилиши лозим. Бундай нуфузли одамларга бўйсунмай қўйиш шахсий фожиага айланиб кетиши ҳам мумкин. Қулларча мутелик, шахснинг эркисизлик асоратига тушиб қолиши, фикрлаш, саъй-ҳаракат ва ташаббус кўрсатиш эркинлигининг мутлақо чекланиши бунинг энг оғир оқибатларидир»¹.

Дарҳақиқат, диний экстремизмга қарши кураш масаласи кун тартибидан тушмайдиган долзарб масала бўлиб, бундай мазмундаги материалларнинг тайёрланиши, тарқатилиши жиддий можаро ва зиддиятларни келтириб чиқаради. Барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солади. Шу нуқтаи назардан мазкур жиноятнинг бевосита объекти жамоат хавфсизлиги ва тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Мавжуд муаммоларни ҳал этиш жамиятимизнинг барча аъзоларидан, аввало, ички ишлар идоралари ходимларидан огоҳлик ва ҳушёрликни, терроризм ва экстремизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кескин, муросасиз кураш олиб боришни талаб этади. Зеро ҳар ким соф диний қарашлар ва ақидаларни экстремистик қараш ва ақидалардан ажрата билиши, терроризм ва экстремизмнинг намоён бўлиши ҳақида билим ва тасаввурларга эга бўлиши зарур.

Мазкур маърузалар курсида терроризм ва диний экстремизмни тергов қилишга оид назарий қоидалар, тергов ҳаракатларини ўтказишнинг тактик хусусиятлари, тергов жараёнида суриштирув органлари билан ҳамкорлик қилишнинг ўзига хослиги, тергов ҳаракатларини ўтказиш, терговга қадар текширув ва дастлабки тергов босқичларининг амалий жиҳатлари, тактик ва методик кўникмаларни шакллантиришга кўмаклашувчи билимлар баён этилган. Бу эса салбий иллатга қарши курашда катта аҳамият касб этиши табиий.

¹ Қаранг: Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998. – Б. 59–60.

1- мавзу. ТЕРРОРЧИЛИК ФАОЛИЯТИ ВА ЭКСТРЕМИСТИК ОҚИМЛАР ТУШУНЧАСИ, МАҚСАДИ ВА ТУРЛАРИ. ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТАВСИФИ

1§ Террористик фаолият ва диний экстремистик оқимлар тушунчаси, мақсади ва турлари

Диний экстремизм кескин чораларни қўллашга, баъзан зўравонлик ҳаракатларини содир этишга мойиллиги билан ажралиб туради. Бунда муайян шахс ҳам, бошқа динга мансуб ижтимоий гуруҳ ёки шу диннинг ўз вакиллари томонидан рад этилаётган маҳзабга мансуб вакиллар ҳам таъсир кўрсатиш объекти сифатида танлаб олиниши мумкин¹.

Экстремизм латинча «*ekstremus*» сўзидан олинган бўлиб, «кескин фикр ва чораларни ёқлаш» деган маънони англатади. «Экстремизм» деганда, одатда ўта сўл, радикал қарашларга эга, ўз ғояси ёки фикрини бошқаларга зўрлаб сингдиришга интиладиган кишиларнинг маслағи тушунилади.

Диний экстремизмда эса, диннинг ижодий табиатини инкор этувчи, дунёвий хатти-ҳаракатларни диний мафкура мақсадларига бўйсундиришга уринувчи ҳаракат тарафдорлари назарда тутилади. Диний экстремизмнинг энг биринчи хусусияти шундаки, у жамиятда қабул қилинган ижтимоий норма ва қадриятларни инкор қилади ҳамда уларга қарши курашади. У сиёсий саҳнага чиқишга, ҳокимият тепасига келишга, давлат бошқарув услубини диний ўзанга буришга ҳаракат қилади.

Фундаментализм латинча «*fundamentum*» сўзидан олинган бўлиб, «асос» деган маънони англатади. Диний фундаментализм (ақидапарастлик) дин ривожланишининг дастлабки босқичларини ижтимоий ҳаётга мослаштириш ғоясини тарғиб қилувчилар тушунилади. Диний фундаментализм тарафдорлари ҳар бир динда кузатилади. Ислом фундаментализми соф ислом асосига қайтиш, исломни асл ҳолида қўллаш зарур ва фақат ана шу йўл билан ислом динини бидъатдан «тозалаш»га эришиш мумкин деган нотўғри қарашларни тарғиб қилади.

¹ Қаранг: *Закурлаев А., Ахунов Б.* Диний экстремизм ва террорчилик. – Т., 2004. 66 б.

Сепаратизм лотинча «separatus» сўзидан олинган бўлиб, «алоҳида», «ажралиб чиқиш» ва «алоҳида бўлишга интилиш» деган маъноларни англатади.

Диний сепаратизм деганда, диний мансублигига кўра, ажралиб олиш, алоҳидаликка интилиш тарафдорлари тушунилади. Диний сепаратистик кучлар дин билан боғлиқ ҳолда давлатнинг муайян қисмини ажратиб олиш ва янги давлат тузилмаларини ташкил қилиш йўналишидаги ҳаракатларда ҳам ифодаланиши мумкин.

Фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган материаллар деганда, фуқароларнинг турар жойларидан рухий ёки жисмоний зўрлик ишлатиш таҳдиди билан кўчириб юборишга даъват этадиган мазмундаги чақириқлар билан йўғрилган ҳар қандай материаллар тушунилади. Масалан, муайян миллат вакилларига зўрлик ишлатиш таҳдиди билан уларни турар жойларини ташлаб кетишга мажбур қилиш шулар жумласидандир.

Аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материаллар деганда, аҳолини саросимага, ваҳимага ва нотинч аҳволга солиб кўядиган мазмундаги ҳар қандай материалларни тушуниш лозим. Масалан: муайян ҳудудга очарчилик келаётган ҳақидаги нотўғри ахборотлари ёки охир замон келаётгани тўғрисидаги маълумотларни тарқатиш.

Юқорида қайд этилган мазмундаги материаллар варақалар, плакатлар, матбаа нашрлари, кино, фото, аудио, видео маҳсулотлари, видеокассеталар, дисклар ва бошқалар шу каби кўринишларда бўлиши мумкин.

Диний экстремизмнинг, сиёсийлашган диний ташкилотлар фаолиятининг мақсади жуда хатарли бўлиб, улар қуйидагиларда:

– муайян мамлакат ва минтақада ижтимоий-сиёсий кескинлик ва беқарорликни келтириб чиқариш;

– кишиларни диннинг асл моҳиятидан чалғитиб, улар онгида динни кескин ва мутаассибликка хос ҳаракатлардан иборат қилиб шакллантириш;

– халқда давлат органларига норозилик уйғотиш ва бу йўлда жамиятда турли жанггарилик ҳаракатларини амалга ошириш;

– жамиятда кечаётган тинч ислоҳотчилик ҳаракатларига тўсқинлик қилиш;

– пировард натижада афкор оммада муайян динга нисбатан нафрат ва салбий муносабатни юзага келтиришга интилишда намоён бўлади.

Диний экстремизм террорчиликнинг эгизагидир дейиш мумкин. **Террорчи** ким деганда – одатда, онги захарланган, фанатизмга берилган, ўзи қиладиган жиноий ҳаракатига жавоб бера олмайдиган, қилаётган ҳаракатини англамайдиган, кимнингдир ёвуз ниятини бажарадиган ижрочи кимса деб қабул қилиш керак.

Одамларнинг жонига қасд қилиш, ўлдириш, тазйиқ остига олиш, аҳолини ваҳимага солиш мақсадида қилинадиган, тинч инсонларни гаровга олиш каби ҳолатлар ва бунинг ортида сиёсий-диний ёки фанатик мақсадларда уюштирилган жиноятларни терроризм қаторига қўшиш ўринли.

Илк ислом даврида жиҳод дейилганда исломни ёйиш ва ҳимоя қилиш учун ғайрат қилиш тушунилган. **Жиҳод** сўзи луғатда уруш маъносини англатмайди, балки бу сўз аввало, Оллоҳнинг динига сўз ва чиройли хулқ-атвор билан даъват қилишдир. Ҳавойи нафс йўлига кирмаслик, яхши амалларга бор кучини сарфлаш, ҳақ сўзни жойини топиб айтиш жиҳодга киради. Фарзанднинг ўз ота-она хизматида бўлиши ҳам жиҳоддир.

Кейинги пайтларда Яқин ва Ўрта Шарқдаги баъзи экстремистик гуруҳлар тўғрисида сўз юритилганда жиҳод сўзи ишлатилмоқда (Масалан, Мисрдаги «Жиҳод», Ливандаги «Ислом жиҳоди» ва ҳ.к.). Халқаро майдонда ислом дини билан ниқобланган террорчилар жиҳоддан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқдалар. 1X-X асрда яшаб фаолият юритган уламолар Оллоҳ йўлида ўзни такомиллаштиришдан иборат маънавий жиҳодга асосий эътиборни қаратганлар. Мутадил ислом – аҳли сунна ва жамоа тарафдорларининг эътиқодига кўра, ҳар бир мўмин-мусулмоннинг ўз нафси билан кураши ва маънавий баркамоллик йўлидаги саъй-ҳаракати «буюк жиҳод» ҳисобланади.

Террорчи гуруҳлар кейинги пайтларда ўз қурбонлари сифатида аёлларни танлаётганлари ҳам алоҳида эътиборни тортади. Нега энди айнан аёллар ўзларини қурбон қилиб ва шу йўл билан бошқаларнинг ҳаётига хавф солмоқдалар?

Аёл бу – она. У ўз фарзанди, оиласи, севган кишисини муқаддас билгани учун жонини беришга тайёр. Қора ниятли кишилар эса аёлдаги худди мана шу фидойиликдан ғаразли мақсадда фойдаланишга уринмоқдалар. Одамлар меҳридан, эътиборидан четда қолган, оғир маънавий тушкунликни бошидан кечираётган аёл террорчилар тузоғига илиниши мумкин бўлган ўлжадир. Уни ўз жонини қурбон қилиб «улуғ мақомга» эришишига ишонтириш қийин эмас. Айтиш

мумкинки, баъзида биз «ожиза» дея эътибор бермайдиган аёл душманнинг ишончли қуролига айланиши мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, диний оқимларга кириб қолганларнинг асосий қисмини ҳали ҳаёт тажрибасидан йироқ, на дунёвий, на диний билимларга эга бўлмаган ёшлар ташкил этмоқда. Мусулмон оламининг муқаддас китоби саналган «Қуръони карим»да ўз жонига қасд қилиш энг катта гуноҳлардан бири эканлиги таъкидланган, жумладан Нисо сурасининг 29-оятида «...ўзларингизни ўлдирмангиз! Албатта, Оллоҳ сизларга раҳм-шафқатлидир» дейилган бўлса, Бақара сурасининг 195-оятида «... ўз қўлларингиз билан ўзларингизни ҳалокатга ташланмангиз! (Барча ишларни) чиройли қилингиз. Албатта, Оллоҳ чиройли (иш) қилувчиларни яхши кўради» деб таъкидланган.

Моида сурасининг 32-оятида эса ким бўлишидан қатъий назар, ноҳақ қатл этишнинг гуноҳи ҳақида шундай дейилган: **«Бирор жонни ўлдирмаган ёки Ерда (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларни қилмаган инсонни ўлдирган одам ҳамма одамни ўлдирган кабидир. Унга ҳаёт бахш этган (ўлимдан қутқариб қолган) одам эса барча тирилтирган кабидир...».**

Ислом оламининг «Қуръони карим»дан кейин яна бир муқаддас манбаси ҳисобланган «Ҳадиси шариф»да ҳам ўзини ўзи ўлдирган шахснинг гуноҳи ва унга бериладиган жазо янада равшанроқ ёритилган. Жумладан, Имом Бухорий томонидан тузилиб, «Саҳиҳ Муслим» деб аталувчи ҳадиснинг 158- ҳадисида **«Ким ўзини бир темир парчаси билан ўлдирса, қиёмат кунда жаҳаннам ўтида темир парчаси кўлида, абадий равишда у билан ўзини ўлдириб азобланиб ётади. Ким заҳар ичиб ўзини ўлдирса, доимий равишда заҳарланиб жаҳаннам ўтида азобланади. Ким ўзини тоғдан ташлаб юборса, доимий равишда жаҳаннам ўтида ўзини тоғдан ташлаб ўлдириб азобланади»** дейилган.

Содир этилаётган террорчилик хуружларининг дин ниқоби остида содир этилаётгани унинг асл инсонпарварлик моҳиятини асраш, уни турли ақидалардан соф ҳолда сақлаш, диннинг маънавий-маърифий салоҳиятини жамиятдаги барқарорлик, ижтимоий ҳамкорлик, конфессиялараро (динлараро) ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга йўналтириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш алоҳида аҳамият касб этаётганлигини кўрсатади.

Бугунги кунда терроризм ва диний экстремизм аллақачон миллий, этник, диний тушунчалардан ташқарига чиқиб, бутун жаҳон тушунчасига эга бўлди. Жумладан, ҳозирги кунда нафақат алоҳида шахс, балки жиноий гуруҳ ва ғайриқонуний ташкилотлар ўзларининг ғараз мақсадлари ҳамда сиёсий, иқтисодий, миллий, диний шахсий муаммоларни ечиш учун диний экстремистик ва террористик услубларни қўлламоқдалар. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралари томонидан терроризм, экстремизм, ақидапарастлик каби иллатларга қарши курашда зарурий чоралар кўришни, бу иллатларнинг илдизига, мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Ҳозирда Республикамиз ҳудудида ғайриқонуний фаолият олиб бораётган диний экстремистик оқимлар халқаро террорчи ташкилотлар билан фаолиятларини ўзаро чамбарчас боғлаган ҳолда яхлит бир тизим сифатида намоён бўлмоқда. Мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлигига бевосита таҳдид солиб турган чет эллардаги «ҳомийлар» томонидан фаол қўллаб қувватланмоқда.

«Ҳизб-ут Таҳрир ал исломий» (Ислом озодлик партияси) ҳақида маълумотлар. Ушбу диний партияга 1952 йилда **Тақийиддин Набхоний** асос солган бўлиб, унинг асосий мақсади барча исломни тан олган мамлакатларини халифалик¹ давлат бошқарувига бўйсундириб, шариат қонунлари асосида давлат бошқарувини амалга оширишга қаратилган. Бу партия раҳбарлари ўз аъзолари ва бошқаларни қотиллик ва зўравонлик қилишга ундашмоқда. Жумладан, улар томонидан 2002 йил 31 мартда чиқарилган варақаларда «ҳизб душманларини топган жойда ўлдириш ва уларни жойларидан қувиб чиқариш»ни, 2003 йил сентябрдаги «Адаштирувчи тушунча» деб номланган варақада эса «азизлик либосини кийиб, жиҳод йўлида моли ва жонини тикиб бўлса ҳам, исломий давлатни қуришда кофирларга қарши қуролланган уруш»га чорлай бошлаганлар.

Мана шундай ғоялар билан заҳарланган шахслар, унинг мақсад ва вазифаларини англаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш мақсадида чет элларда фаолият кўрсатувчи террорчилик ташкилотлари таркибига бирлашиб, *жиноий уюшма ва унинг қуролланган гуруҳларини* ташкил этишган.

¹ **Халифалик** – халифа (ўринбосар) халифа, Оллоҳнинг каломи асосида давлат бошқарувини амалга оширади.

Набхоний «Ҳизб-ут таҳрир» партиясининг яширин тарзда фаолият олиб бориши ва издошлари ҳаракатининг ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида партия бошқарувини пирамида шаклида шакллантирган. Шу тузилмага кўра, ҳар бир буғин (ҳалқа) 5-6 ўқувчи (дорис)дан иборат бўлиб, улар дарс берувчи (мушриф)га бўйсунди, у эса бир вақтнинг ўзида 5 тагача халқалар фаолиятига раҳбарлик қилади. Дорислар ўзаро исмлари билан муомила қилган ҳолда, мушрифни таҳаллусини билади ва бошқа гуруҳлар ҳақида маълумотга эга бўлмайдилар.

«**Ваҳҳобийлик**» диний-сиёсий оқим сифатида XVIII асрда марказий Арабистоннинг Нажд воҳасида вужудга келган ва унга Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб асос солган. Уларнинг асосий мақсади дунёдаги барча мусулмонларни бирлаштириб, динни пайғамбарлар яшаган даврдаги асл ҳолатига қайтариш, ҳар қандай янгилик исломга қарши деб билиб, ўтиб кетганларни хотирлаш, қабрларни зиёрат қилиш, тасвирий санъат, кино, мусиқа, театрни рад этган ҳолда жоҳилия даврига қайтиб, Қуръони каримда қайд этилган тарзда ҳаёт кечирish, бу ҳаракатларга қарши чиққан кишиларни ислом душмани деб билиш ҳамда уларга нисбатан сиёсий ва қуролли кураш олиб боришни мақсад қилиб кўяди.

«**Ўзбекистон Ислом ҳаракати**» (Ҳозирги кунда Туркистон Ислом ҳаракати деб номланмоқда) «Ваҳҳобийлик» диний экстремистик оқимининг ташкилий тизими сифатида халқаро террористик ташкилотлар: «Ал Қоида», «Ҳаракат ул Ансор», «Ал Жиход» кабилар билан тил бириктириб, уларнинг қўллаб-қувватлаши натижаси ташкил этилган. Ушбу ҳаракат Ўзбекистондаги ғайри қонуний ҳаракатларини 1990-1992 йилларда бошлаган.

«Ўзбекистон (Туркистон) Ислом ҳаракати» мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий муносабатларни беқарорлаштириш;
- динлараро, миллатлараро адоват кўзғаш;
- оммавий тартибсизлик ва фуқаровий бўйсунмаслик намоишларини ташкиллаштириш;
- Ўзбекистонда амалдаги давлат тузумига нисбатан жиход эълон қилиб, конституцион тузумни афдариб, бошқарувни қўлга киритиш;
- ваҳҳобийлик мафқурасини амалда татбиқ этиб, халқни ўзининг сиёсий ва иқтисодий манфаатларига бўйсундириш;

– дунёда ягона исломий давлат куриш мақсадида, исломни тан олган бошқа давлатларни бирлаштириш, бу мафкурага бўйсунмаган давлатларга жиходий ҳаракат билан ўз таъсирини ўтказиш;

Ушбу мақсадларга эришиш йўлида «ЎИХ» Афғонистон, Покистоннинг назорат қилинмайдиган ҳудудларида жойлашган ҳарбий лагерларида жанггарилар тайёрлаш, уларни мамлакатимиздаги ижтимоий ҳаётни беқарорлаштиришда фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Диний экстремизмни олдини олишдаги асосий вазифаларимиз:

– ҳудудда жойлашган турли ташкилотлар, ўқув юртлари ва меҳнат жамоаларида диний экстремизмнинг мудҳиш кўринишлари ва салбий оқибатлари ҳақида суҳбатлар уюштириш;

– диний экстремистик оқимлар ва ташкилотлар ҳақидаги маълумот ва ахборотларни йиғиш;

– диний экстремистик оқимлар, ташкилотлар ва ушбу оқимга алоқадор шахслар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга хабар бериш.

2§ Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларнинг жиний-ҳуқуқий тавсифи

Терроризм жиний ҳаракатнинг энг оғир кўринишларидан бири бўлиб, айбдор атрофдагиларда қўрқув, ғалаён уйғотишга, уларнинг меъерий одати ва ижтимоий фойдали фаолиятини тўхтатиб қўйишга, ҳокимият ва бошқарув органларига қаршилик қилиб, ўзининг ноқонуний мақсадларига эришишга ҳаракат қилади.

Терроризмнинг *бевосита объекти* халқаро хавфсизликни сақлайдиган ва инсониятни ҳимоялайдиган ҳамда Ўзбекистоннинг хавфсизлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлардир. Терроризмда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятига, ижтимоий тартибот, ўзгалар мол-мулкига ва бошқаларга зарар етиши мумкин. Шу сабабли терроризмнинг *қўшимча объекти* бўлиб одамларнинг ҳаёти, соғлиғи, моддий ёки бошқа манфаатларини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар хизмат қилади.

Объектив томондан Жиноят кодекси 155-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жиноят давлат органи, халқаро ташкилот, уларнинг мансабдор шахслари, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга

мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди, шунингдек террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлиши, ишлаб туриши, молиялаштирилишини таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёинки террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ва бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар ва ресурслар бериш ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият юритишда ифодаланади.

Бундай зўрлашнинг воситаси ўлдириш ёки баданга шикаст етказиш билан таҳдид солиш, хорижий давлат ёки халқаро ташкилотларнинг вакиллариини гаровда ушлаб туриш, давлат ёки жамоат арбобига ёхуд ҳокимият вакилига тажовуз қилиш кабилардир.

Куч ва зўрлик ишлатиш деганда, айбдор томонидан терроризм ҳаракатида ҳар қандай зўравонлик тусидаги ҳаракатларнинг содир этилиши тушунилади. Зўрлик ишлатиш деганда, турли даражадаги шикаст етказиш, одам ўғирлаш, асирликка олиш, қурол, шу жумладан, оммавий қирғин қуролларини ишлатиш ва ҳоказони тушуниш лозим.

Шахсга ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа ҳаракатлар деганда, шахсга ёки мол-мулкка хавф етишини вужудга келтирадиган ҳаракатлар тушунилади. Булар террорчилик тусидаги исталган ҳаракатлар бўлиши мумкин ва у қуйидагиларга йўналтирилган бўлади: портлатиш, ёкиб юбориш ҳаракатлари; аҳоли яшаш жойларини сувга чўктириш; ҳосилларни барбод қилиш; ерни ёки ҳосилни яроқсиз ҳолга келтириш; сув манбаларини заҳарлаш; радиоактив, кимёвий, биологик, ядровий қуроллардан, бомба, заҳарловчи, кучли таъсир этувчи, токсик моддалардан фойдаланиш; транспорт воситалари ёки бошқа объектларни зарарлаш ёки йўқ қилиш; авария ҳодисалари ва техноген ҳалокатлари учун шароит яратиш ва ҳоказо.

Шахснинг хавфлилиги деганда, террорчилик ҳаракатининг содир этилишига йўналтирилган ҳаракатлар давомида ҳеч бўлмаса бир кишининг ҳаётига таҳдид солиниши тушунилади.

Мол-мулк хавфлилиги деганда, мол-мулкка сезиларли зарар етишига шароит туғдириш назарда тутилади. Шу билан бирга, мол-мулкнинг зарари қиймати барбод бўлган ёки зарарланган мол-мулкнинг баҳоси билан белгиланади.

Куч ишлатиш таҳдиди, зўрлик ишлатиш шахсга ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа ҳаракатларни содир этиш – давлат органлари,

ҳокимият мансабдор шахсларига, халқаро ташкилотларнинг вакиллари ва ваколатли шахсларига, умуман маълум давлат, ҳудуд, маҳаллий жойнинг аҳолисига халқаро муносабатларни қийинлаштириш, суверенитетни ва ҳудудий яхлитликни, қуроли тўқнашувларни, ижтимоий-сиёсий муҳитнинг мувозанатини бузиш, давлат хавфсизлигига путур етказиш аҳолини қўрқитишдан иборат.

Террорчилик ҳаракатларини содир этиш таҳдиди оғзаки, ёзма, бевосита ёки турли алоқа воситалари орқали маълум қилиниши мумкин. У, албатта, ҳаққоний бўлиши керак, ҳар ҳолда жабрланувчида айбдорнинг таҳдидини амалга оширмоқчи бўлган ёки бўлмаганидан қатъий назар, унинг содир этилишидан қўрқиши учун етарли сабаблари бўлиши лозим.

Террорчилик ташкилотларининг мавжуд бўлиши, фаолият юритиши, молиявий қўллаб-қувватланишини таъминлашга йўналтирилган фаолият деганда, айбдор томонидан террорчилик ташкилотларининг шахсий таркибини (аскарлар) рекрут (ёллаш, йиғиш, танлаб олиш) қилиш бўйича ҳаракатлари назарда тутилади; шундай ташкилотларни қуроллантириш, яъни ёлланма аскарларни совуқ ёки ўқотар қурооллар, ўқ-дори захиралари ва портловчи воситалар, ҳарбий ва махсус техника билан таъминлаш; ёлланма аскарларни ўқитишни ташкил қилиш, террорчилик ташкилотларини ёки террорчи бузғунчи гуруҳларнинг фаолиятини ва ҳаракатларини режалаштириш кабиларда намоён бўлади.

Террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этиш ўз ичига террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш кетма-кетлигини билдирадиган мақсадли ҳаракатларни олади: режалаштириш (террорчилик ҳаракати содир этиш режасини ишлаб чиқиш, жиноятга лойиқ объектни танлаш), иштирокчилар орасида мажбуриятларни тақсимлаш (мутахассисларни, жумладан, портлатиш техникалари, экспертларни танлаш ва «шаҳидларни» тайёрлаш), тайёргарлик ишларини олиб бориш (ҳудудни ўрганиш, орқага қайтиш йўлларини ўйлаш ва бошқалар) ва террорчилик ҳаракатини амалга ошириш поғоналари, яъни режалаштирилган террорчилик ҳаракатини у ёки бу кўринишда (портлатиш, ёқиб юбориш, босиб олиш, асирларни қўлга олиш ва ҳоказо) бевосита содир этишда намоён бўлади.

Террорчилик ташкилотларига ёки террорчилик фаолиятидаги қатнашувчиларга ёки иштирокчиларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай воситаларни, ресурсларни ёки бошқа хизматларни тақдим

этиш ёки йиғиш террорчилик ташкилотларини молиялаштириш моддий таъминлашга йўналтирилган ҳар қандай кўринишдаги фаолиятни ўз ичига олади. Жумладан, террорчилик ташкилотлари манфаатларига хизмат қилувчи ёки унинг кўрсатмалари билан очикчасига ёки яширин тарзда фаолият юритувчи турли жамғармалар, ижтимоий ташкилотлар, бирлашмаларни ташкил қилиш; гўёки, хайрия учун воситалар йиғиш йўли билан; давлатлар ҳудудида ҳамда назорат қилинмайдиган ҳудудларда, террорчилик ташкилотларини моддий молиялаштиришда иштирок этадиган шахсларни молиялаштириш, кредит бериш, фоизсиз имтиёзли тарзда қарз бериш мақсадида фаолият юритувчи турли молиявий ташкилотларни, банкларни қонуний тарзда ташкил қилиш кабилар юқорида кўзда тутилган ҳаракат турларига киради. Бундан ташқари, террорчилик ташкилотлари фаолиятини молиялаштирувчи манба сифатида фойдаси террорчилик ташкилотларининг фаолиятини кўллаб-қувватлашга сарфланадиган ишлаб турган заводлар, фабрикалар ва бошқалар ҳам хизмат қилиши мумкин.

Терроризмни молиялаштириш — бу террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита, билвосита ҳар қандай маблағвоситалар, ресурслар беришга ёинки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмишдир.

Террорчилик ташкилоти деганда, икки ёки ундан ортиқ шахснинг ёки террорчилик гуруҳларининг террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун барқарор бирлашуви тушунилади.

Айбдор ресурслар ва воситаларни кимга тақдим этаётганини билса ҳамда бу воситаларни террорчиларга беришни бевосита амалга оширса, воситаларни тақдим этиш қасддан амалга оширилган, деб баҳоланиши зарур. Воситаларни билвосита тақдим этиш ҳолати, айбдорнинг воситаларни террорчиларга эмас, балки даллолларга, масалан, бирор-бир хайрия ташкилотлари орқали беришида намоён бўлади.

Воситаларни тақдим қилишдан фарқли ўлароқ *воситаларни йиғиш* ўзида тегишли воситаларни уларни тақдим этувчи шахслардан аккумуляция қилиш бўйича фаолиятни мужассам этади, яъни воситаларни йиғувчилар уларни тақдим этувчилар ва террорчилик ташкилотлари ёки террорчилик фаолиятида иштирок этувчи шахслар

орасида воситачи сифатида хизмат қилади. Воситаларни йиғувчилар воситачилар каби уларнинг мулкдори ҳисобланмайди, фақат тақдим этилган воситаларга эга бўладилар. Бошқача қилиб айтганда, воситаларни йиғувчилар ва уларни тақдим этувчилар орасидаги чегарани тақдим этилган воситанинг мулкдори эканлигига қараб аниқлаш лозим.

Террорчиларга *бошқа хизматларни кўрсатиши* қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: террорчиларни қонунда белгиланган жазодан яшириш, халқаро терроризм ҳолатида — хорижий раҳбарият билан алоқани ташкил қилиш, турли хил кузатишларни олиб бориш (масалан, бирор-бир арбобнинг кун тартибини кузатиш) ва ҳоказо.

Шуни назарда тутиш керакки, терроризм турли хил усуллар орқали амалга оширилиши мумкин, лекин уларнинг барчаси иккита умумий белгига эга: давлат ҳокимиятини ағдаришга йўналтирилганлик ҳамда аҳоли орасида террорчиларнинг ташкил этилган ва шафқатсиз зўравонлиги натижасида кўрқув ва ҳимоясизлик ҳиссини уйғотиш.

Кўп ҳолларда терроризм одамларнинг ўлими хавфини туғдирувчи, мол-мулкка сезиларли зарар етказилиши ёки бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар ёки берилган ҳаракатларни содир этиш таҳдидига олиб келувчи портлатиш ёки ёқиб юбориш йўли билан содир этилади.

Портлаш — бу қисқа вақт ичида чегараланган ҳажмда кўп миқдордаги қувватнинг иссиқлик ажратиши билан бўшаши жараёнидир.

Юқори босим натижасида ўта қиздирилган газ (плазма) кенгайди ва атрофдаги буюмларга механик таъсир кўрсатади (босим, вайрон қилиш, парчалаш ва ҳоказо).

Ёқиб юбориш — бу айбдор шахс томонидан у ёки бу усул орқали объектнинг назорат қилинмайдиган ёниш жараёнини содир этишдир.

Жиноят кодекси 155-моддасининг биринчи қисми диспозицияси кўрсатилган оқибатларни содир этиш ва кўрсатилган мақсадларга етишни назарда тутмайди. Террорчилик ташкилотлари учун берилган мақсадларда ёки воситаларни йиғишда зўрлик ишлатилиш далили, агар қўйилган мақсадга эришилмаганда ҳам одамлар ўлимига ёки мол-мулк зарарига олиб келиш хавфи туғилганида, жиноят *туғалланган* ҳисобланади.

Терроризмнинг *субъектив томони* тўғри қасдда ифодаланади, яъни айбдор террорчилик ташкилотларининг фаолият юритиши, молиялаштирилишини, таъминлашга йўналтирилган, содир этаётган террорчилик ҳаракатлари ёки бошқа фаолиятнинг ижтимоий хавфини

ва тавсифини, халқаро хавфсизликни издан чиқаришни англайди. Шундай бўлса-да, буни хоҳлайди.

Берилган жиноят таркибининг субъектив томони учун халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини кўрқитиш *мақсади* аниқланиши шарт. Бундай мақсад бўлмаганида, содир этилган ҳаракатни Жиноят кодекси 155-моддасининг биринчи қисми билан квалификация қилиб бўлмайди.

Кўрилаётган жиноятни содир этиш *мотивлари* турлича бўлиши мумкин: қасос, ўч олиш, давлатда олиб борилаётган сиёсатни ғоявий қабул қилмаслик ва бошқалар, бироқ булар жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайди, аммо ҳар бир ҳолатда суд томонидан жазо белгиланаётганда, инobatга олиниши лозим.

Жиноят кодекси 155-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган терроризмнинг *объектив томони* давлат ёки ижтимоий вакил ёки ҳокимият вакилларига уларнинг давлат ёки ижтимоий фаолияти билан боғлиқ ҳолда баданга шикаст етказиши, ҳаётига қасд қилиш ҳолатларида намоён бўлади.

Ҳаётга суиқасд қилиш деганда, айбдор томонидан давлат ёки ижтимоий вакилнинг айбдорнинг иродасидан келиб чиқмаган ҳолда, шароитлар натижасида ўлимига олиб келадиган ҳолатлар тушунилади. Қасд қилиш транспорт воситаларининг тўқнашувини саҳналаштириш, совуқ қурол билан инсоннинг ҳаётий зарур органларига уриш, захарлаш ҳаракати ва бошқаларда намоён бўлади. Қасд қилишнинг усули ҳаракатнинг квалификациясига таъсир қилмайди, лекин суд томонидан жазони белгилашда инobatга олиниши мумкин.

Терроризмни содир этишда *баданга шикаст етказиши* давлат ёки ижтимоий вакил ёки ҳокимият вакилларига уларнинг давлат ёки ижтимоий фаолияти билан боғлиқ ҳолда, ҳар қандай оғирликдаги (енгил, ўртача оғир ёки оғир) баданга шикаст етказишда намоён бўлади.

Шу билан бирга, баданга шикаст етказиш жамоат арбоби ёки ҳокимият вакилларига уларнинг айнан давлат ёки ижтимоий фаолияти билан боғлиқ ҳолда етказилган бўлиши шарт. Агар кўрсатилган шахсларнинг соғлиғига зарар уларнинг фаолияти билан боғлиқ ҳолда етказилмай, балки бошқа шароитлар сабабли бўлса, у ҳолда кўрилаётган терроризмнинг таркиби сифатида истисно қилинади ва айбдор шахсга қарши жиноят содир этиш бўйича тергов қилинади.

Агар баданга шикаст етказиш қасд қилиш мақсадига эга бўлса, содир этилган ҳаракат куч ишлатиш белгисига кўра, Жиноят кодекси 155-моддасининг биринчи қисми билан квалификация қилинади.

Жиноят кодекси 155-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят ижтимоий ёки ҳокимият арбоблари ҳаётига суиқасд қилиш ёки соғлиғига зарар етказиш ҳолати содир этилганида, *туғалланган* деб топилади.

Жиноят кодекси 155-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган терроризм *субъектив томондан* қасддан содир этилади. Айбдор ўзи томонидан содир этилаётган ҳаракатларнинг ижтимоий хавфли тавсифини англайди ва шуни хоҳлайди, шу билан бирга, қонунда кўрсатилган аниқ мақсад билан — давлат органлари томонидан қарорларнинг қабул қилинишига таъсир этиш ёки шароитни издан чиқариш ёхуд сиёсий ва бошқа ижтимоий фаолиятга тўсқинлик қилишга ҳаракат қилади.

Жиноят кодекси 155-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган терроризм берилган модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ва қуйидаги оқибатларни олиб келган ҳаракатларни содир этишда намоён бўлади:

- а) одам ўлими;
- б) бошқа оғир оқибатлар.

Жиноят кодекси 155-моддасининг учинчи қисми «а» банди бўйича одам ўлими оқибатларини келтириб чиқарган террорчилик фаолияти ва террорчилик тусидаги бошқа ҳаракатларнинг содир этилишини квалификация қилиш лозим. Терроризмни содир этиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш (асирни отиб ташлаш, бирор-бир объектга бостириб кираётганда кўриқчини ўлдириш ва шу кабилар) ҳаракати содир этилган бўлса, айбдорнинг ҳаракати Жиноят кодекси 97-моддаси бўйича қўшимча квалификацияни талаб қилади. Террорчилик ҳаракатини содир этишда одамни ўлдириш эҳтиётсизлик натижасида етказилган бўлса, ҳаракат кўрилаётган модда бўйича баҳоланади ва Жиноят кодексининг 102-моддаси бўйича қўшимча квалификацияни талаб қилмайди.

Терроризмнинг бошқа оғир оқибатлари деганда, кўпчилик одамларга оғир тан жароҳати етказиш ёки ўлдириш; биноларни, қурилмаларни ўта катта миқдордаги зарар олиб келиш даражасида вайрон қилиш ёки йўқ қилиш; давлатлар орасидаги муносабатларни қийинлаштириш ёки тўхтатиб қўйиш; муҳим сиёсий ва иқтисодий аҳа-

миятга эга келишувларни барбод қилиш; давлатдаги ижтимоий-сиёсий шароитни издан чиқариш; аҳоли яшаш жойларидаги ҳаётий зарур объектларни вайрон қилиш, уларни радиоактив, кимёвий, бактериологик ёки бошқа турда захарлаш ва бошқалар тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлган фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар терроризмнинг *субъекти* бўлиши мумкин.

Терроризмнинг олдини олиш учун Жиноят кодекси 155-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ, террорчилик ҳаракатини тайёрлашда иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органларига ўз вақтида хабар бериш ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келишининг ҳамда террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган бўлса, башарти бу шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Айбдор жиноий жавобгарликдан қуйидаги ҳолатларда озод қилиниши мумкин:

1) агар у фақат террорчилик ҳаракатини тайёрлашда иштирок этган бўлса;

2) ўз вақтида, яъни объектив томоннинг жиноят содир этишидан аввал ҳокимият органларига террорчиларнинг мақсадларини амалга оширишлари ва оғир оқибатлар келиб чиқишининг олдини олиш учун чоралар кўришга имкон яратган ҳолда, маълум қилса;

3) бошқа усуллар билан террорчиларнинг мақсадларини амалга оширишлари ва оғир оқибатлар келиб чиқишининг олдини олишга фаол ҳаракат қилган, яъни террорчилик ҳаракатини тўхтатиш учун ҳар қандай ҳаракатни амалга оширганда (масалан, ҳуқуқ-тартибот органларига ёки террорчилик ҳаракати содир этилиши кўзланган ташкилот маъмуриятига шахсан бориб огоҳлантириш; давлат органларини аноним тарзда огоҳлантириш; ижтимоий хавфли ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича субъектнинг бошқа фаол ҳаракатлари; зарарли оқибатларни тўхтатиш ва кучсизлантириш учун бошқа фуқароларни жалб этиш ва ҳоказо);

4) агар унинг ҳаракатларида бошқа жиноят таркиблари бўлмаса (қурол ёки портловчи моддаларни сотиб олиш, сақлаш ёки уларни ўғирлаш, шахсан тайёрлаш ва ҳоказо).

Террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш (ЖК 155²-м.)

Жиноят қонунчилигида террористик фаолиятни амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтганлик учун жавобгарлик белгиланиши ушбу турдаги жиноятлар учун жавобгарлик чораларини қўллаш самарадорлигини оширишга қаратилган. Таҳлил этилаётган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, авваломбор, шахснинг моддада назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш мақсадида била туриб ўқувдан ўтиши, шу жумладан мазкур жиноятларни содир этиш учун билим, амалий маҳорат ва кўникмаларни эгаллаши, ўқув чоғида қурол-яроғ, портлатиш қурилмалари, портловчи, захарловчи, атрофдагилар учун хавф туғдирадиган бошқа моддалар ва буюмлар билан муомала қилиш усулларини ўрганиши ушбу жиноятларни содир этиш фактининг реал хавфини вужудга келтириши учун имконият яратиб бериши билан изоҳланади ҳамда келгусида содир этилиши мумкин бўлган аниқ жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис мазкур жиноятнинг содир этилиши террористик фаолиятни амалга ошириш реал хавфини келтириб чиқаради. Бундан келиб чиққан ҳолда кўрилаётган жиноятнинг *бевосита объектини* тинчлик ва инсоният хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Жиноят кодексининг 255²-моддаси биринчи қисмида шахснинг террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёхуд ушбу Кодекснинг 155, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255¹ ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш мақсадида ўтказилаётганлиги ўзи учун аён бўлган ўқувдан ўтиши, шу жумладан мазкур жиноятларни содир этиш билимини, амалий маҳоратини ва кўникмаларини эгаллаши, ўқув чоғида қурол-яроғ, портлатиш қурилмалари, портловчи, захарловчи, атрофдагилар учун хавф туғдирадиган бошқа моддалар ва буюмлар билан муомала қилиш усулларини ўрганиши учун жавобгарлик белгиланган.

Мазкур жиноятнинг объектив томони

1) шахс томонидан террорчилик фаолиятини амалга ошириш ва кўрилаётган модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жиноятлардан бирини содир этиш мақсадида ўтказилаётганлиги аён бўлган ҳолда ўқувдан ўтиш;

2) мазкур жиноятларни содир этишнинг амалий маҳорати ва кўникмаларини ҳамда билимини эгаллаш;

3) ўқув чоғида қурол-яроғ, портлатиш қурилмалари, портловчи, захарловчи, атрофдагилар учун хавф туғдирадиган бошқа моддалар

ва буюмлар билан муомала қилиш усуллари ўрганиш ҳаракатларида ифодаланади:

Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги 2000 йил 15 декабрдаги қонунининг 2-моддасига кўра, *террорчилик фаолияти* деганда, террорчилик ҳаракатини уюштириш, режалаштириш, тайёрлаш ва амалга оширишдан, террорчилик ҳаракатига ундашдан, террорчилик ташкилотини тузишдан, террорчиларни ёллаш, тайёрлаш ва қуроллантиришдан, уларни молиялаштириш ва моддий-техника жиҳатидан таъминлашдан иборат бўлган фаолият тушунилади.

Террорчилик ҳаракати деганда эса, гаровда ушлаб туриш учун шахсларни қўлга олиш ёки ушлаб туриш, давлат ёки жамоат арбобининг, аҳолининг миллий, этник, диний, бошқа гуруҳлари, чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлар вакиллариининг ҳаётига тажовуз қилиш, давлат ёки жамоат аҳамиятига молик объектларни босиб олиш, шикастлантириш, йўқ қилиш, портлатишлар, ўт қўйишлар, портлатиш қурилмаларини, радиоактив, биологик, портловчи, кимёвий, бошқа заҳарловчи моддаларни ишлатиш ёки ишлатиш билан қўрқитиш, ер усти, сув ва ҳаво транспорти воситаларини қўлга олиш, олиб қочиш, шикастлантириш, йўқ қилиш, аҳоли гавжум жойларда ва оммавий тадбирлар ўтказилаётганда ваҳима кўтариш ва тартибсизликлар келтириб чиқариш, аҳоли ҳаётига, соғлиғига, жисмоний ёки юридик шахслар мол-мулкига авариялар, техноген хусусиятли ҳалокатлар содир этиш йўли билан зарар етказиш ёки хавф туғдириш, таҳдидни ҳар қандай воситалар ва усуллар билан ёйиш тарзида террорчилик тусидаги жиноятларни, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларида белгиланган террорчилик тусидаги бошқа ҳаракатларни содир этиш тушунилиши қайд этилган.

Мазкур ҳолатда ўқувдан ўтиш мазмунини айнан нормада назарда тутилган жиноятларни содир этишга тайёргарлик кўриш, уни содир этиш ва жиноят изларини яширишга қаратилган махсус ишлаб чиқилган билимлар мажмуини эгаллашга қаратилган фаолият ташкил этади.

Террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш жиноятининг *объектив томони* шахсининг фаол хулқ-атворини ташкил қилувчи ҳаракат — ўқувдан ўтиш яъни, тегишли билим, амалий маҳорат ва кўникмаларни эгаллаши, бошқа моддалар ва буюмлар билан муомала қилиш усуллари ўрганиш билан ифодаланади.

Қонунга асосан, таҳлил қилинаётган жиноят учун жиноий жавобгарлик фақат шахсга аниқ маълум бўлган террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёхуд Жиноят кодекси 155, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255¹ ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш мақсадида била туриб ўқувдан ўтиши учун белгиланади.

Аниқ билиш деганда, ўқувнинг террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёхуд Жиноят кодекси 155, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255¹ ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш учун мўлжалланаётганлигини билишни англатади. Агар ўқув аниқ бир жиноятни содир этиш учун тайёргарлик кўриш (ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этиш ўз ичига жиноий ҳаракатларини тайёрлаш кетма-кетлигини билдирадиган мақсадли ҳаракатларни олади: режалаштириш (террорчилик ҳаракати содир этиш режасини ишлаб чиқиш, жиноятга лойиқ объектни танлаш), иштирокчилар орасида мажбуриятларни тақсимлаш (мутахассисларни, жумладан, портлатиш техникалари, экспертларни танлаш ва «шаҳидларни» тайёрлаш), тайёргарлик ишларини олиб бориш (ҳудудни ўрганиш, орқага қайтиш йўлларини ўйлаш ва бошқалар) ва террорчилик ҳаракатини амалга ошириш роҳналари, яъни режалаштирилган террорчилик ҳаракатини у ёки бу кўринишда (портлатиш, ёқиб юбориш, босиб олиш, асирларни қўлга олиш ва ҳоказо) бевосита содир этиш)га қаратилганлиги қилмишни мазкур жиноят таркиби бўйича квалификация қилишни истисно этади. Бундай ҳолатларда қилмиш аниқ жиноятга тайёргарлик кўриш каби баҳоланади. Шунингдек, илгари Жиноят кодекси 155²-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс амалда ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятлардан бирортасини содир этишга тайёргарлик кўргани ёки содир этгани, шахсни тайёргарлик кўрган ёки содир этган жиноятлари ҳамда Жиноят кодекси 155²-моддаларининг мажмуи бўйича жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Мазкур жиноят тузилишига кўра формал таркибли ҳисобланади ва нормада кўрсатилган қилмишларнинг бирортасининг содир этилиши пайтидан эътиборан *туғалланган* ҳисобланади.

Таҳлил этилаётган жиноятнинг *субъектив томони* тўғри қасдда ифодаланади. Яъни шахс террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёхуд Жиноят кодекси 155, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255¹ ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш

мақсадида ўқийганлигининг ижтимоий хавфлилигини англайди ва шундай қилмиш содир этишни истайди.

Шахснинг террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёхуд ушбу Кодекснинг 155, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255¹ ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш мақсадида жиноятнинг объектив томон ҳаракатларини содир этиш жиноят таркиби субъектив томонининг зарурий белгисига киритилган. Шу боис ҳар бир ҳолатда қилмишни мазкур жиноят билан квалификация қилишда ушбу мақсадни аниқлаш шарт. Акс ҳолда қилмиш ушбу жиноят таркибини ташкил этмайди.

Кўрилаётган жиноятининг субъекти жиноят содир этгунга қадар 16 ёшга тўлган, ҳар қандай ақли расо жисмоний шахслар ҳисобланади.

Мазкур норма моҳиятига кўра, шахсни ўқитиш ишларини амалга оширган шахснинг ҳаракатлари қамраб олинмайди.

Жиноят кодекси 155²-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, ушбу моддада назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёхуд ушбу Кодекснинг 155, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255¹ ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш мақсадида ўтказилаётганлиги ўзи учун аён бўлган ўқувдан ўтганлиги тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар қилса, содир этилган жиноятни фош қилишга ёки бундай ўқувдан ўтган, бундай ўқувни амалга оширган, ташкил этган ёхуд молиялаштирган бошқа шахсларни, шунингдек ўқув ўтказилган жойни аниқлашга фаол кўмаклашса ва агар унинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби мавжуд бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш (ЖК 244¹-м.)

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур жиноятнинг объектини тўғри аниқлаш кўп жиҳатдан ушбу жиноят предметининг ижтимоий хавфлилигига тўғри баҳо бериш билан боғлиқ. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид солувчи материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш жиноятида, жиноятнинг предмети ҳам жиноят таркиби доирасидаги тушунча ҳисобланади. Жиноят қонуни билан кўриқланадиган объектга нисбатан ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) туфайли тўғридан-тўғри жиноят предметига таъсир кўрсатилади. Шу нуқтаи назардан, жиноят предметининг ўзига хос хусусиятларини тўғри аниқлаш, жиноят объектини тўғри белгиланишига имкон яратади.

Қонун мазмунига кўра, мазкур жиноятнинг предметлари: 1) диний экстремизм ғоялари билан йўғрилган материаллар; 2) диний сепаратизм ғоялари билан йўғрилган материаллар; 3) диний ақидапарастлик (фундаментализм) ғоялари билан йўғрилган материаллар; 4) қирғин солишга қаратилган материаллар; 5) фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этишга қаратилган материаллар; 6) аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материаллар ҳисобланади.

Жиноят кодекси 244¹-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жиноят объектив томондан: 1) диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш; 2) шу хилдаги материалларни тарқатиш мақсадида сақлашда ифодаланади.

Тайёрлаш деганда, жиноят предметларининг ҳар қандай кўринишда яратилиши тушунилади.

Сақлаш деганда, жиноят предметларини айбдорнинг эгаллигида ёнида, бинода, махфий ерда ва бошқа жойларда бўлиши билан боғлиқ ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатлар тушунилади. Жиноят предметларини сақлаш учун жавобгарликни белгилашда, ушбу предметлар тарқатиш мақсадида сақланаётганлигини аниқлаш лозимдир, акс ҳолда бундай мақсаднинг аниқланмаганлиги қилмишни ушбу норма билан квалификация қилинишини инкор этади.

Жамоат хавфсизлигига ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш шу хилдаги материалларнинг бир нусхаси тайёрланган пайтдан бошлаб, бу материал тарқатилгани ёхуд тарқатиш мақсадида сақланганидан қатъий назар, жиноят тугалланган деб ҳисобланади.

Юқорида кўрсатилган ҳаракатлар учун аввал маъмурий жазо (МЖтК 184-моддаси: жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш) қўлланилганидан кейин бир йил ичида қайтадан содир этилган тақдирда, Жиноят кодексининг 244¹-моддаси биринчи қисми бўйича жиноий жавобгарлик вужудга келади.

Жиноят кодексининг 244¹-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят объектив томондан диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни:

ҳар қандай шаклда тарқатиш;

худди шунингдек фуқаролар тинч ва тотувлигини бузиш, тухматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш ҳаракатларида ифодаланади.

Тарқатиш деганда, шу хилдаги материалларнинг оғзаки ёки ёзма шаклда, ҳеч бўлмаганда бир шахсга ошкор этилиши тушунилади. Тарқатишнинг усуллари турлича бўлиши мумкин. Масалан, уларни варақалар шаклида аҳоли орасида тарқатиш, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш, телевидение орқали намойиш қилиш, интернет тармоқларига жойлаштириш ва ҳоказо. Тарқатиш усуллари жинойтни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

Тухматона уйдирмалар деганда, ёлғонлиги олдиндан маълум бўлган, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларнинг тарқатилиши тушунилади.

Вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар деганда, жамоат тартибининг бузилишига, корхона, муассаса, ташкилотлар фаолиятининг вақтинча тўхтаб қолишига, кўркүв, ваҳима, ишончсизлик ва ҳоказоларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган ёлғон далиллар, ахборотлар тушунилади.

Диний ташкилотлардан, шунингдек чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамидан фойдаланиш деганда, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш учун диний ташкилотлардан, чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамидан фойдаланиш тушунилади.

Қонунга кўра, «диндан давлатга ва конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўҳтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди»¹. Шу нуқтаи назардан, Жиноят кодекси 244¹-моддаси иккинчи қисмида бундай ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонуни 5-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1998. — № 56. 99-м.

Жиноят кодексининг 244¹-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят кўрсатиб ўтилган маълумотлар ёки материаллар тарқатилган вақтдан бошлаб, келиб чиққан оқибатидан қатъий назар тугалланган ҳисобланади.

Жиноятнинг субъектив томони тўғри қасдда ифодаланади, яъни айбдор содир этаётган қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англайди, оқибатларига кўзи етади ва уларнинг юз беришини истайди.

Жиноятнинг мақсади жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлиб, мазкур жиноятнинг мақсади диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тарқатиш ёки диндан фойдаланиб, жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларини ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш ҳисобланади.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган, ҳар қандай ақли расо жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Агар субъект мансабдор шахс бўлса, иш ҳолатларидан келиб чиқиб жиноятлар мажмуи тариқасида Жиноят кодекси 244¹-моддаси 205 (Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш) ёки 206-моддалари (Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш) билан квалификация қилиниши лозим.

Агар юқорида кўрсатилган ҳаракатлар: а) олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан; б) хизмат мавқеидан фойдаланиб; в) диний ташкилотлардан, шунингдек чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамдан фойдаланиб содир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 244¹-моддаси учинчи қисмининг тегишли банди билан квалификация қилинади.

Икки ёки ундан ортиқ шахс олдиндан тил бириктирган ёки бириктирмаганлигидан қатъий назар, шунингдек, уюшган гуруҳ томонидан юқорида кўрсатилган ҳаракатлардан бирининг (ёки бир нечтаси) содир этилиши Жиноят кодекси 244¹-моддаси учинчи қисми «а» банди билан квалификация қилинади.

Жиноят кодекси 244¹-моддаси учинчи қисми «б» бандида назарда тутилган бундай жиноят мансабдор шахс томонидан ёки ўз хизмат ваколатларидан Жиноят кодексининг 244¹-моддаси биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳар қандай қилмишни осон-

лаштириш мақсадида фойдаланган бошқа шахс томонидан содир этилганлигини билдиради.

Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш жинояти Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244²-моддасида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида ҳам бундай ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш тақиқланади ва қонунда белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортишга олиб келади. Чунки бундай ташкилотларнинг фаолияти жамоат хавфсизлигига путур етказиши ва жамоа тинчлигига хавф солади. Шу нуқтаи назардан, таҳлил этилаётган жиноятнинг бевосита объекти жамоат хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Ушбу жиноятнинг объектив томони:

- 1) диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш;
- 2) уларга раҳбарлик қилиш;
- 3) уларда иштирок этишда ифодаланади.

Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш деганда, бундай ташкилот фаолиятини ташкилий мустаҳкамлаш ва уни шакллантиришга йўналтирилган ҳар қандай ҳаракат, шунингдек, ташкилотда иштирок этиш учун номзодларни танлаш, уларни ёллаш ва бошқа шу каби ҳаракатлар содир этиш тушунилади.

Шундай ташкилотларга раҳбарлик қилиш деганда, уларни бошқариш, бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма ва буйруқларни бериш, ташкилот аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш, уларнинг режаларини ишлаб чиқиш ва бундай ташкилотларни бошқаришга доир ҳар қандай ҳаракатлар тушунилади.

Иштирок этиш деганда, бундай ташкилотларнинг мавжудлигининг қонунга хилоф эканлигини онгли равишда англаган ҳолда, бундай ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилиш ҳақида ҳар қандай кўринишда (ёзма ёки оғзаки) розилик бериш тушунилади.

Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ташкилотлар деганда, икки ёки ундан ортиқ шахс ёки гуруҳларнинг диний экстремистик, сепаратистик ёки фундаменталистик мазмундаги фаолиятни амалга ошириш учун барқарор бирлашуви тушунилади.

Бошқа тақиқланган ташкилотлар деганда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, республикада фаолият кўрсатиши тақиқланган бирлашмалар тушунилади.

Қонунга кўра, «Ўзбекистон Республикасида диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди. Терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти ман этилади»¹.

Ҳарбийлаштирилган жамоат бирлашмалари ва қуролли тузилмалар, шунингдек диний характерга эга партиялар, уларнинг филиаллари ва бошқа структура бўлақларини ташкил этиш тақиқланади.

Жиноят кодексининг 244²-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жиноят диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот тузилган ёки уларга раҳбарлик қилинган ёхуд уларда иштирок этилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Жиноятнинг субъектив томони тўғри қасдда содир этилиши билан ифодаланади, яъни айбдор содир этаётган қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англайди ва шундай қилмишлар содир этишни хоҳлайди. Жиноятнинг мотив (ният)и ва мақсади турлича бўлиши мумкин, бироқ улар жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган, ҳар қандай ақли расо жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

Агар юқорида кўрсатилган ҳаракатлар натижасида оғир оқибатлар келиб чиққан бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 244²-моддасининг иккинчи қисми билан квалификация қилинади.

Бошқа оғир оқибатлар ҳар бир муайян ҳолатда ишнинг тафсилотлари мажмуидан (бир неча шахсларнинг баданига оғир шикаст етказилиши, одам ўлими, жуда кўп миқдорда зарар етказилганлиги, одамларнинг турар жойларини мажбуран ташлаб кетишларига олиб келадиган шароитнинг юз берганлиги ва шу қабилар) келиб чиққан ҳолда тергов ва суд томонидан ҳал қилинади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. — 1992. — № 9. — 338-м.

Жиноят кодекси 244²-моддасининг учинчи қисмида башарти шахс тақиқланган ташкилотлар мавжудлиги тўғрисида ўз ихтиёри билан хабар қилган ва жиноятни очишга ёрдам берган бўлса, шахсни жавобгарликдан озод қилувчи норма назарда тутилган. Айбдор томонидан ушбу нормада кўрсатилган шартлар бажарилса, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноят учун жавобгарликдан озод қилинади.

3§ Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифи

Террорчилик жинояти қадимдан мавжуд. Террорчилик турли сабаб ва вазиятлар оқибатида асосан нафс туфайли ва ҳокимият илнжида намоён бўлади. Уларнинг барчаси учун хос бўлган хусусият ўз жинойий мақсадларига одамларни даҳшатга солиш, кўрқитиш орқали етишишга уринишдир.

Террор лотинча сўз бўлиб, аслида «Кўрқув», «Даҳшат» деган маъноларни англатади. Терроризм ўта мураккаб жинойий ҳодиса бўлиб, у деярли дунёнинг барча давлатлари қонунлари билан ҳимояланган турли ижтимоий муносабатларга тажовуз қилади. Шунинг учун улар шундай усул ва воситалардан фойдаланадиларки, натижада муайян мақсадларига эришадилар ҳам. Акс ҳолда бу иллат жамиятда бунчалик узоқ яшамаган бўлар эди. Терроризмнинг энг яқин кўмакчиларидан бири одамларнинг кўрқув, ваҳима туйғусидир. Одамларнинг мана шу туйғусидан террорчилар кўп вақтдан бери унумли фойдаланиб келмоқда. Террористларнинг асосий мақсади айрим шахсларни ўлдириш, қонуний ҳукуматини ағдариш, эгаллаш, давлатни вайрон қилиш, катта миқдорда моддий бойликларни ва бутун бошли халқларни, миллатларни йўқ қилишга қаратилмоқда.

Т.Б. Асанов ва В.В. Федоров таклиф этган ҳозирги терроризмнинг таснифида анча оқилона ёндашув борлигини таъкидлаш жоиз. Улар қуйидагиларни ажратадилар:

1) Халқаро терроризм – мотивлардан қатъий назар бир ёки бир неча шахс содир этадиган ижрочилари ўз ҳаракатларини ушбу ҳаракатлар содир этилаётган мамлакат ёки мамлакатларда режалаштирилмаганликлари ва қочиб қутилишлари, бошпана қидиришлари ёки бошқача ҳар қандай шаклдаги ёрдам олишлари сабабли халқаро миқёсда эга бўладиган террорчилик ҳаракатлари;

2) Ички сиёсий терроризм – айрим фуқаролар ёки улар гуруҳларининг мамлакат ичидаги ҳукуматга ёки бирорта сиёсий гуруҳга қаратилган террорчилик ҳаракатлари;

3) Умумжиноий терроризм – айрим шахслар ёки жиноий гуруҳларнинг аҳолига қарши қаратилган террорчилик ҳаракатлари.

Асримиз вабоси бўлмиш терроризм иллатининг фақат шафқатсиз кўринишлари эмас, балки илдизларигача етиб бориб жамият ҳаётидан, дунё халқлари ҳаётидан уни таг-томири билан суғуриб ташлаш барча давлатларнинг энг долзарб вазифаси бўлиши керак. Биринчи Президент Ислон Каримов: «Бу йўлда барчамиз бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилишимиз, қаттиқ кураш олиб боришимиз шарт» деб таъкидлаган эди.

Ҳозирда терроризм рақибларини жисмонан йўқ қилишга асосланган сиёсий кураш сифатида тан олинмоқда. Терроризмнинг дастлабки кўринишлари мавжуд диний анъанага норозилик ҳисси асосида юзага келади. Ҳозирги пайтда кенг тарқалган террористик ҳаракатларнинг асосий кўринишлари диний терроризмдир. Оддий қилиб айтганда террор инсонларни кўрқув уйғотиш, уларни даҳшатга солиш орқали мақсадга эришишни англатади.

Терроризм сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлигига хавф туғдирувчи мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши хавфини келтириб чиқариши ҳамда давлат халқаро ташкилот, жисмоний ёки юридик шахсни бирор бир ҳаракатлар содир этишга, содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, қуролли можароларни чиқаришни кўзлаб ифвогарлик қилиш, аҳолини кўрқитиш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида назарда тутилган зўрлик ва зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёки бошқа қилмишларнинг асл моҳияти эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Россиялик ҳуқуқшунос Ю.М.Антоняннинг фикрига кўра терроризм қуйидаги 4-та ўзига хос белги билан бошқа жиноятлардан фарқ қилади:

1. Терроризм-ўта хавфли жиноий ҳаракат содир этганлиги ёки шундай ҳаракат содир этиш билан кўрқитиш хусусиятига эга эканлиги билан ажралиб туради. Бундай жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлик даражаси аниқ бўлиб, унинг юз бериши ҳар қандай шахсда кўрқув пайдо қилади.

2. Ваҳима ва даҳшат ҳиссини уйғотиш, руҳий тушкунликка тушириш, жиддий нотинчлик ҳаракатларини вужудга келтиришдан иборат.

3. Жиноий қилмишнинг жамоатчилик, кўпчилик олдида амалга оширилиши билан ифодаланади.

4. Терроризмни содир этиш умумий тарзда хавфли куч ишлатиш, алоҳида шахс ёки мулкка қаратилган бўлсада, руҳий жиҳатдан бошқа шахсларга таъсир кўрсатишга қаратилган бўлади.

Терроризмни таҳлил қилиш мазкур жиноятларга қуйидагича умумий криминалистик тавсиф бериш имконини беради:

1) терроризмни содир этиш усуллари тўғрисида маълумот; терроризм жинояти қаерда, қачон, қандай усулда, қайси шароит ва ҳолатларда содир бўлганлиги;

2) содир этилган терроризмни яшириш усуллари тўғрисида маълумот;

3) терроризм жиноятини содир этган шахсни тавсифловчи маълумот;

4) терроризмдан жабрланганларни тавсифловчи маълумот;

5) содир этилган террористик ҳаракатнинг вақти ва жойи тўғрисида маълумот.

Жиноятлари криминалистик тавсифининг асосий элементлари:

Ҳозирги илмий ва амалий ҳолатларни назарга олганда ушбу жиноятларнинг усуллари қуйидагилардир:

– терроризм натижасида шахсга тан жароҳати етказиш;

– бир гуруҳ шахс томонидан содир қилиниши;

– гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар таъсири натижасида содир қилиниши;

– қурол ёки шахснинг соғлиғига шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни қўллаб содир қилиниши;

Ўзбекистон ҳудудида террористик фаолият кўринишлари, хусусан 1999 йил 16 февраль воқеаларини таҳлил қилиш диний экстремистик ташкилотлар фаолияти кўпорувчилик (бузғунчилик)ка, террористик фаолиятга ўтганини яққол кўрсатади.

Бу каби диний-экстремистик ташкилотларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг моддаларида назарда тутилган сиёсий ҳаракат эканлиги, террористик ташкилотга аъзо қилиш мақсадида иложи борича кўпроқ одамларни жалб этиш бўйича фаолиятни молиялаштиришни ўз ичига олади.

Ҳозирги замон шароитида террористик ҳаракатларни содир этишнинг кенг тарқалган усулларида бири портлатишлар ва одамларни гаровга олиш ҳисобланади.

Террористик портлатишларни содир этишда одатда террорчилар одам гавжум, аҳоли кўп тўпланадиган жойларни (бозорлар, майдонлар, спорт майдонлари, уйлар ва хоказоларни) кўз остига олиб кўядилар. Бу эса, ўз навбатида, кўп миқдордаги қурбонлар бўлишига сабаб бўлади. Қурбонлар сонини кўпайтириш мақсадида террорчилар портловчи қурилмаларни кўшимча тарзда зарарловчи ва шикастловчи элементлар билан тўлдиришлари сабабли портлаш вақтида уларнинг мосламадан учиб чиқиш кенглиги ва зарарлаш кўлами жуда кенг ва кучли бўлади. Шунга ўхшаш мақсадларда ҳодиса содир бўлган жойга бир эмас, икки ва ундан ортиқ портловчи қурилмаларни қўйиш (укладка қилиш) имконияти мавжуд. Шуниси қизиқки, уларнинг биринчи қисми орадан бир оз вақт ўтганидан сўнг, яъни биринчи портлашдан зарарланганларга ёрдам берилаётган, воқеа содир бўлган жойга ИИО ходимлари келган ва ниҳоят ҳодиса тафсилотлари билан қизиққан йўловчилар яқинлашганда қўққисдан қайта портлатишга мўлжалланган.

Терроризмнинг усулларида бири сифатида одамларни гаровга олиш ҳисобланиб, унга кўра шахсни гаровга олиш ёки ушлаб туриш, ўлдириш, тан жароҳати етказиш, давлат, халқаро ташкилот, у ёки бу жисмоний ёки юридик шахс ёинки шахслар гуруҳини гаровга олинганни озод этишнинг бевосита ёки билвосита шарти сифатида муайян ҳаракатларни содир этиш, уларни содир этишдан ўзини тийишдан иборатдир.

Террорчиларнинг шахсига оид сифатлари кўпинча террорчилик шакл ва турлари, унинг мақсад ва моҳияти, уларда амал қилувчи террорчилик гуруҳлари, бутун террорчилик ташкилотининг амал қилиш ҳудуди, ижтимоий-демографик, этнопсихологик криминологик ва бошқа шарт-шароитларга боғлиқ бўлади.

Террорчилик ҳаракати (терракт) ёлғиз террорчи, террорчилар гуруҳи, террорчилар ташкилоти томонидан содир этилиши мумкин. Криминалистик нуқтаи назардан аҳамиятга эга бўладиган сифатларни аниқлаш учун террорчилар гуруҳининг жинойий тажриба даражаси ва профессионаллиги, уларнинг гуруҳ таркибида тутган ўрнига алоҳида эътибор бериш лозим. Террорчи ёки террорчилар уюшмасининг аъзоси ҳам мутаассиб, ҳам у ёки бу соҳанинг мутахассиси, ҳам ёлланган

жангари, ҳам юқори ақлий салоҳиятга эга бўлган шахс бўлиши мумкин.

Кўпинча террорчилик ҳаракатлари уюшган гуруҳлар томонидан содир этилади. Уларда эса, одатда, ташкилотчи, бажарувчилар, шериклар ёки ушбу занжирда буюртмачи ҳам бўлиши, шунингдек, уларнинг шахсий сифатлари бир-бирига қарама-қарши бўлиши мумкин. Террорчилар гуруҳи (ташкilotи, уюшмаси)нинг иерархияси вакилларининг шахсий сифатлари ҳам бир-биридан тубдан фарқ қилиши мумкин. Баъзида террористик ҳаракатлар оқибатида оддий фуқаролар, аёллар, болалар ва қариялар азият чекадилар. Алоҳида ҳолларда жиноят содир этиш мақсадлари қандай эканлигидан келиб чиқиб ҳокимият вакиллари ҳам терроризмдан жабр тортишлари мумкин. Террористик жиноятлар сабабли азият чекканлар қуйидаги тоифаларга бўлинади: 1) тасодифий жабрланганлар; 2) муайян ижтимоий, миллий, этник ва бошқа гуруҳларга хос бўлган жабрланувчилар (айниқса, бу диний, этник (миллий), «инқилобий» ёки ғоявий маслакни ўз олдига мақсад қилиб қўйган терроризмга хосдир); 3) давлат ёки жамоат вакиллари, чет эл давлатлари ёки халқаро ташкилотларнинг намояндалари.

Жиноят содир этиш вақти ва жойи тўғрисидаги хабар жиноят содир этиш усули, уни содир этиш механизми, жиноят содир этиш муҳитини аниқлаш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 82-моддасида кўрсатиб ўтилган исботланиши зарур бўлган ҳолатлар ҳар бир жиноят иши бўйича аниқланиши шарт. Терроризмга тегишли равишда мазкур барча жиноятлар учун умумий бўлган талаб жиноятнинг криминалистик тавсифи ва юқорида кўриб чиқилган тергов ҳолатлари нуқтаи назардан аниқлаштирилиши зарур. Шундай қилиб, террористик портлатиш ёки одамларни гаровга олишда қуйидаги ҳолатларнинг исботланиши талаб қилинади:

1) ким томонидан, қачон ва қандай ҳолатларда террорчилик ҳаракати ёки уни содир этишга таҳдид қилингани тўғрисида хабар берилган ва айнан нима хабар қилинган. Мазкур саволлар айнақса хабар жиноятчилардан келиб тушганида аниқланишига алоҳида эътибор бериш зарур. Энг аввало у қачон келиб тушганини аниқлаш зарур: террористик ҳаракатлар содир этилганидан аввалми ёки улар содир этиб бўлинганидан кейинми ?

2) террорчилик ҳаракатларидан кимлар зарарланганлар. Жабрланганлар сони, уларнинг фамилияси, исми-шарифи, ёши, миллати, фуқаролиги, яшаш ва ишлаш жойи, улардан қайси бири ижтимоий ёки сиёсий фаолият билан шуғулланган ва ҳоказо.

3) тажовуз объекти ким бўлган: фуқаролар, давлат ҳокимияти органларининг вакиллари, бошқа шахслар.

4) террорчилик ҳаракати оқибатида нима юз берган: портлатиш қурилмасини қўллаган ҳолда одам ўлдириш, белгиланган қодалар ва талабларни бузиш оқибатида бахтсиз ҳодисанинг юз бериши ёки инсценировка (терроризмни саҳналаштириш). Терговчи портлаш, ёнғин ва бошқа ҳодиса юзасидан терговни режалаштириш жараёнида тўпланган маълумотларга зид бўлмаган барча тусмолларни, улардан фақат биттаси билан чекланмасдан илгари суриши зарур.

Криминал портлатиш ёки ўт қўйиш тўғрисида тусмолларни илгари суриши учун қуйидагилар асос бўлиб хизмат қилиши мумкин:

– бу ҳақида жабрланувчилар ва гувоҳларнинг тўғридан-тўғри кўрсатиши;

– ҳодиса содир бўлган жойда воронка (чуқурча) ва портлатишнинг бошқа излари, ўт қўйиш воситалари ёки уларни қўллашдан қолган излар (масалан, хона полининг унга ёнувчи суюқликларни қўйишдан қолган ҳалқасимон ва спиралсимон изларнинг қолиши).

Бундан ташқари, ўт қўйиш тўғрисидаги тусмолни илгари суриш учун асос сифатида қуйидаги ҳолатлар кўриб чиқилиши мумкин:

– оловнинг бир вақтнинг ўзида бир-бирига боғлиқ бўлмаган жойларда пайдо бўлиши;

– бир вақтнинг ўзида бир нечта бир-бири билан боғлиқ бўлмаган ёнғин ўчоқларининг аниқланиши;

– оловнинг қаттиқроқ ёниши ёки уни ўчиришга тўсқинлик қилиш учун шарт-шароитлар яратиш, муассаса ҳудудига бегона шахсларнинг кирганини исботловчи далилларнинг борлиги;

– ёнғиндан аввал бошқа жиноят содир этилганлиги тўғрисида жиноят аломатларининг топилиши.

5) террорчилик ҳаракатини содир этиш учун қандай қуроллардан фойдаланилган: қурол-яроғ, портловчи ускуналар, портловчи моддалар, ёқилғи-мой ва бошқа маҳсулотлар (ўт қўйиш учун), транспортдан фойдаланилганлиги (қандай транспорт ва қандай қилиб жиноятчилар қўлига тушиб қолган, жиноят содир этилганга қадар ёки ундан

сўнг қаерда сақланган). Агар портлаш юзага келган бўлса, кўшимча тарзда қуйидаги ҳолатларни текшириб кўриш зарур:

- нима портлатилган: портловчи моддалар; портлатиш қурилмаси ёки бошқа бирор нарса;

- портлаш механизми қандай;

- қандай портловчи моддалар ва портлаш қурилмаларидан фойдаланилган;

- портловчи заряд қаерда бўлган;

- портловчи қурилманинг ва ундаги таркибий қисмларнинг тузилиши қандай бўлган;

- портловчи қурилма ва ундаги таркибий қисмлар қўлбола ёки заводда ишлаб чиқарилганми;

- портловчи қурилмани ишлаб чиқаришда қандай материаллардан фойдаланилган;

- бу каби портловчи моддалар, портловчи қурилмалар, уларнинг таркибий қисмлари ўзининг мақсадига кўра қаерларда қўлланилади;

- портлаш тўлқини қандай радиусда ўзининг зарарловчи кучини сақлаб қолади (снаряд парчаси (осколка), портлаш тўлқини билан зарарланиш);

- мазкур портловчи қурилмани яшаш ва ўрнатиш учун портлатиш соҳаси ёки техника соҳасидаги малакавий билим ва кўникмалар зарур бўладими;

- ким ушбу портловчи моддалар ва портлаш қурилмасини олиш имкониятига эга бўлган;

- ким бу портлатиш қурилмасини яшаш учун қўлланадиган касбий билим ва кўникмаларга эга бўлган;

- портлатиш қурилмасининг топилган қисмларида асбоб-ускуналарнинг идентификация қилиш учун ярайдиган излари борми ва ҳоказо;

- портлатиш қурилмасида гумон қилинувчи (гумон қилинувчилар)дан олиб қўйилган асбоб-ускуналар ёрдамида излар қолдирилганми;

- портлатиш қурилмасининг деталларини яшашда ишлатилган материал ва гумон қилинувчидан олиб қўйилган шу каби материал бир бутуннинг қисмлари ҳисобланмайдими;

- портлаш портловчи моддалар ва портловчи қурилма билан эҳтиётсиз муносабатда бўлиш сабабли келиб чирмаганми;

- бунда ўз жонига қасд қилиш дея тахмин қилишга етарлича асослар борми;

– портловчи моддалар ва портловчи қурилмаларни яшаш, сақлаш, ташиш ва қўллаш қоидаларини қай тарзда бузиш мазкур ҳолатда портловчи моддалар ва портловчи қурилмаларни қўлга киритиш имконини вужудга келтирган;

– рухсат беришни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг хизмат бўйича қандай камчилиги портловчи моддаларни ва портловчи қурилмаларни ноқонуний тарзда қўлга киритиш ва сақлаш учун шарт-шароитлар юзага келишига сабаб бўлган;

8) жиноий ҳаракатларнинг асосий мақсад ва мотивлари қандай? Жиноятчилар террористик ҳаракатларни содир этишда айнан қандай мақсадларни кўзлаганини аниқлаш зарур. Қонунда кўрсатилган ҳар қандай мақсадлар ёки улардан бир қанчасининг мавжудлиги иш бўйича тўпланган далиллар билан тасдиқланиши керак.

Бундан ташқари, жиноятчилар ўз ҳаракатлари билан муайян оқибатларнинг қасдан юзага келишини хоҳлаганларми ёки аксинча улар жиноят оқибатларига бефарқ бўлганларми, жиноятни содир этишда юзага келган зарардан ташқари бошқа турдаги зарар етказилганини ҳам аниқлаш зарур.

9) жиноий ҳаракатларнинг оқибатлари қандай? Жиноятчилар томонидан террористик ҳаракатларни содир этишда қўлланиладиган асосий усулларни кўриб чиқишда портлаш амалга оширилганда биринчи портлашдан сўнг иккинчи портлаш юзага келиши ёки ёнғин чиқишига сабаб бўлишини алоҳида таъкидлаб ўтган эдик. Бунда муайян шароитларда ўт кўйишдан сўнг портлаш юзага келиши ҳам кузатилади.

Шундай қилиб, жиноятни содир этиш усули тўғрисидаги масалани юзага келадиган оқибатлар, барча ҳаракатлар ва бошқа воқеа-ҳодисалар кучлилигини ҳисобга олган ҳолда юзага келган оқибатлар билан узвий боғлиқликда кўриб чиқиш зарур.

10) жабрланувчилар соғлиғига зарар етказилганми (битта ёки бир нечта), қачон, қандай усулда ва қачон зарар етказилган, жабрланувчи томонидан олинган тан жароҳати ёки унинг ўлими (бир нечта жабрланувчининг ўлими) жиноий портлатиш, ёнғин оқибатида юзага келганми? Айтиб ўтилган ҳолатлар батафсил текшириб чиқилиши зарур.

11) жиноят оқибатида қандай моддий зарар етказилган? Террористик ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида жабрланувчилар соғлиғига зиён етказиш билан бирга моддий зарар ҳам етказилади. Шунингдек, террористик ҳаракатларни содир этиш оқибатида юзага

келган вайронагарчилик сабабли ҳам моддий зарар етказилиши мумкин.

12) жиноят оқибаотида ўзга оғир оқибатларнинг юзага келишига сабаб бўлганми, улар айнан қандай? Жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида ўзга оғир оқибатлар тўғрисидаги эслатма ЎЗР ЖК 155-модда учинчи қисмида ўз аксини топган.

13) террористик ҳаракатларни содир этиш жойини танлашга нима сабаб бўлган? Терроризмнинг битта хусусиятларидан бири айнан ҳодиса содир бўлиш жойи «ҳодиса содир этиш» тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Бинобарин, тор ва кенг маънода «ҳодиса содир этиш жойи» тушунчасини ажратиш зарур. Тор маънода ҳодиса содир бўлган жой – террористик ҳаракатлар содир этилган жой ҳисобланиши мумкин: портловчи қурилма ёки портловчи модда ўрнатилган, ўт қўйилган, авария содир этилишига сабаб бўлган ҳийла-найрангларни ишлатиш ва ҳоказо. Кенг маънода, ҳодиса содир бўлган жой деганда, бузилишлар, ёнғин ёки авариялар оқибатлар юзага келган бутун ҳудуд тушунилади.

14) ҳодиса содир этилган жойдан нима йўқолган ва пайдо бўлган? Терговчилар баъзида мазкур саволларга жавоб топиш муҳимлигига эътибор бермайдилар. Одатда, жиноят содир этишда нима пайдо бўлганлиги ва ундан жиноятни тергов қилишда қай тарзда ишлатиш мумкинлиги ҳақидаги масалага кўпроқ эътибор берилади. Ҳодиса содир этилган жойни кўздан кечиришда, авваломбор, жиноят қуролидан қолган буюмлар ва уларнинг қисмларини топиш зарур. Башарти, гап портлатиш тўғрисида юритилар экан, бу турли шнур (чилвир), сим бўлаклари, мазкур объект учун хос бўлмаган предметлар қисмлари бўлиши мумкин. Бироқ, кўп хонадонли уйни портлатишда бу каби буюмларни топиш жуда қийин, бироқ жуда муҳимдир. Айнан шу предметлар, энг аввало нима юз берганлиги, жиноятчилар жиноят қуроли сифатида нимадан фойдаланганликларини тушунишга имкон беради.

15) агар жиноят бир гуруҳ шахслар томонида содир этилган бўлса, аввалдан роллар тақсимланганми, у барча жиноятлар мажмуасини содир этиш давомида сақланиб қолганми, агар ўзгарган бўлса нима сабабдан, кимнинг ташаббуси билан амалга оширилган, гуруҳ уюшган бўлганми, қайси ҳудудда амал қилган? Мазкур ҳолатларни ажратиш энг аввало террорчилик ҳаракатини содир этган жинойий гуруҳ-

нинг хавфлилик даражасини баҳолаш имконининг пайдо бўлишига ёрдам беради.

Жиноий ғаразни амалга ошириш жараёнида ролларнинг ўзгарганлиги тўғрисидаги далилни аниқлаш, айниқса, у кимнинг ташаббуси билан амалга оширилганлигини билиш, жиноий гуруҳнинг ҳақиқий етакчиси (лидери) ким эканлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш ва уни етарлича далиллар билан исботлаш имконини беради. Шунингдек, нафақат гуруҳнинг борлигини аниқлаш, балки гуруҳнинг таркиби ва тузилишини тасдиқловчи далилларни йиғиш зарур. Террористик тузилма ўз фаолиятини амалга ошираётган ҳудуд тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш муайян террорчилик ҳаракатидан бошлаб бутун бошли террорчилик тузилмасининг жиноий фаолиятини фош этишгача бўлган тергов ҳаракатларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

16) жиноятни ким содир этганлигига ойдинлик киритиш жиноятни тергов қилиш жараёнида аниқланиши зарур бўлган энг асосий ҳолатдир. Бунда жиноятчилар сони, ҳар бирининг фамилияси, исми, отасининг исми, жинси, ёши, анкета маълумотлари аниқланиши зарур. Шунингдек, жиноятчилардан ҳар бирининг шахси ҳақида маълумот олиниши зарур бўлиб, бу ўз навбатида жиноий хулқ-атворнинг сабаблари, ҳаққоний мақсад ва мотивлари каби саволларга жавоб бериш имконини беради. Бундан ташқари, жиноятчиларни бирлаштириб турган алоқалар текширилиши зарурки, уларни аниқламай туриб, улардан ҳар бирининг умуман жиноий гуруҳдаги ва қисман мазкур жиноятни содир этишдаги ролини тўғри аниқлаб бўлмайди. Охир оқибатда жиноятчининг ишончли ахборот модели яратилиши зарур бўлиб, бу нафақат уни аниқлаш, қидириш, жиноятчи билан ишлашда тактикани танлаш, балки унинг ижтимоий хавфлилигини баҳолаш ва адолатли жазо тайинлаш учун муҳимдир.

Террорчилик билан боғлиқ портлатишни тергов қилишда қуйидагиларни аниқлаш учун чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

- террорчилик билан боғлиқ портлатишни содир этиш усули;
- портлатиш вақтида қўлланилган анжомлар;
- портлатишни содир этиш учун анжомларни олиш манбаи;
- террорчиларни молиялаштириш манбалари;
- террорчилик ҳаракатининг буюртмачилари, ташкилотчилари, раҳбарлари ва ижро этувчилар;

- жиноятни содир этишда ҳар бир иштирокчининг роли ва содир этилган ҳаракатларнинг ҳажми;
- террорчилик жинояти иштирокчиларининг мақсад ва мотивлари;
- террорчилик ҳаракатини содир этганлик учун ҳақ олганлик факти;
- террорчилик ҳаракатининг мақсади ва мотивлари;
- талабларни етказиш усуллари ва уларнинг мазмуни;
- террорчилик ҳаракатининг таъсир объекти;
- террористик ҳаракат қурбонлари;
- портлатишдан етказилган зарарнинг ҳажми ва тавсифи;
- террорчилик ҳаракати тўғрисида хабар берган шахслар ва улар айнан нима тўғрисида маълумот берганлар.

Портлатиш содир этилганда, портлаш сабаблари, портлатиш қурилмаси ва портлатиш моддасининг хусусиятлари, портлатиш қурилмасининг тузилиши, портлаш кучи, портлаш маркази қаерда жойлашганлиги каби масалаларга аниқлик киритилади.

Одамларни гаровга олиш ва тутқунликда ушлаб туришда қуйидагилар аниқланиши зарур:

- гаровга олинган одамлар сони;
- уларга нисбатан қўлланилган зўравонликнинг оғирлиги;
- қурол ишлатиш (қурол сони ва тавсифи);
- гаровга олинганларни ушлаб туриш давомийлиги;
- гаровга олинганларни сақлаш жойи ва шартлари;
- гаровга олинганларни озод қилиш шартлари ва ҳоказо.

Назорат учун саволлар:

1. Террористик фаолият ва диний экстремистик оқимлар, уларнинг мақсади;
2. Терроризм ва экстремизм жиноятларининг мазмуни;
3. Терроризм ва экстремизмга қарши кураш мазмуни ва шакллари;
4. Терроризм ва экстремизм жиноятлари хавфсизликка таҳдид сифатида Диннинг жамият ҳаётидаги ўрни ва диний экстремизмнинг вужудга келиши.

2- мавзу. ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

1§ Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, текшириш хусусиятлари

Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноят ҳақидаги туман (шаҳар) ИИБ навбатчилик қисмига келиб тушган хабарни тезкор-навбатчи Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 1993 йил 5 январдаги 6-сонли буйруғига асосан навбатчилик қисмидаги мавжуд журналларга рўйхатга олади. Жумладан, келиб тушган хабар агарда телефон орқали маълум қилинган бўлса, у ҳолда «Ички ишлар бўлимига телефон, телеграф, сигнал берадиган кўриқлаш мосламаларини ишлаб кетиши натижасида ва бошқа сигналлар орқали ходисалар бўйича маълумотларни ҳисобга олиш» журнали («Шакл-2»)га қайд этади. Агарда ёзма ариза билан мурожаат қилинган бўлса, унда «Жиноятлар тўғрисида ички ишлар бўлимига келган ариза ва хабарларни ҳисобга олиш» китоби («шакл-1»)га қайд этади ва раҳбарларга ахборот беради. Шу билан бирга параллель равишда бу ҳақда дарҳол ҳудуд профилактика инспекторига хабар бериб, тергов-тезкор гуруҳи етиб боргунига қадар ҳодиса содир бўлган жойга чиқиши, у ердаги жиноят излари йўқолиб кетишининг олдини олиш мақсадида ҳодиса содир бўлган жойнинг кўриқланишини таъминлаши ҳақидаги маълумотни етказди. Шундан сўнг тергов-тезкор гуруҳи раҳбари бўлган терговчига ҳодиса ҳақида хабар беради ва тергов-тезкор гуруҳи аъзоларининг тезкорлик билан ҳаракатланишини таъминлайди.

Тергов-тезкор гуруҳи раҳбари (терговчи) хабарни олгач тергов-тезкор гуруҳи аъзоларининг дарҳол тўпланишини таъминлайди ва ҳодиса содир бўлган жойга чиқишга тайёрлигини яна бир бор текшириб кўради. Хусусан, тергов-тезкор гуруҳи аъзоларининг тўлиқлигига, тергов чемоданидаги жиҳозларнинг камчиликсиз, шунингдек ўтказилиши мумкин бўлган процессуал ҳаракатларни амалга оширишда қўлланиладиган воситаларнинг мавжудлигига, техник ва транспорт воситаларининг ҳодиса содир бўлган жойга чиқишга ҳозирлигига эътиборини қаратади. Камчиликлар аниқланган ҳолларда шахсан ўзи ёки тезкор-навбатчи ёрдамида бартараф этиш чораларини кўради,

тезкор-навбатчидан хабарни 2-сонли журналдан рўйхатдан ўтказилганлиги бўйича тартиб рақамини олади ва тергов-тезкор гуруҳини ҳодиса содир бўлган жойга тезкорлик билан етиб борилишини таъминлайди. Ҳодиса содир бўлган жойга етиб боргач тергов-тезкор гуруҳи аъзолари, яъни тезкор вакил, профилактика инспектори, ЭЖБ мутахассиси ва кинологга содир этилган жиноий ҳодисанинг мазмунидан келиб чиқиб вазифалар қўяди.

Дастлабки чора тадбирлар тизимда асосий ўрин ТТГнинг ҳодиса содир бўлган жойга чиқиши эгаллайди. Текшириладиган ҳодиса жойини зудлик билан кўздан кечириш зарур акс ҳолда ҳодиса содир бўлган жойда жиноятга дахлдор из ва бошқа далилий ашёлар йўқ бўлишига олиб келинади.

Кўздан кечиришнинг асосий вазифалари:

- жиноят содир этиш шароитини аниқлаш
- жиноятга дахлдор бўлган изларни топиш, олиш ва уларни қайд қилиш;

- тергов ва тезкор тусмолларни тузиш;
- исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш;
- терроризм ва экстремизм жиноятларини содир қилган шахслар ҳақида маълумотлар йиғиш;

Ҳодиса содир бўлган жойга келган терговчи қуйидагиларни амалга ошириш керак:

- ҳодиса содир бўлган жойни қўриқлашни ташкиллаштириш лозим, бу ҳақида профилактика инспекторига топшириқ бериш;

- агар жабрланувчи мавжуд бўлса уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни қайси тиббий муассасага юборилганлигини ёзиб қолиши керак.

- ҳодиса содир бўлган жойдан бегона шахсларни четлаштириш;
- шоҳидларни ва гувоҳларни аниқлаш учун тезкор ходимга топшириқ бериш ;

- эксперт-криминалистга жиноятдан қолган изларни аниқлаш учун кўрсатмалар бериш;

- ҳодиса содир бўлган жойнинг шароити билан танишиб чиқиб кўздан кечиришнинг тактикасини белгилаш;

- кўздан кечиришга киришиш.

Кўздан кечиришда вақтида қуйидаги саволга жавоб олиш керак:

- жиноятнинг қайси тури содир бўлган

- жиноятни содир қилиш вақти;

- жиноятни содир қилиш усули;
- жиноят содир қилишда зўрлик ишлатилганми?
- жиноятни содир қилган шахсларнинг сони;
- жиноятни содир қилишда қуроллардан фойдаланилганми?
- етказилган зарарнинг миқдори;
- жиноятнинг содир бўлишга имкон берган шарт-шароитлар ва бошқа.

Кўздан кечиришда қуйидаги объектларга диққатни қаратиш лозим:

- қўл, оёқ, бузиш қуролидан қолган ва бошқа изларга;
- агар жабрланувчи жиноятчига қаршилик кўрсатган бўлса ундан қолган излар;
- жиноятни содир қилишда ишлатилган қуролларга;
- жиноятчига тегишли бўлган алоҳида предметларга;
- жиноят содир этган шахсларнинг кўриниши ва ташқи қиёфасини тавсифловчи хусусиятлар ва бошқалар;

Ҳодиса жойда нафақат жиноятчининг балки, бошқа шахслардан қолган излар ҳам бўлиши мумкин.

Изларни аниқлашда терговчи эксперт-криминалист ёки зарур бўлган бошқа мутахассислар катта ёрдам кўрсатади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш вазиятдан келиб чиқиб амалга оширилади. Ушбу турдаги жиноятлар хонадонларда, ёки муассасаларда содир этилган бўлса, хонадонга кириш эшигидан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Шундан сўнг хонага кирилиб тартиб билан кетма-кет кўздан кечирилади.

Кўпгина ҳолларда жиноятчи ҳодиса жойдан яширинганда жиноят қуролларни ўша жойдан узоқда бўлмаган ерларга ташлаб кетади. Шу билан бирга олинган предметларни ҳам яшириб кетишга ҳаракат қилишади. Яширилган предметлар топилганда ўша жойда жиноятчини ушлаш учун пистирмалар ташкил этиш мумкин.

Ҳодиса содир бўлган жойда топилган предмет ва изларни кўздан кечириш ва уларни ўрганиш жиноят содир қилишнинг усуллари ҳақида маълумот беради. Бу ҳисобга олиш картотекасидан фойдаланишга имкон беради.

Кўздан кечиришда криминалистик-техник воситалардан фойдаланиш катта натижа беради.

Тезкор ходим томонидан аниқланган шохид ва гувоҳларни ҳодиса жойга таклиф этилиб улардан ҳодисанинг моҳиятини сўраб, жиноятчиларнинг белгилари ва қайси томонга кетишганликлари сўраб суриштирилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 90-92, 135-137, 141-моддаларида белгиланган тартибида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириши ва бу ҳақда баённома тузиб, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасига ҳодиса содир бўлган жойнинг чизмаси, фотожадвали ёки видеотасвири илова сифатида берилди.

2§ Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва бошқа текширув ҳаракатларини ўтказиш

Ҳодиса жойини кўздан кечириши – ишга тааллуқли жиноят изларини топиш, қайд этиш, тадқиқ этиш ва олиш мақсадида ўтказилган, ўтган ҳодиса характерини ва ишга тегишли бошқа ҳолатларни аниқлашдан иборат кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатидир. Жиноятнинг очилиши ва унинг самарали тергов қилинишида ҳодиса жойини кўздан кечириш марказий ўрин тутди ва муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда қуйидаги принципларга риоя қилиш керак: қонунийлик принципи, воқелик, ўз вақтида бажариш, кўздан кечиришни тўлиқ ва режали ўтказиш принциплари.

Қонунийлик принципи – ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳаракатини амалдаги қонунчиликка қатъий риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Жиноят Процессуал кодексининг нормалари асосида, ҳамда амалдаги қонун ости меъёрий ҳужжатларнинг талаблари даражасида бажарилишини талаб қилади.

Воқелик принципи – ҳодиса жойида илгари сурилган тусмолнинг қандай эканлигидан қатъий назар воқеа жойида излар ва предметлар тадқиқ этилади, қайд этилади ва олинади. Бошқача қилиб айтганимизда, ҳодиса жойидаги предметлар ва излар терговчи, холислар ва мутахассис томонидан қандай ҳолда уларнинг онгида акланган бўлса, шундай ҳолда баённома ва унинг иловаларида (фотожадвалда, режа-схемада) аксланиши керак.

Тўлиқ ва режали ўтказиш принципи – терговчи ва мутахассисдан ҳодиса жойини кўздан кечириш давомида, улар ҳаракатларининг кетма-кетлигини тўғри белгилашини талаб қилади. Бу ҳаракатлар кетма-кетлиги оқибатида жиноят излари ёки унга алоқадор далилий манбалар йўқолиб кетмаслиги керак. Бундай ҳаракатлар кетма-кетлигига эришиш учун, ҳодиса жойига терговчи ва мутахассис фавқулод-

да тўпланиб қолган предметлар ва излар деган фикрда ёндашмасдан, уларнинг ўзаро бир бири ва жиноят ҳодисаси билан боғлиқлигини, ҳамда жиноятчини ҳодиса жойидаги ҳаракатини ўрганган ҳолда яқинлашади, ҳодиса жойини кўздан кечиришни режасини тузади ва шу режа асосида кўздан кечиришни тўлиқ амалга оширади. Ҳодиса жойидаги барча предмет ва излар, жиноятга алоқадор далиллар қидириб топилади, таърифланади, ҳамда ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомасига киритилиб ушбу ҳолатлар баённоманинг иловаларида ўз аксини топади.

Ўз вақтида бажариш принципи – тергов тезкор гуруҳининг ҳодиса жойига зудлик билан етиб келишлари ва кечиктирмасдан кўздан кечиришни бошлашини таъминлайди. Ушбу шартнинг бажарилиши билан ҳодиса жойидаги барча предмет ва изларни тўлиқ миқдорда топиш, тадқиқ қилиш ва қайд этишга эришилади.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш тергов ҳаракати билан бир вақтда ёки уни тугатиш биланок, бошқа тергов ҳаракатлари, тезкор-қидирув тадбирлар, ҳамда ташкилий тадбирлар ўтказилади. Бундай тадбир ва ҳаракатлар қаторига қуйидагиларни киритишимиз мумкин: ходимларга кўрсатмалар ва топшириқлар бериш; фуқароларни спиртли ичимлик ичганлиги тўғрисидаги маълумот учун тиббий кўрикдан ўтказиш; жиноятчиларни «иссиқ изи»дан қидириш; криминалистик ҳисоблардан фойдаланиб жиноятчини шахсини аниқлаш ёки жиноят ҳодисасига аниқлик киритиш ва бошқалар.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш давомида қуйидаги асосий масалалар ҳал қилинади:

1) ҳодиса жойидаги вазиятни ўрганиш ва ишнинг далилий моҳиятларини аниқлаш;

2) жиноят излари, жиноят содир этиш қуроллари ва бошқа ашёвий далилларни топиш, қайд этиш, олиш ва ўраб жойлаштириш (қадоқлаш);

3) ҳодиса жойини қайд этиш.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда аниқланадиган масалаларни қуйидаги характерловчи гуруҳларга ажратиш мумкин: *жиноят ҳодисасининг субъектлари, объектларини характерловчи, жиноят ҳодисасининг объектив ва субъектив томонларини* характерловчи масалалар. Ушбу гуруҳларга кирувчи вазифаларнинг тахминий рўйхатини қуйидагича тузиш мумкин:

I. Жиноят субъектларини характерловчи масалалар:

- 1) жиноят содир этишда қатнашаётган шахсларнинг сони;
- 2) жиноят содир этишда қатнашган шахсларнинг тахминий ёши (вояга етмаганлар, қариялар);
- 3) жиноятчиларнинг физиологик хусусиятлари (бўйи, жисмоний имкониятлари ва бошқалар);
- 4) жиноятчининг соғлиғи тўғрисидаги ахборотлар (жароҳатлар, жисмоний нуқсонлари, турли касалликлар);
- 5) жиноятчининг касби ва мутахассислиги тўғрисидаги ахборотлар;
- 6) маълум бир одатлари (тамаки чекиши, носвой чекиши ва бошқалар);
- 7) жиноят содир этаётган шахснинг психикаси (эҳтиёткорлик, кўрқув) ва бошқалар.

II. Жиноят объектини характерловчи масалалар:

- 1) жиноят содир этиш нимага қаратилган?
- 2) жиноятнинг бевосита предмети нима?
- 3) жабрланувчининг психик ва физикавий хусусиятлари;
- 4) жиноят предметининг хусусиятлари;

III. Жиноят ҳодисасининг объектив томонларини характерловчи масалалар:

- 1) жиноят содир этилиш вақти;
- 2) жиноятнинг содир этилиш усули;
- 3) жиноят содир этилган жойда жиноятчиларнинг ҳаракатлари;
- 4) жиноят содир этилишининг оқибатлари;
- 5) жиноятчиларнинг ҳаракатлари ва жиноят содир этишнинг оқибатлари орасидаги сабабий алоқалар.

IV. Жиноят ҳодисасининг субъектив томонларини характерловчи масалалар:

- 1) жиноятчининг мақсади ва унинг мотивлари;
- 2) жиноят ҳодисасининг сохталаштириш ҳолатлари;
- 3) жиноятнинг қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилганлиги ва бошқалар.

Юқоридагилардан ташқари ҳодиса жойини кўздан кечиришда жиноят содир этилишига яратилган шарт-шароитлар тўғрисидаги ҳолатлар ҳам аниқланади.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш босқичлари. Ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёни икки босқичда амалга оширилади: кўздан кечиришнинг статик ва динамик босқичлари.

Кўздан кечиришнинг *статик босқичи* деганда, ҳодиса жойини дастлабки ҳолатини ўзгартирмасдан туриб, қандай ҳолатда бўлса шундайлигича ўрганиш ва қайд этиш тушунилади. Бунда, ҳодиса жойидаги барча объектларнинг аниқ жойлашган жойлари, уларнинг ўзаро бир бирига нисбатан жойлашуви қайд этилади. Кўздан кечиришнинг статик босқичида барча аниқланганлар қўл билан тегилмасдан кўздан кечирилади, таърифланади, фототасвирга туширилади, схематик тарзда қайд этилади.

Кўздан кечиришнинг *динамик босқичида* ҳодиса жойидаги объектларнинг хусусиятларини ўрганиш ва қайд этиш мақсадида уларнинг дастлабки жойлашуви ва ҳолатларини ўзгартириб ўрганилади. Объектларни қўлга олишда, уларнинг қўл изларини ташувчиси бўлишини эътиборга олган ҳолда ўрганилади. Бундай ҳолатларда қўлга резина қўлқоп кийиб ҳодиса жойидаги буюм ва нарсалари уларнинг қирралари, учларидан, жинойтчи қўлининг тегиши мумкин бўлмаган жойларидан ушланади.

Ҳозирги замон шароитида террорчиликнинг энг кўп тарқалган турларига портлатиш ва одамларни гаровга олиш кирганлиги боис, терроризмни содир этишнинг мазкур усулларини тергов қилишнинг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Одамларни гаров сифатида ушлаш жинойтини тергов қилишнинг дастлабки босқичида гаровга олиш жойига тергов гуруҳи ва ички ишлар органларининг махсус бўлинмаларнинг зудлик билан етиб келиши ва жинойтчилар билан музокараларни бошлашлари муҳимдир. Музокаралар махсус тайёрланган ходимлар ёки музокара олиб боровчи мутахассисларнинг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқ тартибот органларининг бошлиқлари томонидан амалга оширилиши лозим.

Гаровга олинганлар озод қилингандан сўнг ҳодиса содир бўлган жой кўздан кечирилади. Бунда жинойт содир этилган жойни кўздан кечириш асосан умумий тактик қоидалар асосида амалга оширилади. Тинтув ўтказишда хавфсизлик чораларига қатъи риоя қилиш зарур, зеро террорчилар гаровга олинган шахслар сақланадиган жойни портловчи қурилмалар билан жиҳозлаган бўлишлари мумкин. Жинойт содир этилган жойни кўздан кечиришда махсус криминалистик техника: газ таҳлилгичлари (анализаторлари), металл изловчи мосламалар ва шу кабилардан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Бунда қурол ва қурол-яроғни топишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Террорчиларни ушлаш штурм (ҳужум) қилиш ёки уларни таъқиб қилиш чоғида амалга оширилиши мумкин. Ушлашдан сўнг террорчиларни шахсий тинтув қилиш хавфсизликнинг максимал чораларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши шарт. Шу боис террорчиларни ушлаш ва шахсий тинтув ўтказиш ички ишлар органлари махсус бўлинмаларининг кучлари ёрдамида амалга оширилиши зарур.

Портлаш атроф-муҳитни бузилиши ва отилиши, муҳитда ўзига хос қўзғалиш – бошланғич энергиянинг моддаларнинг ҳаракат энергиясига ўтиш, урувчи ва зарб тўлқинини вужудга келиши ва тарқалиши билан кузатилади. Шунинг учун портловчи моддаларнинг хоссалари ва портлашидаги хусусиятлари жуда кўп жиҳатдан жиноятчиларга жиноят изларини беркитишга катта имконият яратади. Баъзан, портлаш билан боғлиқ бўлган жиноят содир этган шахс, портлаш изларини ёнғин ниқоби остида беркитишга ҳаракат қилади.

Айтилганлардан келиб чиққан ҳолда, портловчи моддалар ёки портловчи қурилмалар ишлатилганлиги ҳақидаги муҳим далиллар, фақат, асосий бирламчи тергов ҳаракатлари бўлган, ҳодиса жойини диққат билан ва батафсил кўздан кечириш натижасида олинishi зарур. Бу ҳақда портлаш фактлари бўйича қўзғатилган жиноят ишларининг текшириш амалиёти ҳам гувоҳлик беради. Портловчи моддалар ва портловчи қурилмалар ишлатилиши билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг асосий вазифаларидан бири далилий ашёларни (портлаш маҳсулотлари, портловчи моддаларнинг детонацияланмаган қолдиқлари, портловчи қурилмалар идишларининг парчалари, детонаторлар, олов ўтказгич симлар ва ҳоказоларнинг парчалари) аниқлаш, кўздан кечириш, қайд этиш ва олишдан иборат. Портловчи моддаларнинг ўзига хос хоссаларини, шунингдек криминалистика, портловчи моддалар назарияси, жанговар ўқ-дорилар, физика, кимё соҳаларидаги махсус билимлар қўлланилиши зарурлигини ҳисобга олиб, ҳодиса жойларини кўздан кечиришда, портлаш ва ёнғин излари мавжуд далилий ашёларни аниқлаш, қайд этиш ва топиб олишда мазкур соҳа мутахассисларини таклиф этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу каби ҳодиса жойларини кўздан кечиришда, мутахассис сифатида, одатда эксперт-криминалистика хизмати ёки илмий экспертиза портлаш техникаси марказий лабораторияси ходимлари иштирок этадилар.


Таъкидлаш жоизки, портлаш содир бўлган жойни кўздан кечириш, портлаш содир бўлиб, жабрланганлар ва бошқа фуқаролар эвакуация қилинган, кейинги таҳдидларнинг олди олинган, ҳодиса жойни яхши кўриқланадиган ва унинг ҳудудлари аниқ белгилангандан кейин амалга оширилади. Шунинг учун, портлаш содир бўлгандан кейин дастлабки қилинадиган тадбирлар тўғрисида тўхталиб ўтирмаймиз.

Бу каби ҳодиса жойларини кўздан кечиришда биринчи навбатда, портлаш содир бўлган жойни икки ҳудудга бўлиб сўнг кўздан кечиришни амалга ошириш зарур. Бунда биринчи ҳудуд портлаш содир бўлган жойнинг ташқариси бўлган – ташқи ёки 2-ҳудуд ва портлаш жойининг бевосита ўзи – ички ёки 1-ҳудуд.

Ушбу ҳудудларни аниқлаш қуйидаги чизмаларга асосан бажарилади, яъни аввал портлашнинг маркази ёки эпицентри тахминан аниқланади. Сўнг ушбу марказдан то портловчи қурилмаларнинг осколчалари аниқланган энг катта масофа аниқланади ва бу соҳа ички ёки 1-ҳудуд деб белгиланади. Ундан сўнг, ушбу 1-ҳудуднинг диаметрининг ярмига тенг диаметрдаги масофада ташқи ёки 2-ҳудуд белгиланади.

Ҳодиса жойни керакли ҳудудларга ажратилгандан сўнг, кўздан кечириш 2-ҳудуддан бошланади. Бу ташқи ҳудудда портлаш изларини, портловчи қурилмаларнинг айрим қисмлари ва қолдиқлари билан биргаликда, ишлатилмаган портловчи қурилмалар, портловчи моддалар, портлатиш воситаларини ҳам топиб олиш мумкин. Бу ҳудуддаги шарт-шароитни ўрганиш жараёнида портлаш факти, унинг табиати ва техник сабаблари, портлашнинг марказий нуқтасини, портлатилган қурилмани яхлит ва унинг айрим қисмларининг тузилишини ва уни ишлаш принципини аниқлаш, портловчи модданинг оғирлигини баҳолаш, портловчи қурилманинг портлаш чоғидаги шикастловчи хоссаларини, портлашнинг шикастловчи таъсирининг радиусини аниқлаш, шунингдек портловчи қурилма тайёрлаган шахсда жанговар портловчи ўқ-дорилар техникаси, кимё ва портловчи моддалар технологияси, портлатиш ишлари соҳасида билимлари бор ёки йўқлиги ҳақида тахминлар ёки тусмоллар вужудга келади. Кейин далилий ашёларни қидириш, уларни кўздан кечириш, қайд этиш ва олиш амалга оширилади. Дастлабки олинган натижалар асосида ҳодиса содир бўлган жойнинг схемаси тайёрланади, кўздан кечиришнинг тартиби ва кетма-кетлиги аниқланади. Бу босқичда у ёки бу мутахассисларни жалб этиш ва ҳодиса ҳақида хабар берилганда олдиндан

маълум бўлган бўлса ҳам, қандай техник воситалардан фойдаланиш каби саволлар ҳал этилади.



Портлаш жойининг ички ёки 1-худудини кўздан кечиришни бошлашдан олдин, қўриқлаш ва кўздан кечириш режаси тузилади ва ундан кейин тадбирнинг ўзи бошланади. Портлаш жойини кўздан кечириш режаси терговчи томонидан тузилади ва қуйидаги тўрт босқичдан иборат бўлиши мумкин:

- тадбирга раҳбарлик қилиш;
- ҳодиса жойини қайд этиш;
- далилий ашёларни йиғиш;
- далилий ашёларни сақлаш ва идентификация этиш.

Ички ҳудудни кўздан кечиришда, портлаш излари ва портлашдан сўнг вужудга келган барча бузилишлар ва уларнинг маҳсулотлари кўздан кечирилиши лозим.

Ички ҳудудни кўздан кечириш, ушбу тергов ҳаракати учун ишлаб чиқилган барча махсус тактик ва техник усулларга риоя қилган ҳолда ўтказилади. Жумладан, бу тергов ҳаракати дарҳол, лекин шошилмасдан, замонавий техник воситалардан фойдаланиб ўтказилиши керак ва ҳоказо. Шу билан бирга, бу каби ҳолларда кўздан кечириш, кўздан кечириш объектларининг характери, уларни аниқлашнинг хусусиятлари, қайд этиш усуллари ва бошқа факторлардан келиб чиқувчи ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Ҳодиса жойидаги шарт-шароитни ўрганиш жараёнида портлаш факти, унинг табиати ва техник сабаблари, портлашнинг марказий

нуқтасини, портлатилган қурилмани яхлит ва унинг айрим қисмларининг тузилишини ва уни ишлаш принципини, портловчи модданинг оғирлигини баҳолаш, портловчи қурилманинг портлаш чоғидаги шикастловчи хосаларини, портлашнинг шикастловчи таъсирининг радиусини аниқлаш, шунингдек портловчи қурилма тайёрлаган шахсда жанговар портловчи ўқ-дорилар техникаси, кимё ва портловчи моддалар технологияси, портлатиш ишлари соҳасида билимлари бор ёки йўқлиги ҳақида тахминлар ёки тусмоллар вужудга келади. Кейин далилий ашёларни қидириш, уларни кўздан кечириш, қайд этиш ва олиш амалга оширилади.

Портлатилган объектлар, мурдалар, яраланганлар, ҳодиса содир бўлган жойининг бошқа элементлари қисмларини аниқлаш, уларнинг ўзаро ва портлашнинг марказий нуқтасига нисбатан жойлашишини аниқлаш керак бўлади. Портлашнинг марказий нуқтаси сифатида портлаш натижасида вужудга келган конуссимон чуқурлик ёки бузилишлар энг кўп бўлган ҳудуд олинади. Дастлабки олинган натижалар асосида ҳодиса содир бўлган жойининг схемаси тайёрланади, кўздан кечиришнинг тартиби ва кетма-кетлиги аниқланади. Бу босқичда у ёки бу мутахассисларни жалб этиш ва ҳодиса ҳақида хабар берилганда олдиндан маълум бўлса ҳам, қандай техник воситалардан фойдаланиш каби саволлар ҳал этилади.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда фотосуратга ва видеотасвирга олиш, жойни дастлабки шарт-шароитларини ўзгартирмаганлиги учун, ушбу усулларни барча бошқа услублардан аввал бажариш керак. Бу ҳаракатларни майда, аммо муҳим хусусиятлар, жумладан, объектларда қурум мавжудлиги, жароҳатларнинг табиати ва ўзаро жойлашуви ва ҳоказолар ҳақида фикр юритиш имконини берувчи суд фотографиясининг усул ва услубларига (ҳодиса жойини мўлжалли панорама усулда, умумий, парчали усулда ва аниқ бир қисмни суратга олиш усулида) амал қилган ҳолда бажариш керак. Бундай шароитда портловчи қурилмага тегишли бўлиши мумкин бўлган қисмларга катта эътибор бериш керак. Ҳодиса содир бўлган жойни қайд этиш жуда аниқ, тўлиқ ва кўргазмали, аммо шу билан бирга кейинчалик объектлар аломатларини ўзгариши оқибатида, масалан, тадқиқотлар ўтказилгандан сўнг ёки нотўғри сақлаш ва юборилганда тушунмовчиликлар юзага келмаслиги учун фикрни чалғитмайдиган даражада бўлиши керак.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш тергов ҳаракатида терговчи томонидан умумий раҳбарлик қилиш, ушбу тадбирни амалга оши-

ришнинг зарурий шартидир. Кўздан кечириш жараёнида турли хил вазифалар ҳал этилиши мумкин, аммо бу вазифалар, иш бўйича аниқланадиган шарт-шароитларга боғлиқ ҳолда ўзгариб туради ва ушбу вазифалар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ҳодиса содир бўлган жойни акс этиш;
- далилий ашёларни аниқлаш, қайд этиш ва олиш;
- далилий ашёларни дастлабки тадқиқот қилиш;
- навбатдаги тергов ҳаракатлари ва оператив-қидирув тадбирларни ишлаб чиқиш, шунингдек жиноят содир этилганлиги ҳақидаги тахминларни олға суриш.

Қуйидагиларни батафсил текшириш лозим:

- портлаш объектларини;
- портлаш аломатлари аниқланиши мумкин бўлган объектга ёндош бўлган ҳудудни;
- жабрланувчиларни, шунингдек улардаги кийимлар, ҳужжатлар ва турли буюмларни.

Портлаш факти бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳодисанинг характерини аниқлаш учун бениҳоя катта аҳамиятга эга бўлади, баъзида эса содир бўлган ҳодисанинг сабаблари ва унга алоқадор шахсларни аниқлашнинг ягона усули ҳисобланади.

Портлашнинг барча ҳудуди кўздан кечирилмагунича ушбу тадбирни тўхтатиш керак эмас. Ушбу тарздаги тадбирни амалга оширишда қуйидагиларга йўл қуймаслик лозим:

- иштирокчилар томонидан ўз мажбуриятларига лоқайд қараш ва ишга бўлган қизиқишнинг йўқолишига;
- шошилиб турли хулосалар чиқаришга, чунки бундай хулосалар кейин хато бўлиб чиқиши мумкин;
- фақат портлатгич қурилма ёки портловчи моддаларга тегишли ашёларгагина эътибор бериш.

Портлаш содир бўлган жойни кўздан кечиришда қуйидагиларга эътибор бериш керак бўлади:

- ҳодиса жойида далилий ашёларни йиғиш икки тоифадаги буюмларни қидириш ва аниқлашдан иборат бўлади:

1) бомбаларга тегишли бўлган буюмлар; 2) бошқа буюмлар;

- портлаш содир бўлган жойни кўздан кечиришда, кўздан кечириш қуйидаги қоидага амал қилинишини эсдан чиқармаслик «жойда портлашгача бўлган барча нарсалар, портлашдан кейин ҳам қилади». Албатта, портлашдан кейин қолган барча объектларнинг шакли, кўриниши, ўлчамлари ўзгариши, объектлар деформацияланиши мумкин;

– портлаш содир бўлган жойни кўздан кечириш тадбирига ушбу жойни билган шахс ёрдамидан фойдаланиш. Бундай шахс портлашдан олдин мавжуд бўлган ва мавжуд бўлмаган предметларни кўрсатиши мумкин;

– ҳодиса жойида охиригача ёниб кетмаган сим парчаларининг аниқланиши, портловчи қурилманинг ёндиргич заряди портлаш жойининг ўзида ўрнатилганидан далолат беради, чунки сим портлатгич қурилмага ўралганда, сим парчалари қолмаслиги ёки кам миқдорда қолиши мумкин эди;

– пиротехник детонатор ишлатилган бўлса, ҳеч қандай из қолмаслиги мумкин;

– ҳодиса содир бўлган жойдаги турли портлаш маҳсулотлари ва ахлат орасидан соат механизмларининг қисмлари аниқланса ва уларни бу ерда мавжудлигини бошқача тушунтириб бўлмаса, у ҳолда, секинлашган таъсирдаги портлатгич қурилма ишлатилган деб хулосага келиш мумкин;

– ҳодиса жойида электр батарея қолдиқлари аниқланса, портлатгич қурилмани ишлаб кетиши учун электр токидан фойдаланилган деб хулоса қилиш мумкин;

– ҳодиса жойида турлича кимёвий моддаларнинг қолдиқлари аниқланиши мумкин, бу моддаларни кимёвий усулда текшириб ишлатилган портловчи моддани аниқлаш мумкин бўлгани учун, таққослаш тадқиқотларига зарур бўлган намуналар олиш керак бўлади. Бунинг учун юқорида айтилган 1 ва 2-худудлардан бир хил миқдорда намуна олиш керак;

– портлаш содир бўлган жойда ўраб-жойлаштириш учун мўлжалланган материалларнинг қолдиқлари, портлатгич қурилмаларнинг корпусининг қолдиқлари аниқланиши мумкин, уларга кўра ишлатилган портлатгич қурилмаларнинг турини билиш мумкин бўлади;

– ҳодиса жойидан оддий метал қувурларнинг бўлақлари аниқланса, қувур ёрдамида ясалган портлатгич қурилма ҳақида фикр юритиш мумкин бўлади;

– портлаш жойини спирал (1), тўрли (2), чизиқли (3) ёки квадрат (4) методлари билан кўздан кечириш мумкин;



– ҳодиса жойини кўздан кечиришни портлашнинг эпицентридан бошлаш лозим;

– агар бинонинг томи ва деворлари зарб тўлқин таъсирида тешилиб етмаган бўлса, портлашнинг барча элементлари бинонинг ичида жойлашганлиги ҳақида фикр юритиш мумкин;

– портлаш билан боғлиқ ҳодиса жойини кўздан кечиришда, жойдаги барча қолдиқлар ва маҳсулотлар, тупроқ ва бошқа ахлатлар элакдан бир неча марта ўтказилиши лозим;

– ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг муҳим вазифаларидан бири – портлатгич қурилманинг жойлашган жойини ва у қандай қилиб бу ерга келиб қолганини аниқлашдан иборат;

– кўздан кечириш тугаллангандан сўнг, портлаш жойи бартафр этилиши лозим.

<p>1</p> 	<table border="1"> <tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr> <tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr> <tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr> <tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr> <tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr> <tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr> <tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr> <tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr> <tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr> <tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr> </table>																																																																																																				
<p>3</p> 	<p>4</p> <table border="1"> <tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr> <tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr> <tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr> <tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr> <tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr> <tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr> <tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr> <tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr> <tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr> <tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr> </table>																																																																																																				

Портлаш билан боғлиқ ҳодиса жойини кўздан кечиришда эксперт-криминалистик хизматларда мавжуд бўлган техник-криминалистик воситалардан ташқари, қуйидаги воситалар ишлатилиши мумкин:

– кўл асбоблари ва анжомлари – кураклар, хаскашлар, омбурлар, сим қирқувчи омбурлар, турли ўлчам ва узунликдаги симлар, болға ва болғачалар, босқонлар, отверткалар, турли ключлар, арралар ва темир арралар, магнитлар, фонарлар, пичоқлар, чизғичлар ва бошқалар;

– енгил жиҳозлар – турли хил элаклар, юк аравалари, ахлат учун идишлар, нарвонлар, кичик ҳажмли ёритқичлар, метал-қидирғичлар, мос ҳолдаги фото ва видео аппаратлар, арқонлар, турли илмоқлар ва ҳоказолар;

– оғир жиҳозлар – юк машинаси, кўтарма кран, оғир кураклар ва ҳоказолар;

– шахсий жиҳозлар – шлемлар, химоя кўзойнаклар, иш кўлқоплари, комбинезонлар, иш пойафзали ва бошқа керакли анжомлар.

Стандарт техник-криминалистик воситалар ҳар доим тайёр ҳолатда бўлиши ва сақланиши керак.

3§ Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар

Исботланиши лозим бўлган ҳолатлар доирасини тўғри аниқлашда мазкур турдаги жиноятларни тергов қилиш давомида айбланиш ва ҳукм қилиш учун асослар мавжуд бўлганда жиноят иши бўйича аҳамиятли масалалар доирасини аниқлашга хизмат қилади.

Терроризм жиноятларни тергов қилишда қуйидагиларни исботлаш зарурдир:

– шахс томонидан содир этилган ҳаракатда терроризм жиноятининг таркиби борлиги;

– агар ҳаракатда терроризм таркиби бор бўлса, унда ушбу жиноятнинг қайси тури содир бўлганлиги;

– ушбу жиноятнинг қачон, қаерда, қандай ҳолатларда содир бўлганлиги;

– жиноят натижасида шахсга етказилган тан жароҳати даражаси;

– жиноят бир гуруҳ шахслар ёки бир шахс томонидан содир этилганлиги;

– жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, уларнинг ҳар бирини роли;

– гиёҳванд воситалар ёки психотроп моддалар истеъмол қилиб содир этилган бўлса, ушбу моддаларни қачон, қаерда, кимлар иштирокида истеъмол қилганлиги;

– жиноятчини жиноят устида ушлаб, тинтув қилинганда портловчи моддалар ёки портлаш воситалар топилган бўлса, ушбу моддаларни қаердан олганлиги ва тарқатиш манбаларини;

– жиноят содир этишда қурол ишлатилган бўлса, уни қаердан, қачон, қандай ҳолларда олганлиги ёки қурол қандай усулда тайёрланганлиги;

– жиноят содир этишда предмет ёки нарсалар ишлатилган бўлса, уларнинг тури, қаердан олганлиги ёки қандай тайёрлаганлиги;

– шахс терроризм жинояти содир этишда тан жароҳати олган бўлса, ушбу тан жароҳати гумон қилинувчига қачон, қаерда, қандай усулда етказилганлиги ва тан жароҳатининг хавфлилик даражаси;

– терроризм жинояти оқибатида жабрланувчига, ташкилот, муассаса ёки корхоналарга қанча миқдорда етказилган моддий зарарлар қопланганлиги;

– агар жиноятчи илгари судланган бўлса, у қаерда, қачон, қандай ҳаракатлари учун Ўзбекистон Жиноят кодексининг қайси моддаси билан қайси суд томонидан судланганлиги (ҳукмнинг бир нусхаси жиноят ишига тикиб қўйилади);

– айбланувчи айбини оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлаш;

– жиноят содир бўлиш сабаблари, шарт-шароитларини аниқлаш.

Терроризм жиноятларини тергов қилишда дастлабки тергов жараёнидаги типик тергов вазиятлари тўғрисида сўз юритишидан олдин, терроризм жиноятлари содир бўлишида жиноят ишларни қўзғатиш хусусиятлари тўғрисида фикр юритиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Бизга амалиёт тажрибасидан маълумки, ҳар бир асосли равишда ўз вақтида қўзғатилган жиноят ишлари, дастлабки терговни олиб бориш ва натижаларини унумли бўлишига чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун жиноят ишини қўзғатишдан олдин суриштирувчилар томонидан тушган материалларни тўлиқ ўрганиб, терроризм ҳаракатларига баҳо бериб, қонунда кўрсатилган нормалар билан таққослаб, жиноят ишни қўзғатишга тўпланган материалларини етарли даражасига аҳамият бериб, жиноят ишини ўз вақтида қўзғатиш лозим. Агар жиноят иши ўз вақтида қўзғатилмай, дастлабки кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ўтказилмаса, жамоат жойлардаги мавжуд далилий кучга эга излар йўқолиб, жиноятчи ҳам жинойий жавобгарликдан қочиб кетиши, бунинг оқибатида эса қочиб кетган жиноятчи бошқа жиноятларга ҳам қўл уриши мумкин.

Суриштирувчи томонидан терговчига келиб тушган материаллар ҳамма вақт ҳам сифатли бўлавермайди. Баъзи тушган материалларда жиноятчи мавжуд ва қонун талабларига биноан унга нисбатан тегишли чоралар қўлланилган, тўпланган материаллар эса тўлиқ сифатли бўлади. Айрим ҳолларда эса суриштирувчилар томонидан терговчиларга олиб келинган материаллар сифатсиз бўлиб, материаллардаги баъзи маълумотларни тўлиқ текшириб чиқишга тўғри келади. Суриштирувчилар томонидан терговчиларга келиб тушган материаллар қандай бўлмасин, шахсга нисбатан жиноят ишини қўзғатиш тўлиқ асосли бўлиши шартдир. Терговчилар томонидан жиноят ишлари шахснинг ҳаракатларида жиноят таркиби борлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилган ҳолда қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари тезда объектив олиб борилса, шунча жиноят иши бўйича шахсларни асоссиз жиноий жавобгарликка тортиш тенденцияси камаяди. Шу билан биргаликда терговчиларнинг шахсларга нисбатан асоссиз жиноят иши қўзғатиши камаяди.

Назорат учун саволлар:

1. Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятлар ҳақидаги маълумотларни тўплаш хусусиятлари;
2. Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни қўздан кечириш хусусиятлари;
3. Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ хабарлар терговга қадар текширувини амалга оширишда суриштирув ва тезкор-қидирув органларининг ҳамкорлиги хусусиятлари;

3- мавзу. ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАС ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

1§ Терроризм ва диний экстремизм жиноятларини тергов қилишда ўтказиладиган кечиктириб бўлмас ҳаракатлари

Терроризм ва диний экстремизм жиноятларини тергов қилишда ўтказиладиган кечиктириб бўлмас ва дастлабки тергов ҳаракатлари бевосита ушбу жиноятлар билан боғлиқ аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар ва терговнинг дастлабки босқичида учрайдиган типик тергов вазиятларига асосланади.

Терроризм ёки диний экстремизм билан боғлиқ жиноятлар бўйича ҳар бир типик тергов вазияти, ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб муайян тергов ҳаракатларини ўтказишни талаб қилади. Одатда, терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда давомида қуйидаги типик тергов вазиятларидан бири юзага келиши мумкин:

Терговчи унга топширилган материалларни ўқиб чиқиб, шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилгандан сўнг, жиноят иши юзасидан тергов ҳолати муайян бир ҳолатдан иборат бўладигани, бу ҳолатларни типик тергов вазиятлари деб аталади.

Терроризм жиноятларини тергов қилишда қуйидаги типик тергов вазиятлари юзага келади ва тергов жараёнида учрайди:

1. Жиноятчи бевосита террористик акт содир қилиш устида ёки содир бўлгандан сўнг ушланган. Ушбу типик тергов вазиятда қуйидаги тусмолларни тузиш мумкин (ушбу ушланган шахсни бир ўзи ушбу терроризм жиноятини содир қилмаган, улар бир гуруҳ шахслар бўлган; ушбу шахс терроризм жиноятини содир қилишда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари истеъмол қилган ҳолда бўлган; ушбу шахс терроризм жиноятини жабрланувчига нисбатан шахсий адоватлик натижасида содир қилган ва шу билан биргаликда бошқа тусмоллар ҳам тузиш мумкин).

Бизга маълумки, ҳар бир тусмол асосан тергов-тезкор чора тадбирлар олиб бориш натижасида текшириб кўрилади.

Биринчи типик тергов вазиятида қуйидаги тергов ҳаракатларини олиб бориш мумкин:

– ҳодиса содир бўлган жойни батафсил кўздан кечириш;

– гумон қилинувчини сўроқ қилиш ва уни гувоҳлантириш лозим;
– жабрланувчини сўроқ қилиш, уни жабрланувчи деб тан олиш ва агар унга тан жароҳати етказилган бўлса, судга оид тиббиёт экспертиза тайинлаш лозим;

– гувоҳларни сўроқ қилиш, агар улар жабрланувчи ёки гумон қилинувчи билан ўзаро қарама-қарши кўрсатувларга эга бўлса, улар орасида юзлаштириш тергов ҳаракати ўтказиш лозим;

– баъзи далилий ашё бўлмиш нарсалар ва предметларни топиш мақсадларида тинтув ва олиб қуйиш тергов ҳаракатини ўтказиш лозим;

– агар телефон ва бошқа сўзлашувларни эшитиш зарурияти пайдо бўлса, сўзлашувларни махсус қурилмалар орқали эшитиб туриш тергов ҳаракатларини ўтказиш лозим;

– агар экспертиза текшируви учун намуналар олиш зарурияти пайдо бўлса, экспертиза текшируви учун намуналар олиш тергов ҳаракатини ўтказиш лозим;

– агар гувоҳлар, жабрланувчи ёки гумон қилинувчи томонидан тақдим этилган нарсалар ва ҳужжатларни олиш, ашёвий ва ёзма далил сифатида ишга қўшиш зарур бўлса, унда ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш лозим.

Ушбу типик тергов вазиятида келгуси деб аталмиш тергов ҳаракатларни ҳам ўтказиш мумкин. Бу тергов ҳаракатлари қуйидаги тергов ҳаракатларидан иборат:

– жабрланувчи билан жабрланувчини, гувоҳ билан гувоҳларни, гумон қилинувчи билан гумон қилинувчиларни орасида яққол ишга аҳамиятли бўлган қарама-қаршилик мавжуд бўлса уларни бир-бири билан юзлаштириш зарурдир.

– терговда шубҳа уйғотган ҳаракатларни гумон қилинувчи, гувоҳлар ва жабрланувчи томонидан бажарилиши мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлаш учун эксперимент тергов ҳаракати ўтказиш мумкин;

– жабрланувчилар, гувоҳлар ва гумон қилинувчиларни ҳаракатларини ёки кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириб кўриш мумкин.

– агар жиноят иши юзасидан экспертизаларни қайтадан тайинлашга зарурат пайдо бўлса, қайтадан экспертиза тайинлаш мумкин;

– агар тергов қилинаётган жиноят иши юзасидан жабрланувчини, гувоҳларни, гумон қилинувчини бошқатдан қўшимча сўроқ қилиш

мумкин бўлса, ёки бунга зарурат пайдо бўлса, уларни қайтадан сўроқ қилиш мумкин;

– агар жиноят иши юзасидан гумон қилинувчини таниб олиш учун зарурат пайдо бўлса, уни гувоҳга ёки жабрланувчига таниб олиш учун кўрсатиш мумкин.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, ҳар бир типик тергов вазияти ҳар бир жиноят бўйича ўзига хос хусусиятга эга бўлиш билан биргаликда тегишли бўлган тергов ҳаракатларни ўтказишни талаб қилади.

2. Терроризм жиноятини содир қилган шахс содир қилган яширинган, лекин унинг шахси аниқланган, аммо у қўлга олинмаган.

Ушбу типик тергов вазиятида қуйидаги тусмолларни тузиш мумкин:

– терроризм жиноятини содир қилган жойдан қочиб кетган жиноятчи яқин қариндошларникида ёки ўз уйида яширилган;

– жиноятчи терроризм жиноятини содир қилган жойидан қочиб кетиб бошқа туманларда, вилоятларда, унга яқин танишлариникида яшириниб турган бўлиши мумкин;

– жиноятчи терроризм жиноятини содир қилган жойдан қочиб, бошқа давлатларда яшириниб юрган бўлиши мумкин.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, тусмол ҳар хил бўлиб, бир нечта тузилиши мумкин.

Ҳар бир тусмолни тузилган режалар орқали текшириш мақсадга мувофиқ бўлади. Яна шуни эслатиб ўтиш керакки, режа фақат тусмолларни текшириб кўриш учун эмас, балки ҳар бир тергов вазиятларини текшириб кўриш, тегишли бўлган далилларни қўлга киритиш ва бошқа тергов-тезкор тадбирларни ўтказиш учун ҳам режа тузиш мақсадга мувофиқдир.

Терроризм жиноятини тергов қилиш жараёнида учрайдиган иккинчи типик тергов вазияти бўйича қуйидаги тергов ҳаракатларини ўтказиш лозимдир:

– ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш;

– жабрланувчини сўроқ қилиш, агар зарурат пайдо бўлса, унга нисбатан тиббиёт экспертизаси тайинлаш, шу билан биргаликда уни гувоҳлантириш;

– ашёвий далил бўладиган предметларни қабул қилиб, уларни далил тариқасида олиб қуйиш тергов ҳаракати;

– гумон қилинувчини яшаш жойида тинтув тергов ҳаракати;

– гумон қилинувчини топиш мақсадида телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш тергов ҳаракати;

– агар тергов қилинаётган жиноят иши юзасидан экспертиза текшируви учун намуналар олиш тергов ҳаракатларини ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлса, ушбу тергов ҳаракатни;

– агар ушбу жиноят иши юзасидан баъзи бир предметларни кўздан кечириш лозим бўлса, унда шу предметларни, нарсаларни ва бошқа объектларни кўздан кечириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу типик вазиятини яна бир хусусияти шундаки, унда тергов-тезкор ҳаракатлари жиноятчини ушлашга, унинг яшаш жойини аниқлашга қаратилиб, ушбу тергов ва тезкор ҳаракатлари шиддатли равишда доимий олиб борилиши шарт. Гумон қилинувчи қўлга олингандан сўнг кейинги тергов ҳаракатларини юргизиш мумкин.

Ушбу типик тергов вазиятининг кейинги тергов ҳаракатлари қуйидагилардан иборат:

– гумон қилинувчини таниб олиш учун жабрланувчи, гувоҳлар ва бошқа уни аниқ таниб оладиган шахсларга кўрсатиш мақсадга мувофиқдир;

– гумон қилинувчини сўроқ қилиш билан биргаликда, уни лозим ҳолатларда гувоҳлантириш мақсадга мувофиқ;

– агар лозим бўлса у билан жабрланувчини, гувоҳларни юзлаштириш мақсадга мувофиқдир;

– гумон қилинувчи баъзи бир ҳаракатларини у томонидан бажара олишига терговчида шубҳа туғилса, унда уни ҳаракатларини текшириб кўриш учун эксперимент тергов ҳаракати ўтказиш керак;

– агар гумон қилинувчини кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириб кўриш шарт бўлса, унда шу тергов ҳаракати амалга оширилади.

Ушбу типик тергов вазиятида ҳам қайси тергов ҳаракатларни ўтказишга зарурат пайдо бўлса, шу тергов ҳаракатларни ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Терроризм жиноятларини тергов қилишда кейинги учрайдиган типик тергов вазияти - бу жиноятчи терроризм жиноятини содир қилиб бўлгандан сўнг, жиноят содир бўлган жойдан қочиб кетган ва унинг шахси маълум эмас.

Ушбу типик тергов вазиятида қуйидаги тусмолларни тузиб текшириб чиқиш мумкин:

– терроризм жиноятини содир қилган шахс шу қишлоқда, шаҳарда, туманда яшаб келади;

– терроризм жиноятини содир қилган шахс бошқа жойларда яшаб келади;

– терроризм жиноятини содир қилган шахс илгари судланиб чиққан, яшаш жойи аниқ эмас ва бошқа тусмоллар тузиш мумкин.

Юқорида қайд қилганимиздан, ушбу тусмолларни текшириб чиқиш бўйича тегишли даражада режа тузиб, унинг асосида ушбу тузилган тусмолларни текшириб кўриш мумкин. Типик вазиятини яна бир хусусияти шундан иборатки, режа тузишда жиноят қидирув бўлимининг ходимлари билан биргаликда тузиш ва улар билан ҳамкорликда иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир, негаки биринчи мақсад терроризм содир қилган жиноятчини қидириб топишдир.

Ушбу типик тергов вазиятида қуйидаги тергов ҳаракатларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир:

– ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишда ҳодиса жойидан жиноятчига тааллуқли изларни олиш, иложи борича жиноятчини шахсини аниқлашга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир.

– жабрланувчини сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказишда жабрланувчидан гумон қилинувчини ташқи кўриниши, уни субъектив сурати ва алоҳида мавжуд бўлган белгиларини аниқлаш;

– гувоҳларни сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказишда терроризм ҳаракатларни қандай содир бўлганлигини аниқлаш, гумон қилинувчини ташқи кўринишини билишга ҳаракат қилиш, гувоҳлардан гумон қилинувчи терроризм жиноятларини содир қилишда қандай ҳақоратли сўзлар билан гапиргани ва безорини овозидан таниб олишлар ёки таниб олмасликларини аниқлаб сўроқ қилиш;

– агар зарурат бўлса жабрланувчига нисбатан гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказиш лозим. Агар жабрланувчи тан жароҳати олган бўлса, уни судга оид экспертиза ўтказиш учун қарор чиқариб экспертиза тайинлаб, уни экспертизадан ўтказиш;

– ҳодиса содир бўлган жойдан баъзи бир далилларни олиб, уларга нисбатан тегишли экспертиза тайинланиши лозим бўлса, бу далилларни ёки уларда бўлган изларни аниқлаш учун тегишли бўлган экспертиза тайинлаш мумкин.

Олиб борилган тергов ва тезкор ҳаракатлари натижасида гумон қилинувчи қўлга туширилган бўлса, дарҳол уни шахсий тинтув қилиб, зарурат бўлса уни гувоҳлантириб, уни уй жойида тинтув ўтказиш лозим.

Ундан кейинги ўтказиладиган тергов ҳаракатлари қуйидагилардан иборат:

– гумон қилинувчини сўроқ қилиш, унга нисбатан тегишли мажбурий чора қўлланиши лозим;

– гумон қилинувчини таниб олиш учун жабрланувчига кўрсатиб, таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказиш керак;

– агар гумон қилинувчини гувоҳлар таниб оламиз деб гувоҳлик кўрсатувлар берган бўлса, уларни гувоҳларга таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказиш лозим;

– гумон қилинувчи терроризм ҳаракатини содир қилганлигини тан олиб батафсил кўрсатма берган бўлса, фурсатдан фойдаланиб уни кўрсатувларини терроризм содир бўлган жойда текшириб кўриш мақсадга мувофиқ;

– агар гумон қилинувчини баъзи бир ҳаракатларига терговчи шубҳа қилса, уни ҳаракатларини текшириб кўриш учун эксперимент тергов ҳаракати ўтказиш мумкин;

– агар жиноят иши юзасидан экспертиза текшируви учун намуналар олиш тергов ҳаракатини ўтказиш зарур бўлса, унда бу тергов ҳаракатини ўтказиш шарт;

– агар нарса ва ҳужжатларни ашёвий далил сифатида ишга қўшиб қуйиш лозим бўлса, унда ушбу тергов ҳаракатларини ўтказиш лозим;

– агар тўпланган далиллар айб эълон қилишга етарли бўлса, унда гумон қилинувчига айб эълон қилиб, уни айбланувчи деб тан олиб, уни айбланувчи тариқасида сўроқ қилиш лозим.

Амалиётда бу типик тергов вазиятларидан бошқа турдаги тергов вазиятлари ҳам учрайди.

Юқорида баён этилган исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш ҳамда мазкур жиноят ишлари бўйича учрайдиган типик тергов вазиятларига мувофиқ тарзда, асосан қуйидаги кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини амалга ошириш тавсия этилади:

– террористик акт оқибатида портлаш содир бўлган жойни, нарсани ёки мурдани кўздан кечириш;

– иш бўйича жабрланувчи ва аниқланган гувоҳларни сўроқ қилиш;

– махсус билимга эга мутахассис билимлари заруриятидан келиб чиқиб, судга оид тиббиёт экспертизаси, диний адабиётшунослик экспертизаси ёки бошқа турдаги экспертизалар тайинлаш;

– гумон қилинувчининг шахси аниқланган бўлса, уларни сўроқ қилиш;

– иш учун аҳамиятли бўлган нарсалар ва предметларни аниқлаш мақсадида тинтув ва олиб қуйиш тергов ҳаракатини ўтказиш;

– агар телефон ва бошқа сўзлашувларни эшитиш зарурияти бўлса, телефон ва бошқа сўзлашувларни махсус қурилмалар орқали олиб борадиган сўзлашувларни эшитиб туриш;

– экспертиза текшируви учун намуналар олиш зарурияти пайдо бўлса, экспертиза текшируви учун намуналар олиш ҳамда тергов заруриятидан келиб чиқиб бошқа кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказиш.

2§ Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноят ишларида жабрланувчи ва гувоҳни сўроқ қилиш, тинтув ва олиб қўйиш тергов ҳаракатларини ўтказиш хусусиятлари

Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича жабрланувчилар ва гувоҳларни сўроқ қилишнинг хусусиятлари. Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишда кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларидан бири бўлган гувоҳларни ва жабрланувчиларни сўроқ қилиш давомида олинган маълумотларни таҳлили терговчига жиноят ва унинг жиноий-ҳуқуқий белгилари, содир этилиш усули ва воситалари, содир этишда гумонланаётган шахсни аниқлаш ва ушлаш имкониятини беради. Ушбу ҳаракатлар ҳам дастлабки ва келгуси тергов ҳаракати сифатида амалга оширилиши мумкин.

Умуман, сўроқ қилиш тергов ҳаракати – жиноят ишини тўғри ҳал қилиниши мақсадида сўроқ қилинувчидан унга аён бўлган ва иш бўйича аҳамиятга эга маълумотларни олишдан иборатдир.

Сўроқ қилиш жараёни шартли равишда тўрт босқичга бўлиши мумкин.

1) сўроқ қилинувчидан иш учун аҳамиятли бўлган маълумотларни оғзаки тарзда сўраб олиш;

2) сўроқ қилинувчи томонидан баён қилинган маълумотларни янада аниқлаштириб, уни текшириляётган муайян ҳолатга тегишли эканлигига ишонч ҳосил қилиш;

3) сўроқ қилинувчидан олинган маълумотларни баҳолаш ва уни саралаб олиш;

4) сўроқ қилиш давомида олинган маълумотларни баённомада ва унга илова қилинадиган воситаларда қайд этиш.

Юқоридагиларга асосланиб, терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишда иш бўйича гувоҳлар ва

жабрланувчиларни сўроқ қилишдан аввал, тергов ҳаракатига ҳам тактик жиҳатдан ҳам процессуал жиҳатдан пухта тайёргарлик кўриш талаб этилади.

Айниқса, терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича гувоҳ ва жабрланувчиларни сўроқ қилиш, тергов ҳаракатининг самарадорлигида тактик тайёргарлик муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Чунки, бу каби жиноятлар ўз белгиларига кўра зўравонлик ва шафқатсизлик билан содир этилганлиги боис, жабрланувчи ва гувоҳлар руҳиятида кўрқув, таҳлика каби ҳиссиётларни уйғотиб, мавжуд диний ва маданий қадриятларга ҳамда келажакка нисбатан ишончсизликни шакллантиришга йўналтирилган бўлади. Шу сабабли, терговчи сўроқ қилинувчи шахс тўғрисида етарлича маълумотга эга бўлиши, сўроқ қилинувчи шахсининг ўрнига фикран ўзини қуйиб, унинг руҳий кечинмалари ва ҳолатини тасаввур қилиб, жиноят процессуал қонунчилик ҳамда маънавийат чегарасида ўзида мавжуд бўлган далиллар ва йўналтирувчи ахборотдан тўғри фойдалана олиши лозим. Шунингдек, руҳият талабларини билиш терговчига гувоҳ ва жабрланувчиларнинг ёлғон кўрсатув бераётгани ёки ҳақиқатни яшириб ёлғон сўзлаётгани каби хатти-ҳаракатларининг мағзини чақишга имкон беради. Сўроқ қилинувчи қандай сабабларга кўра ҳақиқатни ошкор қилмаслигини кўрсатувчи омилларни бартараф этишга кўмаклашади, унга оқилона йўл тутишни кўрсатиб, тактик қоидаларни қонун ва илм фан талабларига тўғри бўлган сўроқ қилишнинг асосланган усулларни танлашга ёрдам беради. Сўроқ қилинувчи билан руҳий алоқа боғлаш уни терговчи билан руҳий томонидан соғлом, мувозанатга эга бўлган муносабатга киришишлари тушунилади. Ушбу муносабатлар тергов қилаётган жиноятга нисбатан ҳақиқий, тўлиқ ва асосли кўрсатувларни қўлга киритишга замин яратади. Кўрқув таъсири остида иккиланиши оқибатида бўлиб ўтган ҳодисани сезиларли даражада бўрттириб ёритишини олди олинади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда жабрланувчилар ва гувоҳ (шоҳид)ларни ўз вақтида сўроқ қилиш тергов йўналишини аниқлайдиган асосий тергов ҳаракати ҳисобланади. Шунинг учун жиноят содир этилган жойни кўздан кечирганидан сўнг имкон қадар тезлик билан мазкур шахсларни тергов қилиш зарур. Агар шундай қилинмаса, унутиш жараёни хотирадаги содир этилган ҳодисанинг муҳим тафсилотларининг йўқолишига олиб келиши мумкин. Жабрланувчи

ва гувоҳ манфаатдор шахсларнинг таъсири ва босими остига тушиб қолиши мумкин ва ҳоказо.

Ўз вақтида олиб борилган сўроқ терговни иссиқ излар бўйича ташкил қилишга имкон беради. Жинойтчиларнинг ташқи кўриниш белгиларини аниқлайди; уларни қўлга олишни ташкиллаштиради ва манфаатдор шахсларнинг жабрланувчига ўтказиши мумкин бўлган таъсирини чеклайди (тахдид қилиш, кўрқитиш, сотиб олиш, ёлғон кўрсатув беришга кўндириш ва ҳоказолар орқали). Тажовуз тафсилотларини хотирадан чиқишининг олдини олади.

Агар жабрланувчига жиноят содир этилиши натижасида, ҳаёт учун хавфли бўлган оғир шикаст етказилса, сўроқ қилишнинг кечиктирилиши оқибатида (агар жабрланувчининг ўлими келиб чиқса) бу шахсдан умуман кўрсатув олиб бўлмаслигига олиб келиши мумкин. Шу боис оғир аҳволдаги жабрланувчини сўроқ қилиш фақат шифокор рухсати ва унинг иштирокида амалга оширилиши мумкинлигини эсдан чиқармаслик керак. Жабрланувчини сўроқ қилаётганда овоз ёзиб олувчи воситани қўллаш лозим. Бу талабларга етарли даражада эътибор бермаслик жабрланувчининг ўлими ёки тергов учун муҳим фактларни адаштириб юбориши сабабли зарур маълумотларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин.

Жабрланувчи ва гувоҳ-шоҳидларни сўроқ қилиш жараёнида жиноят содир этиш вазияти ва жиноятчиларнинг ташқи кўриниш ва кийимлари, ўғирланган қимматбаҳо нарсаларнинг тавсифи, белгилари ва миқдори, жиноят содир этилишига олиб келган ҳолатлар тўғрисида маълумот олиш зарур;

Жабрланувчи ва гувоҳ (шоҳид)ларни сўроқ қилаётганда тергов қилинаётган ҳодисанинг шароити ва ҳолатини билиш учун қуйидагилар аниқланиши лозим:

- жиноят содир этилган жойнинг аниқ манзили, унинг хусусияти;
- жиноят содир этилган вақт (сана ва аниқ вақти);
- уларнинг дастлабки ҳаракатларининг тавсифи;
- жиноят содир этган шахслар сони;
- жиноятчилар томонидан содир этилган зўрлик ишлатиш ёки кўрқитиш ҳаракатларининг тавсифи;
- амалга оширилган зўрликнинг кетма-кетлиги;
- жиноятчининг қуролланганлиги, қурол турлари;
- жиноятчи қурол ёки бошқа асбоблар қўллаганми ва уни қўллаш натижасида қандай оқибатлар келиб чиққанлиги;

– жабрланувчи, гувоҳ (шоҳид)нинг жиноят содир этилган вақтдаги хулқ-атвори (ёрдамга чақирган, ходиса жойини тарк этишга уринган, бақирган), унинг руҳий ҳолати;

– жабрланувчининг қаршилиқ кўрсатиши, унинг тавсифи, жиноятчиларнинг танаси ва кийимидан қолиши мумкин бўлган излар, жиноятчиларни таъқиб этиш излари;

– жиноят содир этилган вақтда шу жойдаги ўзга шахсларнинг хулқ-атвори, уларга нисбатан зўрлик ишлатилмаганми, агар ишлатилган бўлса, улар нимада намоён бўлади;

– Тергов-тезкор гуруҳи етиб келгунига қадар ходиса содир бўлган жойдаги ҳолатга ўзгартиришлар киритилганми, агар шундай бўлса, нима мақсадда ва қандай ўзгартирилгани;

– жабрланувчи ёки гувоҳнинг фикрига кўра содир этилган жиноятни ким кўриши ёки эшитиши мумкинлиги;

– жабрланувчи бўлган воқеа ҳақида кимга хабар қилган ёки сўзлаб берган, агар у бундай қилмаган бўлса, нима сабабдан ва ҳоказо.

Жиноятчиларни тавсифловчи маълумотларни олишда қуйидагилар аниқланиши лозим:

– жиноятчилардан ҳар бирининг кийими ва ташқи кўриниш белгилари;

– жабрланувчи жиноятчини таниб олиши мумкинми;

– жиноятчиларнинг ўзаро мулоқот усули; исми, лақаби ва бошқалар;

– жиноятчиларнинг ўзаро мулоқотда жаргон сўзларни қўллаши;

– ходиса содир бўлган жойда жиноятчи қолдирган предмет ва излар;

– жабрланувчининг қаршилиқ кўрсатиши натижасида жиноятчининг кийими ёки баданида қолган шикаст ёки излар ҳақидаги маълумотлар;

– жиноятчилар яширинган йўналишлар;

– жиноятчилар фойдаланган транспорт воситаси, унинг тури, маркаси, ранги ва давлат рўйхатидан ўтган рақами.

Барча жиноятларда бўлгани каби, терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича жабрланувчи сифатида тан олинган шахс гувоҳни сўроқ қилиш қоидаларига асосан сўроқ қилинса-да, лекин уни гувоҳни сўроқ қилишдан фарқланувчи қуйидаги хусусиятларини билиш лозим.

биринчидан, кўп ҳолларда жабрланувчи жиноятни ўз кўзи билан кўрган шахс ҳисобланади, шунинг учун у жиноятнинг ҳолатлари

тўғрисидаги маълумотларни кенгрок билади, негаки жиноят оқибатида унга жисмоний, моддий ва маънавий зарар етказилади;

иккинчидан, жабрланувчи бу жиноят ишининг натижаларидан манфаатдор бўлиб терговчига ёрдам қилишга ҳаракат қилади, лекин кўпинча унинг ўзига руҳий-маънавий ёрдам кўрсатиш зарурияти туғилади;

учинчидан, жабрланувчининг кўрсатув бериши унинг ҳуқуқи бўлиб қолмасдан, балки унинг процессуал бурчи ҳамдир;

тўртинчидан, жабрланувчининг гувоҳдан фарқи шундаки, унинг процессуал ҳуқуқлари кенгрок. Унинг кўрсатувлари, жабрланувчининг жиноятдан поймол бўлган ҳуқуқ ва манфаатларини қалқони бўлиб қолади. Иш бўйича ҳар қандай вақтда у ўзининг кўрсатув бериши ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Тинтув ва олиб қўйиш ўтказиш. Терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича олиб қўйиш ва тинтув тергов ҳаракатини ўтказиш иш бўйича аҳамиятли бўлган, террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёхуд ушбу ЖК-нинг 155, 158, 159, 161, 242, 245 ва бошқа моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш ёинки уларга тайёргарлик кўришда фойдаланилган қурол-яроғ, портлатиш қурилмалари, портловчи, захарловчи, атрофдагилар учун хавф туғдирадиган бошқа моддалар ва буюмларни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни ҳамда жиноят иши учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатларнинг аниқлаш ва уларни жиноят ишига қўшиш мақсадида амалга оширилади.

Бундан ташқари, яна қуйидаги нарса ва ҳужжатларни аниқлаш ва олиш учун тинтув ва олиб қўйиш тергов ҳаракатини ўтказиш мумкин:

– гумон қилинувчининг, содир этилган жиноят излари мавжуд бўлган кийим-кечаги, оёқ кийими, бош кийими;

– талон-торож қилинган нарсаларнинг техник паспорти ва бошқа ҳужжатлари;

– гумон қилинувчининг фамилияси билан шахсини тасдиқловчи ҳужжатлардаги фамилияси тўғри келмайдиган ҳужжатлар;

– гумон қилинувчини жиноятнинг бошқа иштирокчилари билан алоқадорлиги ҳақида далолат берувчи хат, ёзишмалари, кундалик дафтарчаси;

– гумон қилинувчида фуқаролик муомаласидан чиқарилган, ноқонуний сақланаётган нарсалар (гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, радиоактив ва кучли таъсир қилувчи ёки захарловчи моддалар);

– Ички ишлар идораларидан яшириниб юрган гумон қилинувчилар;

Агарда юқоридаги нарса ва ҳужжатларнинг айнан кимда ва қаерда эканлиги маълум бўлиб, уларни қидиришнинг ҳожати бўлмаса, ЖПКнинг 157-моддасига мувофиқ суриштирувчи, терговчи ва суд уларни олиб қўйиши мумкин. Шунингдек, суриштирувчи ва терговчи бирор турар жой, хизмат, ишлаб чиқариш биносидан ёки ўзга жойда ёхуд бирор шахсда иш учун аҳамиятли бўлган нарса ёки ҳужжатлар бор деб ўйлаш учун етарли маълумотга эга бўлган тақдирда ЖПКнинг 158-моддасига мувофиқ, тинтув тергов ҳаракатини ўтказди.

Уларнинг процессуал асоси бўлиб, суриштирувчи ёки терговчининг асослантирилган қарори, тинтув учун қўшимча тарзда прокурорнинг санкцияси билан тасдиқланади (ЖПК 161-м., 1-қ).

Тинтув ва олиб қуйишга тайёргарлик кўриш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- жинойт иши материаллари билан танишиш;
- тинтув ўтказилиши режалаштирилаётган жой ва ҳолати ҳақида тахминий маълумотлар тўплаш;
- тинтув қилинаётган объект тўғрисида маълумот олиш;
- тинтув ўтказиш вақтини аниқлаш;
- тергов-қидирув гуруҳини шакллантириш;
- техник-криминалистик ва қидирув воситаларини тайёрлаш;
- гумон қилинувчи билан бирга истиқомат қилаётган шахслар, уларнинг яшаш тарзи ва алоқалари тўғрисида маълумот олиш;
- Тергов-тезкор гуруҳига аъзо бўлган шахслар билан йўриқнома ўтказиш.

Терговчининг тасаввурига кўра жинойт содир этилиши натижасида жабрланувчининг талон-торож қилинган нарса ва буюмларни аниқлаш учун гумон қилинувчининг уй-жойида, керак бўлса, иш жойида вақтни ўтказмасдан тезда тинтув ўтказиш лозим.

Гумон қилинувчининг уй-жойидан ташқарида, яъни қўшниларининг уйида агар терговчи талон-торож қилинган нарса ва буюмлар уларнинг хонадонларида яширилганлиги ҳақида тасаввурга эга бўлса тинтув ўтказиш мумкин.

Тинтув терговчи томонидан ўтказилади. Тезкор-қидирув вакили, эксперт-криминалист ва бошқа мутахассислар терговчига тинтув ўтказиш учун зарурий ёрдам кўрсатадилар.

Агар жиноят содир этишда бир неча шахслар гумон қилинаётган бўлса, унда тинтув тўсатдан ва бир вақтнинг ўзида, зудлик билан ўтказилиши лозим. Бунда тинтув олиб борилаётганлиги ҳақидаги маълумот чиқишининг олди олинади.

Тинтув ва олиб қўйиш чоғида олинган нарсалар синчковлик билан текширилади.

Уларда келиб чиқиши биологик бўлган моддаларни аниқлаш учун ультрабинафша нурларидан фойдаланиш зарур. Барча аниқланганлар фотосуратга олиниб, тинтув ўтказиш ҳақидаги баённомада батафсил ёритилади ва олиб қўйилади.

Олиб қўйиш ва тинтув баённомасида нарса ва ҳужжатларнинг айнан қаердан ва қандай шароитда топилганлиги, ихтиёрий равишда олинганлиги кўрсатилади, улар бирма-бир қайд этилиб, уларнинг миқдори, ўлчови, оғирлиги, ҳар бирининг ўзига хос белгилари кўрсатилиши, зарур бўлганда ўралиши ва муҳрланиши керак.

3§ Терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноят ишларида экспертиза тайинлаш. Телефон сўзлашувларини эшитиш

Терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича тайинладиган экспертиза турлари жиноят иши бўйича юзага келадиган типик тергов ҳаракатлари ва иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлардан келиб чиқиб, турлича бўлиши мумкин. Экспертизалар турини танлашда жиноят иши бўйича зарур махсус билимларнинг хусусиятлари ва экспертиза текширувининг имкониятлари ҳисобга олинади.

Шунингдек, иш экспертиза тайинлашнинг аниқ вақти кўрсатиб ўтилмаган, шу сабабли ушбу масалани тергов заруриятидан, воқеанинг содир бўлган шароитларидан келиб чиқиб ҳал этилади. Экспертиза текшируви ўтказиш зарурияти юзага келган бўлса-да, уни ўз вақтида тайинламаслик жиноят иши бўйича изларнинг ўзгариши ва йўқолишига сабаб бўлиши мумкинлигини инобатга олиб, уни ўз вақтида ва мақсадли тайинлаш лозим бўлади. Экспертиза тайинланишга терговчининг процессуал қарори асос бўла олади. Қарорда ЖПКнинг 180-моддасида кўрсатилган талаблар ўз аксини топиши зарур.

Айниқса, терроризм жиноятини тергов қилишда қатор масалалар бўйича дастлабки тергов жараёнида (жиноятни сабабларини ва ўчоғини, шахсни ва ҳосил бўлиш хоссасини аниқлашда) фан ва техникани махсус билимларидан фойдаланиш асосида суд-экспертизаси ўтказишга рухсат берилиши мумкин. Экспертиза ўтказишни мақсади, кўрсатилган фактлар бўйича илмий-асосланган, тегишли процессуал ҳужжатлаштирилган эксперт хулосасини олишдан иборатдир. Терговчи экспертиза тайинлаш масаласини ечаётганда, иш ҳолатини қонун талаби бўйича объектив ва тўлиқ тадқиқот қилинишига раҳбарлик қилади. Экспертиза тадқиқоти мутахассис томонидан терговчи топишига биноан қарорда кўрсатилган бўйича олиб боради. Эксперт сифатида жиноят иши бўйича шуғулланган илмий-техникавий ва бошқа махсус масалаларда керакли билимларга эга бўлган ҳар қандай шахсни жалб қилиш мумкин. Жиноят процессуал қонунга биноан эксперт ушбу жиноят ишига алоқадор бўлмаслиги керак. Терроризм жиноят ишлари бўйича тадқиқот объекти бўлиб маълум қисмлари ёнган бино, иншоот ҳар хил механизм ва материаллар, ёнган нарсаларни қолдиғи, фотосуратлар, ҳужжатлар ва бошқа нарсалар хизмат қилади. Терговни дастлабки босқичида экспертиза тайинлаш қарор бўйича расмийлаштирилади. Бунда у қайси жиноят иши бўйича қачон, ким томондан тузилган, ҳамда иш ҳолати, тайинланадиган экспертиза тури, қайси ташкилот ёки шахс томонидан материал юборилган, тадқиқот қилинадиган объектлар ва эксперти вазифалари кўрсатилиши керак.

Умуман, терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича энг кўп тайинланадиган экспертиза турларига: суд баллистик, судга оид портлаш-техника экспертизаси, судга оид адабиётшунослик экспертизаси, суд тиббий экспертизаси, суд психиатрик экспертизаси, суд кимёвий экспертизаси, криминалистик экспертизалар ва тергов заруриятидан келиб чиқиб бошқа турдаги экспертизалар тайинланади.

Терроризм жиноятларни тергов қилишда тайинланадиган суд баллистик экспертиза текшируви олдида қуйидаги саволлар берилиши мумкин:

- олиб қуйилган ушбу предмет ўқ отиш қуроли бўлиши мумкинми?
- агар ўқ отиш қуроли бўлса у ўқ отар қуролнинг қайси турига киради?
- агар ўқ отар қуроли ўқ узиш учун яроқли бўлса ундан охириги марта қачон ўқ узилган?

- олинган ушбу қурол қандай тарзда тайёрланган?
- агарда қўлда ясалган бўлса қайси белгилари буни тасдиқлайди.
- юборилаётган қисм(детал) ушбу қуролга тегишлими?
- қўлда ясалган қурол бўлса қандай материаллардан ясалган, механизмлар ишлатиб у жанговар ҳолатга келтириладими?
- ушбу қуролнинг қайси рақамлари йўқ қилиб ташланган.

Шунингдек ушбу қурол орқали илгари ҳам жиноят содир этилганми йўқми шуни аниқлаш мақсадида ушбу саволни эксперт олдига қўйилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқ дорилар текширишда қўйиладиган саволлар:

Текширувга берилган ушбу патрон қайси қурол турига тегишли?

Жиноятчидан олинган ушбу инструмент, қўлда тайёрланган бу патрон ишлатилган бўлиши мумкинми?

Шахсдан тинтув вақтида топилган патрон, воқеа содир бўлган жойдан топилган патрон билан бир хилми?

Портловчи моддаларни текширишда экспертизага бериладиган саволлар:

Ушбу олинган модда портловчи бўлиши мумкинми?

Агар портловчи модда бўлса у портловчи моддаларнинг қайси турига киради?

Портлашга яроқли, яроқсизми?

Қуйидаги портловчи модда қайси усул билан тайёрланган.

Ушбу портловчи моддалар почта орқали юбориш мумкин эмас, чунки бу жуда хавфлидир, шунинг учун бу портловчи моддалар экспертизага қўлда олиб борилади.

Бу қарорга қўшиб, эксперт масалани ечиш учун зарур бўладиган қуйидаги ҳужжат ва материаллар юборилиши лозим:

- ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси;
- терроризм жинояти содир бўлганлик тўғрисидаги акт;
- фотожадваллар;
- терроризм жинояти содир бўлган бино, хоналарни план схемаси;
- гувоҳларни сўроқ қилиш баённомаси;
- далилий ашёлар.

Суд-тиббий экспертиза. Агар терроризм оқибатида одам мурдалари бўлса ёхуд жабрланувчилар тан жароҳати олган бўлсалар, суд-тиббий экспертизаси тайинланади. Экспертга ҳал қилиш учун қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

- қачон ва қандай сабабдан одам ўлими содир бўлган?

– олов ҳаракатининг натижаси ҳисобланган жароҳатлардан ташқари мурдада тан жароҳатлари борми? Агар бор бўлса, уларнинг тавсифи ва келиб чиқиши қандай?

– мурданинг жинси ва ёши қандай?

– жабрланувчи олган куйиш жароҳатларининг даражаси қандай?

– куйиш жароҳатларини олиш вақтида жабрланувчи қандай ҳолатда бўлган?

– мурда ўлимидан олдин спиртли ичимлик истеъмол қилганми ва унинг маст бўлиш даражаси қандай?

– ўлимнинг сабаби аниқлансин, ўлим юзага келишидан олдин бирон-бир касаллик билан оғриганми? Агар касалликка чалинган бўлса қандай касалликка чалинган?

– куйиш жароҳатлари нимадан иборат (олов ҳаракати, ёқилғи суюқлик). Агар гумонланувчи ёки жабрланувчи танасида жароҳатлар бўлса, экспертга ҳал қилиш учун қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

– танадаги жароҳатларнинг тури ва оғирлик даражаси қандай?

– жароҳатларнинг етказилган вақти қачон?

– гумонланувчиларнинг кўрсатмалари, суд-тиббий экспертизасининг хулосасига тўғри келадими?

– куйиш жароҳатлари нима билан етказилган (олов ҳарорати, ёқилғи суюқлиги, қайноқ сув)?

– гумонланувчи ёки жабрланувчи олган жароҳатнинг даражаси қандай?

– қандай қурол билан гумонланувчи жароҳатлар етказиши мумкин? Ишнинг ҳолатига ва мурданинг кўздан кечирилишига қараб юқоридаги масалалар кенгайтиши мумкин.

Суд-психиатрик экспертиза. Терроризмлар айрим вақтларда сурункали руҳий касал ҳамда патологик маст ҳолдаги шахслар томонидан ҳам келиб чиқиши мумкин. Агарда айбланувчи ёки гумондор руҳий носоғлом эканлигига шубҳа туғдирса терговчи уни суд-психиатрик экспертиза комиссиясига юбориши шарт. Суд-психиатрик экспертиза олдида қуйидаги масалалар қўйилади:

– юборилган шахс руҳий касалми ёки йўқми, у тиббий характердаги ёрдамга муҳтож эмасми?

– текширилаётган шахс терроризм жиноятини вужудга келтираётган вақтда ақли расо бўлганми? Ҳамда ўзини ҳаракатини баҳолай оладими ёки унга раҳбарлик қилинганми?

– юборилган шахсни жиноят қилмасдан олдинги касаллик тарихидаги ёзилган натижалари ҳозирги рухий ҳолатига тўғри келадими? Агар суд-психиатрик экспертиза хулосалари қониктирмаса ёки шубҳа туғдирадиган бўлса терговчи яна қайтадан эксперт тадқиқоти ўтказиши учун қарор чиқариши мумкин.

Суд-кимёвий экспертиза. Терроризм жиноятида суд-кимёвий экспертиза қилаётганида ерда кул, кўмир, ёнган тахталар, газмолларни, суюқ ёқилғиларни изларини аниқлаши зарур бўлади. Терроризм жиноятида олиб кетиши учун фойдаланилган нефт маҳсулотларини (бензин, керосин) далилий ашё сифатида иложи борича тезроқ (чунки Ўрта Осиё иқлими шароитида суюқлик тезда парланиб кетиши мумкин) ҳаво кирмайдиган идишларга жойлаб жўнатиш керак бўлади. Амалиётдан маълумки суд-кимёвий экспертиза асосан нефть маҳсулотларини изини аниқлаш учун ўтказилади. Терговчи суд-кимёвий экспертизани, қуйидаги саволларни ҳал қилиш учун тайинлайди:

– текширишга юборилган ашё тўри ва мансублигини аниқлаш учун;

– жиноятнинг ўчоғидан олинган ашёни нима эканлигини аниқлаш мақсадида;

– жиноят жойидан топилган (кул ва бошқа нарсалар) қолдиқларини таркибида ёнадиган ашёлар борлигини, агарда бўлса улар қандай нарсалар;

– текширишга юборилган ашёлар конкрет ҳолларда ўз-ўзидан ёниб кетиши мумкинми;

– ўт қўйиш учун ишлатилган ёқилғи моддасининг таркиби қандай;

– жиноят жойида қайси моддалар ёнган;

– жиноят ўчоғидан гумонланувчидан олинган суюқликлар битта таркибидаги суюқликми;

– ушбу модданинг ўт олиш ҳарорати қандай?

Криминалистик экспертиза. Терроризм жиноятларни тергов қилиш бўйича, яъни жиноят содир қилган шахсни аниқлаш мақсадида турли криминалистик экспертизалар ҳам тайинланади. Тадқиқот объектда бўлиб кул, оёқ кийимлари (ўт ёқувчини шахси аниқланганда), ўқ гильзаси, оёқ излари ҳамда ҳар хил нарсаларни қисмлари (қисмлари бўйича бутунлиги аниқланган вақтда) хизмат қилади. Криминалистик тадқиқотларни кўпгина қисмларини (дактилоскопик, трассологик, баллистик, график) ИИБ ва ИИБ, ҳамда Адлия вазир-

лиги лабораторияларини тезкор-техник бўлимлари томонидан ўтказилади. Экспертизаларни ўтказишда қуйидаги саволлар ечилиши зарур. Трассологик экспертиза ўтказилган вақтда:

– воқеа жойдан олинган излар, гумондор томонидан қолдирилганми?

– воқеа жойдан топилган яланг оёқ излари гумонланувчига тегишлими?

– текшириш учун юборилган шишадаги бармоқ излари гумонланувчиникими?

– бинога кириш эшигидаги бузиш излари гумонланувчидан олинган нарсалар билан етказилганми?

– жиноят жойдан топилган излар қайси оёқ кийимига монанд ва уни махсуслиги?

– агар транспорт воситасидан фойдаланилган бўлса жиноят жойида қолдирилган машина ғилдираги излари қайси транспорт тури ва русумига тегишли?

Судга оид адабиётшунослик экспертизаси. Иш бўйича олинган материалларда, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар мавжудлигини аниқлаш мақсадида, диний адабиётшунослик экспертизасини тайинланиши мумкин. Мазкур экспертиза тергов заруриятидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмитаси қошидаги махсус комиссияга юклатилади.

Экспертиза текшируви олдида қуйидаги саволларни қуйиш тавсия этилади:

– тақдим этилган материаллардаги маълумотларда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф равишда ўзгартиришга, ҳокимиятни куч ишлатиб эгаллашга, сайлаб қуйилган ёки тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф равишда бузишга даъват қилувчи чақириқлар мавжудми?

– тақдим этилган материаллардаги маълумотларда ислом давлати қуриш, халифалик бошқаруви жорий этишга қаратилган даъват борми?

– тақдим этилган материаллардаги маълумотларда фаолияти чекланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларни тузиш,

уларнинг фаолиятини тиклаш, шу ташкилотларнинг фаолиятида қатнашиш, қатнашишга ундаш даъватлари борми?

– тақдим этилган материаллардаги маълумотларда диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган, аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган, фуқаролар ўртасидаги тотувликни бузиш, тухматлар уюштириб вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ғоялари борми?

– тақдим этилган материаллар тақиқланган диний мазмундаги маҳсулотлар рўйхатига кирадими?

Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш. Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари қаторига киради. Терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича тўп-ланган далиллар иш учун аҳамиятга молик хабарларни олиш мумкинлигига етарли даражада асос бўла олса, терговчи телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш тергов ҳаракатини ўтказиш зарурияти юзага келади.

Терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича жабрланувчига, гувоҳга, шунингдек уларнинг қариндошлари ва яқинларига нисбатан куч ишлатиш, товламачилик ёки бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар содир этиш хавфи мавжуд бўлса, бу шахсларнинг аризалари бўйича ёки уларнинг ёзма розилиги ва прокурорнинг санкцияси билан ёхуд суднинг ажримига кўра уларнинг телефон ёки бошқа сўзлашув қурилмалари орқали бўладиган сўзлашувларини эшитиб туриш амалга оширилиши мумкин.

Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш тўғрисидаги қарор ёки ажрим унда эшитиладиган ахборотлар хусусияти ва ҳажми, шунингдек, сўзлашувларни эшитиб туришнинг боришини ва натижаларини қайд этиш шакли белгиланиб, миллий хавфсизлик хизмати органларига ижро этиш учун юборилади.

Агар кечиктириб бўлмас ҳолат юзага келиб, суриштирувчи ёки терговчи телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш ҳаракатини зудлик билан ўтказиши керак бўлса, у ҳолда улар қарор чиқариб, уни миллий хавфсизлик хизмати органларига юбориш ҳуқуқига эгадирлар, аммо бу тўғрида

суриштирувчи ёки терговчи прокурорни 24 соат ичида хабардор қилиши лозим. Прокурор ушбу қарорга рухсат берганлиги тўғрисида миллий хавфсизлик хизмати органига тегишли маълумотнома юбориб, ушбу ҳаракатларнинг, давом эттирилишига асос беради.

Эшитиб туриш ва овоз ёзишни амалга оширган шахс ишга алоқадор сўзлашувлар фонограммаси мазмунининг қисқача баённомасини тузади. Фонограмма муҳрланади ва баённомага қўшиб қўйилади, унинг иш учун аҳамиятли бўлмаган қисми ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин йўқ қилинади. Эшитиб туриш ва овоз ёзиш баённомасида абонент рақами, эшитиб туриш ва овоз ёзиш вақти ва жойи, фойдаланилган техникавий воситалар тури ва модели, бу ишларни амалга оширган шахсларга оид маълумотлар ҳамда иш учун аҳамияти бўлиши мумкин деб ҳисобланган бошқа маълумотлар акс эттирилади. Магнит тасмасига эга фотокассета ушбу сўзлашувнинг фонограммаси билан баённомага илова қилиниб, ўралади ва муҳрлаб, эшитилган сўзлашув қачон бошланиб қачон тугаган вақти белгиланади ва бу маълумотлар имзолар билан тасдиқланиб суриштирувчи ёки терговчига берилади.

Баённома ва унга илова қилинган фонограмма (телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш фонограммаси) суриштирувчи ёки терговчига қайд этилган ашёлар ҳамда ҳужжатларни тақдим этиш қоидаларига кўра топширилади ва асосан ашё ва ҳужжатларни ашёвий ва ёзма далил сифатида ишга қўйиш қоидаларига асосан ашёвий далил сифатида тан олинади.

Назорат учун саволлар:

1. Портловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари аниқланганида Ички ишлар идоралари ходимларининг ҳаракатлари.

2. Портлаш содир бўлган жойни кўздан кечиришда терговчининг бошқа соҳавий хизматлар билан ўзаро ҳамкорлиги.

3. Терроризм ва экстремизм жиноятларига оид ишларда жабрланувчилар ва гувоҳларни сўроқ қилишнинг хусусиятлари.

4. Терроризм ва экстремизм жиноятларига оид ишларда тинтув ва олиб қўйиш ўтказиш хусусиятлари.

4-Мавзу. ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ОИД ИШЛАРДА ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ВА АЙБЛАНУВЧИ ТАРИҚАСИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ЖАЛБ ҚИЛИШ ҲАМДА УЛАРНИ СЎРОҚ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

1§ Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш ва уларнинг жиноятга алоқадорлигини текшириш

Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш учун етарли асослар бўлиши талаб этилади. Ушбу асослар ишончли ва ҳақиқий маълумотларга таянилади. Жиноятга оид ҳар қандай маълумотлар ҳар томонлама текширилгандан сўнг ишончли маълумотга айланади ва жиноятда гумон қилинган шахсларни жиноятга алоқадор ёки алоқасизлик масаласи ҳал этилади. Жиноятда гумон қилинган шахсни ушлаш Конституцияда белгиланган фуқароларнинг энг муҳим ҳуқуқлари – шахс эркинлиги билан боғлиқ бўлгани учун, у жиноят процессуал қонунига қатъий амал қилган ҳолда амалга оширилиши керак. Жиноятчиликка қарши қонунбузарларга нисбатан тез ва қатъий чоралар кўришини талаб қилади. Шунинг учун жиноят қилишга тайёрланаётган, жиноят содир этган ёки гумон қилинаётган шахс аниқланиши билан уларни ушлаш зарур, чунки озодликда қолдирилган жиноятчилар жиноят изларини яширишга ёки жиноят содир этишлари мумкин.

Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш процессуал мажбурлов чоралари кўпинча жиноят процессининг терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида амалга оширилади.

Ушлаб туришнинг мақсади фақат далилларни олишдан иборат эмас, бунда одил судловнинг муҳимроқ манфаати – гумон қилинувчини суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яшириниш, жиноий фаолиятини давом эттириш ва бошқа имкониятларидан маҳрум қилиш биринчи ўринга чиқади.

Жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш тартиби ЖПКнинг 27-бобида белгиланган.

Ушлаб туриш учун асос бўлиб муайян шахснинг жиноят содир этишда иштирок этганлигини тасдиқловчи фактик маълумотлар хиз-

мат қилади. Улардан ақалли биттасининг мавжудлиги суриштирув органига шахсни гумон қилинувчи тариқасида ушлаб туриш ҳуқуқини беради (ЖПК 221-м.). Ушбу асосларни кўриб чиқамиз.

Биринчиси – шахснинг жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушиши. Бу шахснинг айбдорлигидан далолат берувчи жиддий далил ҳисобланади.

Иккинчиси – жиноят шоҳидларининг, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатишлари. Ушбу ҳолда гумон қилинувчини ушлаш асоси шоҳидлар хабар берган маълумотлар ёрдамида аниқланади. Бундай маълумотлар қатъий ҳамда асосли бўлиши керак. Агар шоҳид жиноят содир этган шахсни аниқ билмаса, унинг айбдорлигига шубҳаланса, у ҳолда унинг кўрсатувлари ушлаб туришга асос бўлиб хизмат қилмайди. Қонунга мувофиқ, жиноят шоҳиди бўлмаган шахсларнинг кўрсатувлари шахсни гумон қилинувчи тариқасида ушлаб туриш учун асос бўла олмайди.

Учинчиси – гумон қилинувчининг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилиши. Ушбу ҳолда уйи деганда, гумон қилинувчи жиноят содир этишдан аввал ёки кейин амалда яшаб турган жой тушунилади. Келиб чиқиши бўйича уларнинг жиноятга алоқадорлиги шубҳа уйғотмайдиган изларни яққол излар деб ҳисоблаш керак.

Тўртинчиси – бошқа маълумотлар. Қонунда уларни олдиндан назарда тутиш мумкин эмас, чунки улар турли хил ҳолатлар бўлиши мумкин. Қонунда ушбу маълумотлар бўйича асоссиз равишда ушлаб туришга йўл қўймаслик учун, ушлаб туриш шартлари ҳам назарда тутилган. Шу муносабат билан ушлаб туриш учун: а) шахсни жиноят содир этганликда гумон қилиш ҳуқуқини берувчи ҳолатлардан ақалли биттасининг мавжуд бўлиши; б) гумон қилинувчи қочмоқчи бўлаётганлиги ёхуд доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаганлиги ҳақида маълумотларнинг бўлиши зарур.

Ушлаб туриш учун мазкур асослардан бирининг мавжудлиги етарли эмас. Қонунда ушлаб туриш асослилигининг қўшимча кафолати сифатида гумон қилинувчи озодликда қолса, терговдан яшириниши, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал бериши ёки жиноий фаолиятини давом эттириши мумкинлиги борасида реал хавф мавжудлиги ушлаб туриш мотиви бўлиб хизмат қилиши белгиланган.

Ушлашнинг муваффақиятли ўтишини таъминлашнинг асосий жиҳатлари ушлаш тактикасининг усуллари, сабаблари ва шарт-шароитлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Амалий фаолиятда ушлашдан аввал унга тайёргарлик жараёни муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу жиноят иши бўйича юзага келадиган ҳолатни чуқур таҳлил қилган ҳолда уни ўтказишга тайёрлашдир.

Ушлашга тайёргарлик кўриш қуйидаги йўналишлардан иборат:

- шахслар тўғрисида керакли маълумотларни йиғиш, агар уларни ушлаш зарурати туғилса, уларга яқин одамларни билиб олиш;
- ушлаш жойини белгилаш ва ўша жойдаги шароитни ўрганиш;
- ушлаш вақтини аниқлаш;
- ушлаш режасини ишлаб чиқиш;
- ушлаш гуруҳларини (кўлга олиш гуруҳи, кузатув гуруҳи, ҳимоя гуруҳи, қуршаб олиш гуруҳи) тегишли қуроллар билан жиҳозлаш, тайёрлаш ва уларга керакли йўриқномалар бериш;
- ушлаш жойига ўз вақтида яширинган ҳолда етиб келиш.

Ушланаётган шахс ҳақида қуйидагиларни аниқлаш лозим бўлади:

- асосий анкета маълумотлари (фамилияси, исми, шарифи);
- ташқи қиёфа белгилари;
- жисмоний имкониятлари, махсус тайёргарлиги (самбо, каратэ);
- эмоционал ва руҳий ҳолатлари;
- ҳаёт тарзи, одатлари, қаерда вақт ўтказиши, одатий ҳаракат маршрути;
- жинсий алоқалари, қариндош ва қўшнилари билан алоқалари;
- унинг ўтмиши (ҳарбий хизматни қаерда ўтаган, қайси қисмларда, аввал судланганлиги, нима учун, қаерда ва қанча жазо ўтаган);
- ўқ отар қуроли бўлиши мумкинлиги.

Бу маълумотлар шахсга нисбатан мавжуд бўлган жиноят ишидан, тезкор-қидирув, криминалистик ҳисоблардан, унинг ишлаш ва яшаш жойларидан йиғилади.

Шахсни ушлаш учун жойни унинг қаршилиқ кўрсатиши ва қочиб кетиши эҳтимолини олдини олган ҳолда танлаш лозим (одамлар кам бўлган очиқ жойларда).

Шахсни ушлаш жойини ўрганиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ушлаш учун қулай жойни танлаш;
- тезкор гуруҳнинг сонини ва уларнинг жойлашиши ва ҳаракатларини белгилаш;

- яширин кузатув постлари учун жой танлаш;
- ҳаракат маршрутини танлаш;
- транспорт қўйиладиган жойни белгилаш.

Агар *шахсни ушлаш биноларда* амалга оширилса:

- бинога келиш-кетиш йўллари, кириш-чиқиш эшиклари, томга чиқиш йўллари аниқланиб, ўрганилади;
- хоналарнинг жойлашиши, эшик, ойна, зиналар ва ёрдамчи хўжалик хоналари ўрганилади;
- бино ёнида боғ, полиз ёки тўсиқларнинг мавжудлиги ўрганилди.

Агар *шахсни ушлаш кўчада ёки жамоат жойида* амалга оширилса, шу кўчага ёндош кўчалар ўрганилади. Ушлаш учун белги-ланган жой жамоат транспорти тўхташ бекати ва очиқ ҳовлилардан узоқда жойлашса мақсадга мувофиқ бўлади. Жойларни ўрганишда катта масшабли хариталардан фойдаланиш, бегона шахсларнинг эътиборини тортмаслик зарур. Жойлар бевосита тезкор гуруҳ раҳбари томонидан ўрганилади.

Тўпланган барча маълумотлар шахсни ушлаш вақтини, бунга жалб қилиниши лозим бўлган ходимлар сонини, кучларни жойлаштириш ва ушлаш тактик усуллари аниқлашга ёрдам беради.

Ушлаш вақтини белгилашда ушланаётган шахс жойида бўлишини инобатга олиш лозим, амалиётдан маълумки, ушланаётган шахс қочиб бекиниши кундуз куни қийинроқ бўлади, шунинг учун ушлашни кун ёруғида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ушлаш режаси жинойтчи шахси, ушлаш жойидаги шарт-шароитларни ўрганиш натижасида олинган маълумотлар асосида ишлаб чиқилади ва у ўз ичига қуйидагиларни олади:

- ким ушланади, ушлашга асос;
- ушлаш жойи ва вақти;
- гуруҳлар сони ва ҳар бир гуруҳдаги ходимлар сони;
- қатнашувчилар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши, улар ҳаракатининг тартиби ва кетма-кетлиги;
- ходимларнинг қуролланганлиги ва маскировкаси;
- гуруҳлар ва алоҳида ходимлар орасида ишончли алоқа воситалари ва усуллари;
- хизмат қидирув итларидан фойдаланиш;
- ҳаракатланиш воситалари ва гуруҳларнинг ушлаш жойига ҳаракатланиш маршрути;
- ходимларнинг ушлаш жойига йиғилиш вақти;

- жиноятчилар яширинган жойга кириш усуллари;
- ушлашни бошлашга бериладиган сигнал;
- қуролланган қаршилик бўлган ҳолда қурол ишлатиш тартиби.

Ушлаш режасини тезкор гуруҳ раҳбари тузади ва ИИИ бошлиғи тасдиқлайди. Бир неча жиноятчи ёки турли жойларда жойлашган жиноятчиларнинг катта гуруҳи бир вақтда ушланадиган ҳолда, режада уларнинг бир-бири билан келишиб олиши ва далилларни йўқ қилишига йўл қўймаслик учун бир-бири билан учраштирмаслик чоралари кўрилади (турли машиналарда олиб кетиш, ҳар хил камерага жойлаштириш).

Тезкор гуруҳ таркиби ушлаш жойи, ушланадиган шахслар сони, уларнинг хавфлилиги, жисмоний кучи ва қуролланганлигига боғлиқ. Ушлашда қатнашувчи ходимлар сони жиноятчилар сонидан 3-4 марта кўп бўлиши шарт. Аёллар ушланадиган ҳолларда, гуруҳга кўздан кечириш ва тинтув ўтказиш учун аёл ходимлар киритилади.

Тезкор гуруҳга йўриқнома ўтказиш ушлашга тайёргарликнинг охириги босқичи ҳисобланади. У ички ишлар бошқарма бошлиқлари ва гуруҳ раҳбарлари томонидан ўтказилади. Ҳар бир қатнашувчи ходимга ким, қачон ва қаерда ушланиши, ушланувчининг қисқа тавсифи ва унинг фотосурати, ушлаш жойининг тавсифи, вақти, ўтказиладиган операциянинг умумий мазмуни тушунтирилади. Бунда алоҳида эътибор ўз-ўзини химоялаш ва қурол ишлатиш тартибига қаратилади. Йўриқнома ўтказиш якунида, раҳбар ҳар бир ходимда қурол ва бошқа воситаларнинг мавжудлиги ва ҳолатини текширади.

2§ Ушланган ёки жиноятга алоқадор шахсларни гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ва уларни сўроқ қилишнинг хусусиятлари

Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларини тергов қилиш жараёнида терговчи томонидан гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқлари ва манфаатлари чекланиши мумкинлиги қонуний тартибга солинган. Бунда терговчи (баъзан прокурор)нинг шахс ҳуқуқларини чеклайдиган ҳаракатлари ва қарорлари энг аввало қонуний ва асосланган бўлиши талаб этилади. Айнан шу мақсадларда жиноят процессининг муайян институтлари киритилган. Жумладан, дастлабки тергов жараёнида терговчи томонидан тўпланган материаллар муайян шахс ушбу жиноятни содир қилганлигини кўрсатса-да, улар

уни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этиш учун етарли бўлмайди. Бундай вазиятда тўлиқ асослантирилмаган тахминларга таяниб, айб эълон қилиш қонун бузилиши ва инсон ҳуқуқларни бузилишига олиб келса, бошқа тарафдан шахсга айб эълон қилмаслик ва одил судловни таъминлаш усуллари қўлламаслик терговчининг жинойтларни тез ва тўла очиш ҳамда айбдор шахсларни жинойий жавобгарликка тортиш вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилади. Бу тергов органларининг вазифалари ва жинойт процессига жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқлари ўртасида зиддиятли ҳолатни юзага келтиради. Айнан шундай ҳолатларни бартараф қилиш мақсадида гумон қилинувчи институти тартибга солинган.

Гумон қилинувчининг ишда пайдо бўлиши асосида, биринчи навбатда муайян шахс томонидан жинойт содир қилинганлиги ҳақидаги тахмин ётади. Бундай гумон шахснинг ҳуқуқларини чеклайдиган мажбурлов чораларида ўз аксини топмағунига қадар ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатга эга бўлмайди. ЖПКга биноан бундай чоралар сифатида ушлаб туриш ва қамоққа олиш эҳтиёт чорасини кўрсатиш мумкин.

Жинойт ишида гумон қилинувчининг пайдо бўлишининг биринчи шарти ушлаб туришдир. Ушлаб туриш биринчидан, муайян шахс жинойт содир қилганлиги ҳақида гумон мавжуд ҳоллардагина, иккинчидан эса содир қилинган жинойт учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлсагина қўлланилиши мумкин. Гумоннинг ўзи эса жинойтни мазкур шахс содир қилганлигини кўрсатувчи объектив маълумотларга асосланган бўлиши ва ЖПКнинг 221-моддасида назарда тутилган асослардан бири мавжуд бўлсагина қўлланилади.

Жинойт ишида гумон қилинувчининг юзага келишининг иккинчи шарти суриштирувчи, терговчи ва прокурор шахсни гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақида қарор чиқариши ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, жинойт процессида иштирокчи сифатида гумон қилинувчининг юзага келиши учун бир томондан шахс муайян жинойтни содир қилганлиги ҳақида гумоннинг мавжудлиги шарт бўлса, бошқа томондан гумон қилинувчининг жинойт ишида иштироки учун, агар унга нисбатан процессуал мажбурлов чораси (ушлаб туриш) қўлланилмаган бўлса, мазкур гумон аҳамиятга эга эмас.

Процесс иштирокчиси сифатида гумон қилинувчини юзага келтирадиган юридик факт ўз таркибига кўра мураккаб ва турли процессуал ҳодисалар – гумон қилиш ва процессуал мажбурлаш чора-

ларини бирлаштирган. Жиноят содир этганликда гумон қилинган шахсга энг оғир мажбурлов чоралари ушлаб туриш ва қамоққа олишни қўлланилиши фактининг ўзи жиноят процессида гумонни шакллантирувчи чегарани белгилайди.

Шу билан бирга бирор жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахс иш қўзғатилгунга қадар ушланган бўлса ва ЖПКнинг 225-моддасида назарда тутилган текшириш ушлаб туришнинг асосли эканлигини тасдиқлаган бўлса, терговчи шахсни ушлаб туриш, иш қўзғатиш ва ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида тўхтамларга келиб, уларни битта қарорда баён қилади.

Терговчи томонидан жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш, энг аввало тўпланган далиллар мажмуи, ЖПК 221-моддасининг тегишли банди ва шахс қилмишининг ЖК Махсус қисми тегишли жинойий-ҳуқуқий нормаси билан квалификациясига бевосита боғлиқ. Бунда қарорни чиқариш, уни гумон қилинувчига тақдим этиш, унга тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб бериш гумонни ифодалашдир.

Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятни тергов қилишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш бўйича процессуал ҳаракатларда қуйидаги муҳим жиҳатларга эътибор бериш зарур:

- далиллар мажмуи (улар айб эълон қилиш учун етарли бўлмайди);
- гумоннинг ифодаланиши (гумон асосланган бўлиши шарт);
- қарорнинг чиқарилиши;
- қарорнинг тақдим этилиши;
- ҳуқуқларнинг тушунтириб берилиши.

Жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар бўлиши керак:

1) гумон қилинувчи тариқасида жалб этилаётган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган куни, оyi ва йили;

2) гумоннинг мазмуни, яъни шахснинг қандай жиноятни содир қилганликда гумон қилинишига боғлиқ жиноят ҳодисаси, у содир этилган жой, вақт ва бошқа муҳим ҳолатлар баёни;

3) Жиноят кодексининг ушбу жиноятни назарда тутган моддаси, қисми, банди акс эттирилиши лозим.

Шахс Жиноят кодексининг турли моддалари, қисмлари ёки бандларида назарда тутилган бир неча жиноятни содир этишда гумон

қилинганида, бу жиноятлардан ҳар бирининг моҳияти ва юридик тавсифи алоҳида кўрсатилиши лозим.

Қарорнинг хулоса қисмида мазкур шахсни ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида тўхтамга келинганлиги ифодаланиши лозим (ЖПК 360-м.).

Қарор гумон қилинувчига у биринчи марта сўроқ қилингунига қадар эълон қилинади. Айни вақтда унга ЖПКнинг 48-моддасида назарда тутилган гумон қилинувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилади. Гумон қилинувчи: ўзининг нимада гумон қилинаётганлигини билиш; ушлаб турилганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш; у ушланган ёки гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан ҳоли учрашиш (ЖПК 230-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно); ушланганидан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини талаб қилиш; ўзига нисбатан қўрилган гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш; ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиш; ўзининг ҳимояланиш ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; далиллар тақдим этиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича суд мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш ҳуқуқига эга.

Сўнгра суриштирувчи ёки терговчи ЖПКнинг 111-моддасига мувофиқ, ҳимоячининг гумон қилинувчини биринчи сўроқ қилишда иштирок этишини таъминлайди. Бунда гумон қилинувчи қўйилган гумонни рад этиш мақсадида ўзини ҳимоя қилиш масалалари бўйича ҳимоячи билан ёлғиз гаплашиш ҳуқуқига эга.

Гумон қилинувчи суриштирувчи ёки терговчига аниқ бир ҳимоячи кераклигини шахсан айтиши мумкин ёхуд суриштирувчи ёки терговчи унга ҳимоячини таъминлаши керак. Бунда гумон қилинувчи

билан тегишли адвокатлик фирмаси берадиган ордер асосида битим тузилади. Агар гумон қилинувчининг илтимосига кўра ёхуд унинг розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф қилинмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан белгиланадиган адвокатлик тузилмаси раҳбари суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ҳимоячи тайинлаш тўғрисидаги қарори ёки суднинг ажримига биноан қарор ёхуд ажрим Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармасига келиб тушган пайтдан эътиборан, тўрт соатдан кечиктирмай жинойт иши бўйича ҳимоячининг иштирокини таъминлаши шарт

Суриштирувчи ёки терговчи ҳимоячининг ҳузурида гумон қилинувчига у қайси жинойтни содир этганликда гумон қилинаётганлигини эълон қилади ва уни сўроқ қилади. Сўроқдан сўнг гумон қилинувчи тегишли сўроқ баённомасини имзолагач, вақтинчалик сақлаш ҳибсхонасига киритиб қўйилади ва ушланган пайтдан бошлаб 72 соат мобайнида терговчи гумон қилинувчига айб қўйиш учун унинг содир этилган жинойтга алоқадорлигини кўрсатувчи ишончли далилларни аниқлаши шарт.

Гумон қилинувчи ишда ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи субъект сифатида иштирок этади. Унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ЖПКнинг 48-моддасида белгиланган. Унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари жуда кенг. Биз ундан исботлаш жараёнига тааллуқли бўлганига тўхталиб ўтамиз. Гумон қилинувчининг ўзига қўйилган гумон юзасидан ва ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатув ва тушунтиришлар бериш ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун терговни олиб боровчи шахслар, суд унга гумон, гумоннинг моҳиятини тушунтириб беришга, уни қонунда кўрсатилган муддатда сўроқ қилишга мажбур.

Гумон қилинувчи, айбланувчи билан бир қаторда турли масалалар (ишни тугатиш, қўшимча далиллар талаб қилиш, қўшимча тергов ҳаракатлари юритиш, ҳимоячи иштироки тўғрисида ва ҳ.к.) бўйича илтимоснома беришга ҳақли. Илтимосномалар дастлабки тергов давомида берилиши мумкин. Исботлаш жараёнида бу субъектлар бузилган ҳуқуқларини юқорида кўрсатилган ҳуқуқлари-илтимосномалар, шикоятлар бериш орқали тиклайдилар, лекин бу қонун бузилишларини мустақил равишда бартараф этиш имкониятига эга эмаслар.

Далиллар тақдим қилиш ҳуқуқи нафақат кўрсатувлар бериш, ашёвий далиллар ва ҳужжатлар тақдим қилиш, балки тергов ҳаракат-

ларини юритишда шахсан иштирок этиш имкони орқали у ёки бу далилни талаб қилиб олиш тўғрисида илтимоснома бериш йўли билан амалга оширилади.

Ҳимоячига берилган қонуний ҳуқуқлар ҳажми ўз ҳимояси остидаги шахсникига қараганда бирмунча кенгроқ. ЖПКнинг 53-моддасига кўра, ҳимоячи далиллар тақдим этиш билан бирга турли ташкилотлар, муассаса ва корхоналардан турли ҳужжатларни сўраб олиш, экспертлар, мутахассислар, гувоҳларга саволлар беришга ҳам ҳақли. Бундан келиб чиқадики, агар гумон қилинувчи ҳимоячига эга бўлмаса, унинг далилларни тўплашдаги имкониятлари чекланади.

Жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳаракатининг аҳамияти процесда янги иштирокчиларнинг пайдо бўлиши; шу пайтдан бошлаб ҳимоячининг иштирок этишига йўл қўйилиши; жиноят иши бўйича текширув предметининг аниқланишида намоён бўлади.

Жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш пайтига келиб исботлаш предметини ташкил қилувчи ҳолатларнинг ҳаммасини аниқлаш талаб этилмайди. Бу терговнинг турли босқичларида қарор қабул қилиш учун зарур бўлган фактлар доираси турлича бўлиши ҳақидаги қоидадан келиб чиқади.

ЖПКнинг 360-моддасига кўра жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш пайтига келиб қуйидагилар аниқланиши талаб этилади:

а) жиноят ҳодисаси (у содир этилган вақт, жой, усул);

б) жиноятни ушбу шахс содир этганлиги тўғрисида гумон қилиш учун асос (ЖПК 221-м.);

Жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш чоғида ҳал қилиниши керак бўлган асосий масалалардан бири шахснинг гумон қилишга етарли асос бўлганлигини ишончли ва тўлиқ аниқлашдир. Жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этиш пайтида терговчининг айбдорлик ҳақидаги ишончли хулосаси бўлмайди ва тўла-тўқис деб ҳисобланиши мумкин эмас. Бу ўринда гап миш-мишлар ва тахминларга эмас, балки фактларга асосланган эҳтимоллик ҳақида боради, зеро қарор бу ҳолда далилларнинг тўлиқ бўлмаган мажмуига асосланади. Ишончли хулосага фақат далиллар етарли бўлгандагина келинади ва гумон қилинувчи айбланувчига айланиши мумкин. Аммо ишончли хулоса ҳақидаги концепция амалиётда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ноҳолислигига

олиб келиши ва гумон қилинувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи жиддий чекланишига сабаб бўлиши мумкин.

Терговчи жинойт ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этиш ҳақида қарор чиқарар экан, тўплаган далиллари зиддиятсиз эканлигига ҳамда гумон қилинувчи тариқасида жалб қилиш учун етарли асос бўлганлиги тўғрисида хулосага олиб келишига, уни истисно қилувчи бошқа ҳолатларнинг йўқлигига ишончи комил бўлиши керак. Айни пайтда терговчи етарли бўлмаган далилларга асосланган гумондорлик ҳақидаги хулосасини ишончли ва охириги хулоса деб ҳисоблаш мумкин эмаслиги, янги далиллар олиш ва текшириш қўйилган гумонни муайян даражада ўзгартириши мумкинлигини англаши керак.

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш – кечиктириб бўлмас тергов ҳаракати бўлиб, уни тактик жиҳатдан ўтказиш хусусиятларини белгилаб беради. *Биринчидан*, гумон қилинувчини сўроқ қилиш учун қонунга асосан 24 соат белгиланган. *Иккинчидан*, терговчида сўроқни бошлашдан аввал аниқланган ва тегишли тартибда тўпланган далиллар йиғиндиси бўлиши керак ва уларга асосланиб терговчи мазкур шахсни жинойт содир этганлиги бўйича гумон қилиши учун асосларга эга бўлади. *Учинчидан*, гумон қилинувчининг шахси амалий жиҳатдан ўрганилган бўлиши керак.

Шунинг учун терговчи процессуал қонуннинг сўроқ қилиш тартибига оид талабларини сўзсиз бажариши лозим. Бунда у гумон қилинувчига унинг қандай жинойт содир этишда гумон қилинаётганини эълон қилади (шахсни гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор билан таништиради), ЖПКнинг 48-моддасида назарда тутилган процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради ва сўроқ қилинувчи уни имзолайди. Шундан сўнг гумон қилинувчига гумон билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисида гапириб беришни таклиф қилади.

Агар гумон қилинувчи кўрсатув беришдан воз кечса, у ҳолда терговчи гумон қилинувчидан унинг нима учун кўрсатув беришни истамаётганлиги ва унинг сабабини аниқлаши керак ва унга дастлабки терговда юзага келган гумонга қарши қонуний ҳимояланишдан воз кечаётганлигини тушунтириб, шу шахсга кўрсатув беришига даъват қилиши керак. Агар терговчида шубҳа уйғотмайдиган ишончли далиллар бўлса ва улар асосида гумон ҳам асосланган таърифга эга бўлса, терговчи ушбу далилларни гумон қилинувчига тўлиқ ҳажмда

ёки қисман кўрсатиши ҳамда гумон қилинувчидан шу далилларга нисбатан қандай фикрга эгалиги тўғрисида сўраши мумкин.

Агар гумон қилинувчи содир этилган жиноятга дахли йўқлигини таъкидласа, бу ҳолда терговчи ишонтириш усуллари кўллаб уни тўғри кўрсатувлар беришга ундаши керак. Гумон қилинувчининг шахсини инобатга олган ҳолда терговчи қўйидаги усуллардан фойдаланиши мумкин:

– гумон қилинувчига унинг кўрсатувларини ишга тўғри келмаслигини таъкидлаб, ҳақиқатни гапириб беришни тавсия қилиш;

– чин кўнгилдан айбини бўйнига олиши белгиланган жавобгарлик ва унинг ҳуқуқий оқибатлари енгилроқ бўлишини тушунтириши;

– сўроқ қилинувчига иш бўйича тўлдирувчи ва аниқлаштирувчи саволларни бериш;

– сўроқ қилинувчига жиноятга алоқадор бирор-бир объектни намойиш қилиши (масалан, газета билан ёпилган ва ҳодиса содир бўлган жойдан олинган ашёвий далилни тасодифий равишда сўроқ қилинувчига кўрсатиб қўйиши);

– гумон қилинувчига унинг кўрсатувларидан ташқари иш бўйича тўпланган ва унинг жиноятга алоқадорлигини бевосита тасдиқлайдиган далиллар мавжудлигини тушунтириши (масалан, эксперт хулосасини таништириш ва ҳоказо);

– терговчи ўз ихтиёрида далилларнинг ҳажми катталиги тўғрисида гумон қилинувчида тасаввур ҳосил қилиши лозим.

Далилларни тақдим этишдан аввал терговчи гумон қилинувчини ушбу далиллар билан боғлиқ бўлган ҳолатлар тўғрисида сўроқ қилиши шарт. Бундай қоида гумон қилинувчини келажакда ўз айбини яшириш учун тақдим этилган далилларнинг номақбуллиги тўғрисидаги даъволарининг олдини олиш учун керак.

Гумон қилинувчига уни фош этувчи кўрсатувларни келтиришдан аввал уни гувоҳ билан ўзаро муносабатини аниқлаш керак. Далиллар ҳар хил кетма-кетликда тақдим этилади. Одатда далиллар улар далилий аҳамиятининг ўсиб бориши бўйича тақдим этилади. Бу усул гумон қилинувчи томонидан жиноятга алоқадорлигини инкор этишда самарали ёрдам беради. Баъзи ҳолларда гумон қилинувчининг ҳаққоний кўрсатувлар бериши учун унга иш бўйича катта айблов аҳамиятга эга бўлган далилни тақдим этиш мумкин.

Хулоса ўрнида гумон қилинувчини самарали сўроқ қилишда қўйидаги бир қатор тактик масалаларни ҳал қилиш лозим:

сўроқ предметини аниқлаш;
сўроқ қилинувчининг шахсини аниқлаш;
сўроқ қилишнинг тахминий режасини тузиш;
сўроқнинг бошқа қатнашчиларини белгилаб, уларнинг иштирок этишини таъминлаш;

сўроқ қилиш вақти ва жойини белгилаш;
сўроқ жараёнида иш бўйича зарур ашёвий далилларни, иш материалларини тайёрлаб қўйиш;

сўроқни қайд этиш мақсадида зарур овоз ва видеоёзув воситаларини тайёрлаб қўйиш ҳамда тегишли мутахассисларни таклиф этиш.

Шунингдек, гумон қилинувчини сўроқ қилиш дастлабки ва кейинги тергов ҳаракатида ҳам бўлиши мумкин. Агар гумонланувчи терроризм жинояти содир бўлган жойда ёки узоқ бўлмаган жойда ушланса ёхуд уни айбдор шахс сифатида тўғридан-тўғри кўрсатишга уни ушлагандан кейин дарҳол сўроқ қилиш зарур. Сўроқ давомида қуйидагиларни аниқлаш лозим:

- унинг ўтмиши ва бошқа шахслар билан алоқалари;
- у жиноятдан олдин ва жиноят содир бўлган вақтда воқеа содир бўлган жойда бўлганми;
- агар бўлмаган бўлса жиноят вақтида қаерда бўлган;
- унинг алиби (важи, баҳоланиши)сини ким тасдиқлаши мумкин;
- воқеа содир бўлган жойда нима учун бўлган;
- агар гумонланувчи жиноят содир қилган бўлса, мотивлари (ҳис-туйғу ундови) қандай?
- у нима учун жиноят содир бўлган жойда эди;
- у ерда нима қилган;
- унинг кўрсатмаларини ким тасдиқлайди;
- буни ким тасдиқлаши мумкин;

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш давомида жиноятни содир этиш мотивлари тўғрисидаги тусмолларни ҳисобга олиш лозим. Сўроқ вақтида гумон қилинувчига терговчи тасарруфидаги барча далилий ашёларни тақдим этиш мақсадга мувофиқдир.

Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларини тергов қилишда гумон қилинувчи ва айбланувчиларни сўроқ қилиш жараёни видеотасвирга олинади. Бу эса терговчига кейинчалик яна бир бор қайта кўриб, таҳлил қилиб чиқиш имконини беради.

3§ Шахсга айб эълон қилиш ва сўроқ қилишнинг хусусиятлари. Эҳтиёт чораларини қўллаш хусусиятлари

Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш терговчининг тўпланган далиллар мажмуидан келиб чиқиб, бу тўғрисида қарор чиқаришдан, ушбу қарорни айбланувчига тақдим этиб, айти пайтда унга тегишли ҳуқуқларини тушунтириб беришдан келиб чиқувчи айбловни ифодалашдир.

Амалдаги ЖПКнинг 360–361-моддаларига мувофиқ жиноят иши бўйича муайян шахснинг шу жиноятни содир этганлиги тўғрисида етарли далиллар тўплангандан сўнг, терговчи шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида қарор чиқаради. Ушбу процессуал ҳужжат билан шахсга айб эълон қилиниши жараёни бошланади.

Шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор уч қисмдан иборат бўлади:

1. *Кириш* қисми. Унда қарорнинг номи, чиқарилган вақти ва жойи, уни чиқарган ваколатли мансабдор шахснинг лавозими, махсус унвони, фамилияси, исми, отасининг исми, жиноят ишининг тартиб рақами кўрсатилади.

2. *Тавсиф-асослантириш* қисмида қуйидагилар акс эттирилади: айбловнинг мазмуни, яъни шахснинг зиммасига қўйилаётган жиноят ҳодисаси, у содир этилган жой, вақт ва бошқа муҳим ҳолатлар баёни;

айбланувчи тариқасида жалб этилаётган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган куни, оғи ва йили;

Жиноят кодексининг ушбу жиноятни назарда тутган моддаси, қисми, банди акс эттирилиши лозим.

Шахс жиноят кодексининг турли моддалари, қисмлари ёки бандларида назарда тутилган бир неча жиноятни содир этишда айбланганида, бу жиноятлардан ҳар бирининг моҳияти ва юридик тавсифи алоҳида кўрсатилиши лозим.

3. *Хулоса* қисмида мазкур шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида тўхтамга келинганлиги ифодаланиши лозим (ЖПК 361-м.).

Жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш натижасида жиноят ишида марказий иштирокчи – гумон қилинувчи ва айбланувчи пайдо бўлади.

Дастлабки терговнинг бутун тизими уч босқичга бўлинади. Улар:

1) жиноят иши қўзғатишдан бошлаб жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишгача;

2) жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишдан бошлаб, далиллар тўплашни тугатиш ҳақида қарор қабул қилингунча;

3) жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилгандан кейин дастлабки терговни яқунлаш. Бунгача кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари ва тезкор қидирув тадбирлари ўтказилади.

Жиноий жавобгарликка тортиш ҳолати шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида қарор чиқарилишидан бошланади.

Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳаракатининг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

1) процесда янги иштирокчиларнинг пайдо бўлиши;

2) шу пайтдан бошлаб ҳимоячининг иштирок этишига йўл қўйилиши;

3) жиноят иши бўйича текширув предметининг аниқланиши;

4) жавобгарлик муддатини ҳисоблаш учун охириги нуқта бўлиб хизмат қилиши.

Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга ўз вақтида жалб қилишнинг зарурлиги ЖПКнинг 361-моддасида белгиланган бўлиб, унга асосан терговчи дарҳол қарор чиқаради. Ушбу процесуал ҳаракатни кечиктириб юборилишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Айбловнинг ўз вақтида қўйилишини идоравий назорат ва прокурор назорати таъминлаши керак.

Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш асосларини жиноий жавобгарлик асосларидан фарқлаш керак, улар бир хил эмас (жиноят ҳодисаси, шахснинг айбдорлиги), аммо мазмунан алоқадордир. Бу алоқа жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишнинг жиноий жавобгарлик белгилашда бошланғич нуқта эканлигида намоён бўлади.

Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш асослари шахснинг жиноят содир этганлигини кўрсатувчи етарли далиллар мажмуидир.

Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишга етарли бўлган далиллар мажмуини аниқлаш учун қуйидаги икки ҳолатни аниқлаш лозим:

1) айб қўйилгунига қадар қайси фактлар аниқланиши керак, яъни нимани аниқлаш кераклиги;

2) терговчининг (суриштирув ходимининг) ушбу фактлар мавжудлиги ҳақидаги хулосаси қанчалик даражада ишончли бўлиши кераклиги талаб этилади.

Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш пайтига келиб исботлаш предметини ташкил қилувчи ҳолатларнинг ҳаммасини аниқлаш талаб этилмайди. Бу терговнинг турли босқичларда қарор қабул қилиш учун зарур бўлган фактлар доираси турлича бўлиши ҳақидаги қоидадан келиб чиқади.

ЖПКнинг 360 ва 361-моддаларини қиёсий таҳлил қилишнинг кўрсатишича, жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш пайтига келиб қуйидагилар аниқланиши талаб этилади:

а) жиноят ҳодисаси (у содир этилган вақт, жой, усул);

б) жиноятни ушбу шахс содир этганлиги;

в) ушбу шахснинг мазкур жиноятни содир этганликда айбдорлиги, яъни исботлашнинг дастлабки икки элементини аниқлаш талаб этилади, холос (ЖПК 82-м. 1, 2-б.). Бошқа элементларни аниқлаш (ЖПК 82-м. 3, 4, 5-б.) – терговнинг кейинги вазифасига киради.

Ушбу ҳолатлар орасида жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатадиган ҳоллар, яъни айб шакли, судланганлик, такрорийлик, зарар миқдори кабилар бундан мустасно.

Сўроқ қилиш – шахснинг олдига бўлиб ўтган воқеани хотирада тиклаш ва ахборотни оғзаки шаклда бериш вазифасини қўйиб, ундан жиноят ишининг муҳим ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни олишдан иборат тергов ҳаракати. Айбланувчини сўроқ қилиш икки хил, яъни далиллар манбаи ва ҳимоя воситаси вазифаларини бажаради.

Айбланувчини сўроқ қилишнинг процессуал тартиби бир қатор элементлардан ташкил топади: сўроқ қилиш вақти, жойи, иштирокчилари, мазмуни ҳамда кўрсатувларни қайд этиш.

ЖПК 110-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, терговчи айбланувчини унга айб қўйилганидан сўнг дарҳол ёки бўйин товлаётган бўлса, айбланувчи ушланган, сўроқ қилиш учун чақирилган, қамоққа олинган ёки мажбурий келтирилганидан кейин 24 соатдан кечиктирмай сўроқ қилиши керак. Кечиктириб бўлмас ҳолат бўлмаса, шахснинг тунда сўроқ қилиш тақиқланади. Агар бу вақтда сўроқ қилиш имкони бўлмаса, кечиктириш сабаблари биринчи марта сўроқ қилиш баённомасида кўрсатилади. Айбланувчи дастлабки тергов ўтказиладиган

жойда сўроқ қилинади. Терговчи агар зарур деб топса, айбланувчи касал бўлса, у даволанаётган жойда сўроқ қилиши мумкин. Терговчи, суриштирувчи сўроқ қилиш учун зарур бўлган иштирокчилар – қонуний вакил, педагог, таржимон, химоячини таклиф қилиш учун олдиндан ҳаракат қилиши керак.

Терговчи айбланувчини биринчи марта сўроқ қилишдан олдин унинг айбловга муносабатини, яъни ўзини айбли ҳисоблаши-ҳисобламаслигини ёки ўз айбини тўла ёхуд қисман рад этиши ёки этмаслигини аниқлаши шарт (ЖПК 111-м.). Ушбу масала ҳал қилинганидан сўнг айбланувчига қўйилган айб юзасидан тушунтириш бериш таклиф қилинади. Терговчи айбланувчининг кўрсатувларини эшитади, баённомага ёзиб боради, зарур ҳолларда саволлар беради.

Айбланувчини сўроқ қилишнинг умумий қоидалари ЖПК 109—113-моддаларида қайд этилган ва унга асосан терговчи айбланувчига уни айбланувчи тариқасида жинойий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор билан таништирганидан сўнг зудлик билан (айб эълон қилингандан кейин) сўроқ қилиши тақозо этилади. Агар қандайдир сабабларга кўра бундай ҳаракатларни амалга ошириш қийин бўлса, терговчи тарафидан бу тўғрида баённома расмийлаштирилади. Айбланувчини сўроқ қилиш айб эълон қилиш қарорнинг чегаралари билан белгиланган.

Тактик жиҳатдан айбланувчидан ҳақиқий кўрсатувлар олиш жуда муҳимдир. Чунки улар воқеа тўғрисида аниқ манбага эга бўлиб, жиноятларнинг сабаби, айбланувчини тасдиқлайдиган шахсларини топиш, бошқа далилларни келтиришга имкон яратиб, терговчига номаълум бўлган вазиятларни аниқлашга ёрдам беради.

Айбланувчини сўроқ қилишга тайёргарлик кўриш ва сўроқ қилиш маълум хусусиятларга эгадир. Айбланувчи авваламбор гумонланувчи сифатида дастлаб шу терговчи томонидан сўроқ қилинган бўлиши мумкин. Бир тарафдан бу сўроққа тайёр бўлишга ёрдам беради, бошқа тарафдан эса сўроқни ўтказиш маълум бир мураккабликка дуч келади, негаки терговчи аввал ишлатган далилларни айбланувчига такроран кўрсатади (гумон қилинувчи бўлганида бу далиллар илк бор кўрсатилган эди). Шунинг учун аввал гумон қилинувчи билан ўтказилган барча сўроқлардаги кўрсатувлар яхши таҳлил этилиши керак ва бўлажак сўроқнинг тактикасини шакл-лантириш лозим.

Айбланувчини сўроқ қилиш уни айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор бўйича ўз айбига иқроп бўлиши тўғрисидаги савол билан бошлайди ва шундан сўнг айбноманинг мазмуни бўйича кўрсатув бериш тавсия этилади. Ушбу саволга қандай жавоб беришига асосан уни сўроқ қилишнинг тактикаси белгиланади. Айбланувчини унга эълон қилинган айбномага бўлган муносабати ва берган кўрсатувларнинг воқеликка тўғрилиги бўйича унинг сўроқни ўтказганда терговчи бешта асосий типик ҳолатга дуч келиши мумкин.

1) агар айбланувчи ўзи содир этган жиноятда айбига тўла иқроп бўлиб, воқеа тўғрисида тўғри ва объектив кўрсатувлар берса ва бу ахборот иш материалларидаги фактлар билан мутаносиб бўлса, маъқул тергов ҳолати ҳисобланади.

2) айбланувчи ўзини айбдор ҳисоблаб кўрсатув беради, аммо унинг кўрсатувларида жиноят иши материаллари билан қарама-қарши маълумотлар бўлади.

3) айбланувчи ўзини қисман айбдор деб иқроп бўлади ва иш бўйича йиғилган материалларга қараганда қарама-қарши маълумотларни ўз кўрсатувларида баён этади.

4) айбланувчи ўзини айбдор ҳисобламайди ва сабабини тушунтиради.

5) айбланувчи ўзини айбдор ҳисобламайди ва кўрсатув беришдан бош тортади.

Агар айбланувчи ўз айбига тўла иқроп бўлса, терговчи ундан янада оғирроқ жиноят содир этганлиги учун ва уни ошқора қилмаслик ниятида унга айб сифатида қўйилган бошқа жиноятларда тўла иқроп бўлганлиги бўйича савол беради. Айбланувчининг кўрсатувлари бошқа далиллар билан мустаҳкамлаши зарур.

Айбланувчини сўроқ қилганда энг натижали сўроқ қилиш услуби унинг берган кўрсатувларини майдалаштириш (детализация қилиш)-дан иборатдир. Бу усул айбланувчининг содир этган жиноятини босқичма-босқич қандай бўлганлигини назорат қилиб боришга имкон беради ва унинг ҳаракатлари мантиққа тўғрилигини текширишга ёрдам беради. Бундай сўроқда иш бўйича исботланиши лозим бўлган ва ишга катта таъсир кўрсатувчи ҳолларни ўтказиб юбориш мумкин бўлмайди ва терговчини алдаш ҳолларни яққол кўринади. Кўрсатувларни майдалаштирганда жиноятда қатнашган, унга гиж-гижлатган ва жиноят тўғрисида хабар бермаган шахсларни аниқлаш осонла-

шади. Бундан ташқари, ўғирланган мулк қаерда яширилганини, янги далилларни топишда айбланувчининг кўрсатувларини тасдиқловчи маълумотларни аниқлаш мумкин.

Айбланувчини сўроқ қилишда ишлатиладиган бошқа тактик усул уни қайта сўроқ усули бўлиб айбланувчининг кўрсатувларини текширишда ёрдам беради. Айбланувчини аввал берган кўрсатувлари бўйича қайта сўроқ қилинади. Қайта сўроқдаги деталлаштириш, яъни кўрсатувларни майдалаштириш усулини сўроқ қилинувчи биринчи берган кўрсатувлари билан солиштирганда, қарама-қаршиликни аниқлаш мумкин. Айбланувчини сўроқ қилганда, агар у ҳаққоний кўрсатувларни бермаса, уни чалғитадиган фикрлар билан овора қилиш лозим, яъни унинг аввал судланганлиги ва жазони қаерда ўтаганлиги, қаерда яшаганлиги ва ишлаганлиги тўғрисида сўраш, унга иш бўйича мавжуд алоҳида далилларни тақдим этиш йўли билан ҳаққоний кўрсатув беришга ундаш лозим.

Сўроқ қилинувчининг муносабати терговчига нисбатан салбий тарафга ўзгариши жуда мураккаб руҳий жараён дир. Бу даставвал унинг умумий ҳаяжонланиши ва ишончсизлигида, кейин эса ҳақиқатни ошкор қилиш учун эҳтиёткорликни намойиш қилишида кўринади. Одатга кўра айбланувчининг бир-бирига қарши бўлган фикрлари ҳақиқатни терговчига ошкор этиш кераклиги ёки мумкин эмаслиги ҳолатини шакллантиради.

Айбланувчини фош қилиш учун (агар айбига иқроп бўлмаса) иш бўйича аниқланган далилларни ишлатиш мумкин. Тергов амалиётида айбланувчига шундай далилларни тақдим этишнинг иккита йўли бор, авваламбор арзимас фактлардан бошлаб, кейинроқ маълум ва катта аҳамиятга эга бўлган далиллар тақдим этилади ёки бирданига айбланувчига катта исбот кучига эга бўлган далиллар тақдим этилади.

Агарда ягона бир усул муваффақиятга эришиш учун етишмаса, у ҳолда, бошқа янги далилларни ишлатишга тўғри келади, аммо сўроқни тамом қилиш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Шубҳани асословчи билвосита исботлар кучли бўлса, ҳар бир шунақа далилни терговчи айбланувчига алоҳида кўрсатиб, ҳар бири бўйича батафсил кўрсатувлар олиши зарур. Шубҳани асословчи билвосита далиллар кучи етарли бўлмаса, уларнинг барчасини йиғиш керак. Йиғилган шаклда уларни айбланувчига кўрсатиш ижобий натижалар беради. (Агар йиғилган далиллар айбланувчи томонидан ҳар қандай йўллар билан яшириш жиноятнинг ҳолатларини очик тарзда ошкор қилса).

Агар айбланувчи ҳақиқий кўрсатувлар беришни истамаса, унга у ёки бу далилнинг ёки эксперт хулосасини ва далилий ашёларнинг аҳамиятини тушунтириш зарур. Бир қатор ҳолларда айбланувчи ўз айбига иқрор бўлиши учун вақт керак бўлади.

Жиноят иши бўйича бир неча айбланувчилар ўтадиган бўлса ва ҳеч бири ўз айбига иқрор бўлмаса, аммо жиноят ишида уларнинг айбини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлса, қуйидаги тактик усулни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Жиноий гуруҳнинг бирор-бир аъзосидан иккинчи даражали факт бўйича ҳақиқий кўрсатув олинади. Шундан сўнг юзлаштиришда жиноий гуруҳнинг бошқа қатнашчиси билан бу фактни такрорлаш тавсия этилади. Шунга асосан, иккинчи жиноят гуруҳи қатнашчисининг хоҳлаган мувозанат ҳолга келтирилиб, ундан ҳақиқий кўрсатувлар олиш имконияти пайдо бўлади.

Ўз айбига иқрор бўлмайдиган айбланувчига унинг ҳаракатлари салбий оқибатларга олиб келиши тушунтирилади. Масалан, ўғирланган мулк қайтарилмаса, унинг мулки хатланиши лозим бўлиб, унга қарши фуқаровий даъво тақдим этилади. Баъзан бу ҳаракатлар айбланувчини ҳақиқий кўрсатув беришга мажбур этади.

Айбланувчи терговчи билан ўта зиддиятли ҳолатга тушган бўлса, уни фош қилиш, юзлаштириш ва унинг айбини тасдиқловчи бошқа далилларни кўрсатиш билан амалга оширилади. Баъзи ҳолларда айбланувчи ўз айбига иқрор бўлмасдан, юзлаштиришда ҳам ҳақиқий кўрсатув бермайди (лекин руҳий томондан бунга тайёр бўлса ҳам). Бундай ҳолларда юзлаштиришдан сўнг унинг ўзини сўроқ қилиш лозим.

Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларни содир этган гумон қилинувчи ва айбланувчиларга нисбатан эҳтиёт чораларини қўллашдан мақсад уларни келгуси жиноий фаолиятига чек қўйиш, дастлабки терговдан бўйин товлашини олдини олиш ва суд ҳукмини ижросини таъминлашдан иборат.

Шунингдек, терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларни содир этган гумон қилинувчи ва айбланувчиларга нисбатан эҳтиёт чораларини қўллаш дастлабки терговни самарали кечишини, фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларига жиддий путур етказилишини олдини олиш, натижада одил судлов қарор топишини кафолати сифатида намоён бўлади.

Айбланувчи Жиноят кодекси 15-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган жиноятнинг хавфлилиги туфайли у суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яшириниши мум-

кин деган ўринли тахмин ҳам қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асос бўлиши мумкин. Эҳтиёт чораларидан қайси бирини қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ЖПКнинг 236-моддасида назарда тутилган асослардан ташқари, қўйилган айбнинг оғирлигини, айбланувчининг шахсини, машғулот турини, ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи ва бошқа ҳолатларни ҳам ҳисобга олади (ЖПК 238-м.). Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларда асосан қамоқ тарзидаги эҳтиёт чораси айрим ҳолатларда эса ЖПКнинг 238-моддасига мувофиқ бошқа эҳтиёт чораси ҳам қўлланилиши мумкин.

Назорат учун саволлар:

1. Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш ва уларнинг жиноятга алоқадорлигини текшириш хусусиятлари;

2. Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятга алоқадор шахсларни гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ва уларни сўроқ қилишнинг хусусиятлари.

3. Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноят ишларида шахсга айб эълон қилиш ва сўроқ қилишнинг хусусиятлари.

4. Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноят ишларида гумон қилинувчи ва айбланувчига эҳтиёт чораларини қўллаш хусусиятлари.

5-мавзу: ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА КЕЛГУСИ ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

1§ Терроризм ва экстремизм жиноятларини тергов қилишда ўтказиладиган келгуси тергов ҳаракатлари мазмуни ва тизими

Тергов жараёнининг кейинги босқичи дастлабки тергов давомида амалга оширилган тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув чоралари натижасига боғлиқ. Сўроқни жиноят ҳодисасини кўрган, эшитган ва муҳим маълумотларни бериши мумкин бўлган гувоҳлардан бошлаш керак. Тезкор-қидирув чоралари ёрдамида аниқланган гумон қилинувчилар ушланиб, тегишли муддатларда сўроқ қилиниши ва уларнинг кўрсатувлари текширилиши лозим.

Кўздан кечириш натижасида топилган ашёвий далиллар, жиноят қуроллари, турли излар юзасидан криминалистик экспертизанинг алоҳида турлари ўтказилади. Жумладан, терроризм ва экстремизм натижасида шахсларга етказилган тан жароҳатлари бўйича унинг даражасини аниқлаш учун суд-тиббий экспертиза, шунингдек ўлимнинг сабабларини аниқлаш учун суд-тиббий экспертизалар, агар жиноят ўқ-отар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари ёрдамида содир этилган бўлса қурол ва унинг қисмлари юзасидан баллистик идентификациявий текширув ва совуқ қуролларнинг экспертизаси ўтказилади. Портловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари бўйича кимёвий, баллистик ҳамда портлаш-техник экспертизалари ҳам ўтказилади.

Жиноят содир бўлган жойда, жабрланувчининг ва ишда гумон қилинувчининг танаси кийимида турли модда ва микрозарралар топилиши мумкин, хусусан жиноятчи пойафзалининг тагчармида ҳодиса жойидаги тупроқ ва турли биологик заррачалар, жабрланувчи кийимининг устки қисмида жиноятчининг эгидан микрозаррачалар ўтиш ҳоллари амалиётда кўп учраб туради. Бу микрозарраларни текшириш натижасида материал, модда ва маҳсулотларнинг қайси гуруҳга мансублиги, баъзида эса айнанлиги аниқланади.

Келтирилган маълумотлар гумон қилинувчининг жиноят содир бўлган вақтда «мен бошқа жойда эдим, умуман ҳодиса жойида бўлмаганман», – деган важининг ёлғонлигини фош этиб, аксинча ҳолатни тасдиқлашга имкон беради.

Тергов жараёнида олинган хабарлар, турли экспертиза хулосалари, эксперимент натижаларида янги ҳолатлар маълум бўлиши мумкин. Бу вазиятлар ва ҳолатларни ҳал қилиш учун баъзида турли экспертиза текширувидан қайта ўтказиш ҳаракатлари ҳам амалга оширилади.

Терговнинг бу босқичида айбланувчини сўроқ қилиш зарур бўлади. Сўроқ ўтказиш учун иш юзасидан йиғилган далиллар, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертиза хулосалари ва бошқа маълумотлар яна бир бор таҳлил этилиб, улар ўзаро бир-бирлари билан боғлиқми, орасида зиддиятлик вазиятлар йўқми текширилиб, айбланувчини сўроқ қилиш давомида уни ёлғон кўрсатма беришига қарши қўлланилиши мумкин.

Айбланувчининг ёлғон кўрсатмасини текшириш ва ҳақиқатни исботлаш учун уни таниб олишга кўрсатиш, айрим берган маълумотлари асосида тергов эксперименти ўтказиш, юзлаштириш билан амалга оширилади. Шунингдек, айбланувчининг кўрсатмаларини ҳодиса ва жиноят жойида қайта текшириш билан ҳам тўғри-нотўғри эканлигини аниқлаб олиш мумкин бўлади.

Терроризм ва экстремизм жиноятини содир қилишда қўлланилган усуллар, алоҳида ўта раҳмсизлик ҳаракатлари, қуроли хусусияти юзасидан айбланган шахснинг ақли расолигини аниқлаш учун албатта суд-психиатрия текширувидан ўтказилиши лозим.

Жиноятда айбланганнинг ушланган жойида, яшаш манзилида зарур бўлганда тинтув ўтказиш мумкин. Тинтувнинг мақсади жиноят қуролини, изларини топишдан иборатдир.

Таниб олиш учун кўрсатиш, эксперимент, юзлаштириш ҳаракатларини ўтказишда криминалистик тактиканинг умумий қоида тартибига риоя қилган ҳолда амалга ошириш лозим. Айрим вазиятларни ҳал этишда ишнинг ўзига хослик томонларини назарда тутиб у ёки бу тактик қоидаларни қўллаш лозим.

Терговнинг сўнгги босқичида ўтказиладиган тергов ҳаракатларининг олдинма-кетин, баъзида такрор ўтказилиши, аниқланаётган ҳолатнинг хусусиятига боғлиқ бўлиб, ҳар хил вазиятни ҳал этиш терговчининг мутахассис сифатидаги савиясига ва ишдаги тажрибаси ва ижодий ёндашувига боғлиқ.

Терроризм ва экстремизм жиноятларини тергов қилишда терговнинг кейинги босқичи муҳим аҳамиятга эгадир. Терговнинг мазкур босқичида содир бўлган жиноятнинг барча элементлари аниқланиши, бунинг учун қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этмоқ зарур:

– терроризм ва экстремизм қилмишларини содир этган жиноятчининг шахсини аниқлаш;

– жабрланувчиларнинг шахсини аниқлаш;

– терроризм ва экстремизм жиноятларини содир этилишининг мақсади ва қасднинг мотивини аниқлаш;

– ушбу жиноий ҳаракатлар нимага қарши қаратилганлигини аниқлаш (яъни муайян лавозимда ишловчи шахсга нисбатан қаратилганми ёки унинг жамиятдаги мавжуд тузум ҳамда ҳудудий яхлитликни бузишга қаратилганми);

– жиноят одамда жиноий уюшмалар томонидан содир этилишини инобатга олган ҳолда, жиноий уюшма аъзолари ҳамда жиноятга алоқадор ёки дахлдор бўлган бошқа шахсларни суриштирув органлари билан ҳамкорликда аниқлаш;

– жиноят содир этган шахслар аниқланмаган ёки шахси аниқ бўлса-да, топилмаган бўлса, тезкор-қидирув тадбирларини қўллаб яширинган жойини аниқлаш ва уни қўлга олиш, жиноят қуролини топиш каби чоралар кўриш.

Терговни тўғри ташкил қилиш ва ҳаракатларни тегишли олдинма-кетин олиб бориш учун аниқланиши лозим барча ҳолатлар юзасидан тусмоллар ишлаб чиқиш, терговни режалаштириш, тезкор-қидирув ходимлари билан яқин ҳамкорликда бўлиш, терроризм ва экстремизмнинг мураккаб вазиятларини тергов қилишда тезкор-тергов гуруҳини ташкил қилиш билан олиб бориш зарур.

Терговнинг кейинги босқичларида тергов ходисалари кўп ҳолларда жиноят содир қилишда гумонланаётган шахсни аниқлашга, унинг айбини исботловчи далилий ашёлар тўплашга йўналтирилган бўлади. Терговчи характерининг рўйхати ва кетма-кетлиги терговнинг мазкур вақтидаги тергов ҳолати билан белгиланади.

Терроризм содир бўлган жойни кўздан кечириш, гувоҳларни ва жабрланувчиларни сўроқ қилиш давомида олинган маълумотларни таҳлили, экспертизасининг хулосаси билан танишиши тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда олинган маълумотларни ўрганиш терговчига жиноятни содир этишда гумонланаётган шахсни аниқлаш ва ушлаш имкониятини беради. Гувоҳлантиришда гумон қилинувчини танаси ва сочларидан жиноят изларини қидириб топиш зарур. Кийимларни ва оёқ кийимларни кўздан кечириш, гувоҳлантириш мутахассис, криминалист ва суд тиббиёти бўйича мутахассис иштирокида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Шунини эслатиш зарурки, Ўзбекис-

тон Республикаси ЖПКнинг моддасига мувофиқ терговчи гувоҳлантириш ўтказилганлиги тўғрисида қарор чиқаради. Гумон қилинувчини сўроқ қилиш тактикаси, терроризм жинояти содир бўлган объект, гумон қилинувчининг шу объектга ва тергов қилинаётган ҳодисага бўлган муносабати ва тергов қилинаётган ҳодисанинг бошқа ҳолатлари билан белгиланади.

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш дастлабки ва кейинги тергов ҳаракатида ҳам бўлиши мумкин. Агар гумонланувчи терроризм жинояти содир бўлган жойда ёки узок бўлмаган жойда ушланса ёхуд уни айбдор шахс сифатида тўғридан-тўғри кўрсатишга уни ушлагандан кейин дарҳол сўроқ қилиш зарур. Сўроқ давомида қуйидагиларни аниқлаш лозим:

- унинг ўтмиши ва бошқа шахслар билан алоқалари;
- у жиноятдан олдин ва жиноят содир бўлган вақтида воқеа содир бўлган жойда бўлганми;
- агар бўлмаган бўлса жиноят вақтида қаерда бўлган;
- унинг алиби (важи, баҳона)сини ким тасдиқлаши мумкин;
- воқеа содир бўлган жойда нима учун бўлган;
- агар гумонланувчи жиноят содир қилган бўлса , мотивлари (ҳис-туйғу ундови) қандай?
- у нима учун жиноят содир бўлган жойида бўлган;
- у ерда нима қилган;
- унинг кўрсатмаларини ким тасдиқлаши мумкин;
- буни ким тасдиқлаши мумкин;

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш давомида жиноятни содир этиш мотивлари тўғрисидаги тусмолларни ҳисобга олиш лозим. Сўроқ вақтида гумон қилинувчига терговчи тасарруфидаги барча далилий ашёларни тақдим этиш мақсадга мувофиқдир.

Кейинги тергов ҳаракатлари жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- гувоҳларни сўроқ қилиш;
- гувоҳлантириш;
- таниб олиш учун кўрсатиш;
- экспертизаларни тайинлаш;
- юзлаштириш;
- кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш;
- айбланувчини сўроқ қилиш ва шу каби тергов ҳаракатлари киради.

Террозим ва экстремизм жиноятлари бўйича шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги қарорни қабул қилишда терговчи тўпланган далиллар шахснинг айбини исботлаш учун етарли эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Шу билан бирга, терговчи тўлиқ ўз тасдиғини топмаган далилларга таянган ҳолда эълон қилинган айбловга ишониб қолмаслиги керак. Сабаби, жиноят иши бўйича ҳали тергов ҳаракатлари тўлиқ яқунланмаган бўлади ва бу жараёнда шахсни оқловчи далиллар ҳам топилиши мумкин.

Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш жараёнида қуйидаги муҳим ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- далиллар мажмуи;
- айбловнинг шакллантирилиши;
- қарор чиқарилиши;
- қарорнинг эълон қилиниши;
- ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушунтириш.

Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш натижасида жиноят процессининг марказий иштирокчиси – айбланувчи пайдо бўлади.

2§ Терроризм ва экстремизм жиноятларини тергов қилишда юзлаштириш ва кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатини ўтказиш хусусиятлари

Терроризм ва экстремизм жиноятларини тергов қилишда келгуси тергов ҳаракатларидан яна бири – бу кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатидир.

ЖПКнинг 132-моддасига асосан ушбу тергов ҳаракати гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, жабрланувчиларнинг кўрсатувларини текшириш уларни ҳодиса содир бўлган жойда ҳолатларни қайта тиклаш йўли билан текшириш мақсадида ўтказилади.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишдан мақсад: кўрсатувлари текширилаётган шахсга маълум, суриштирувчи, терговчи ва судга эса номаълум бўлган нарсалар, ҳужжатлар, излар ва белгиларни топиш; шахснинг тергов ёки суд муҳокамаси давомида топилган нарсалар, ҳужжатлар, излар қаерда бўлганлигини кўрсатиб бериши; бир неча шахснинг айни бир ҳодиса тўғрисида берган

кўрсатувларидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш учун ишда аҳамиятли бўлган жой ёки йўналишни шахс кўрсатиб бериши; ҳолатларни қайта тиклаш ва ҳодиса содир бўлган жойдаги шароит билан қиёслаш орқали кўрсатувларнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлашдан иборат.

Кўрсатуви текширилаётган шахс ҳодиса содир бўлган жойда бир вақтнинг ўзида кўрсатиш, кўздан кечириш ёки баъзи нарсаларни (ҳужжатларни, изларни ва ҳ.к.) олиш ёхуд муайян ҳаракатларни намойиш қилиш орқали тушунтириш беради ёки ўзининг аввал берган кўрсатувларига аниқлик киритади.

Ушбу тергов ҳаракати терроризм ва экстремизм жиноятларида ҳам кўпроқ учрайдиган тергов ҳаракатларидан бири ҳисобланади. Ушбу тергов ҳаракатларини ўтказишда қуйидагиларга аҳамият бериш лозим:

- шахснинг кўрсатувлари ҳодиса содир бўлган жойдаги ҳолатларга тўғрилигига ёки тўғри эмаслигига;

- психологик жиҳатдан ҳодиса содир бўлган жойдаги ҳолатларга қай даражада аҳамият беришига;

- терроризм ва экстремизм жиноятлари бўйича кўрсатувларни текшираётганда керакли мутахассисларнинг қатнашиши, уларни ишга алоқадор берилган саволларни баённомага ёзиши, шу билан биргаликда баъзи ишга алоқали бўлган фикрларни ҳам баённомага ёзишига ҳам аҳамият бериш лозимдир.

Терроризм ва экстремизм жиноятлари юзасидан ишларни кўришда гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг кўрсатувларидаги жиноят содир бўлган жойга мос келмайдиган ҳолатларнинг сабабини, гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг иштирокида яширилган ва ташлаб юборилган жиноят қуроли, қон доғлари бўлган кийим ва предметларни аниқлашда ўтказилади.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишнинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

- кўрсатувлари текширилаётган шахснинг терроризм ва экстремизм жиноятлари содир этишга тайёргарлик кўрган, жиноят қуролларини яширган ҳамда ушбу жиноятни бевосита содир этган жойини кўрсатиши;

- шахснинг кўрсатувларидаги ҳолатларни аниқлаштириш;

- кўрсатувлардаги ҳодиса содир бўлган жойдаги ҳаракатлар ҳолатини текшириш;

– терговчи томонидан воқеа содир бўлган жой гумон қилинувчи (айбланувчи) нинг маълумотлари асосида ўрганилади ва солиштирилади.

Мазкур тергов ҳаракатини ўтказишда кўнгилсиз ҳолатларнинг юз беришининг олдини олиш мақсадида ҳодиса содир бўлган жой ва унга бориш йўналиши, жой атрофидаги ҳудуд ҳолати, тергов ҳаракатини ўтказишнинг мақбул вақтини аниқлаш ва бир қатор ҳолатларни олдиндан мукамал режалаштириб олиш лозим.

Терроризм ва экстремизм жиноятлари бўйича ушбу тергов ҳаракатини ўтказишда терговчилар томонидан айбланувчиларнинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текширишда иштирокчилиكنинг мотиви (терговчининг хабардорлигини аниқлаш; изларни йўқ қилиш; озодликда бўлган иштирокчилар билан алоқа ўрнатиш, қочиб кетишини) ҳисобга олиниши зарур.

Воқеа жойига боришда ва кўрсатувларни текширишда айбланувчининг бегона шахслар, айниқса иштирокчилар билан мулоқот қилмаслик чорасини кўриш керак.

Воқеа жойига боришда ва кўрсатувларни текшириш давомида айбланувчининг ўзини тутишини кузатишда, унинг қочиб кетмаслиги, иштирокчини озод қилиш мақсадида тергов-тезкор гуруҳига ҳужум қилмаслиги учун бир нечта ички ишлар органлари ходимлари хизмат кийимида ва кинологнинг хизмат-қидирув ити билан иштирок этиши зарур.

Терроризм ва экстремизм жиноятлари бўйича кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишни ўтказиш тактикаси. Ушбу тергов ҳаракатига бошқа тергов ҳаракати каби сифатли тарзда тайёргарлик кўриш лозим бўлади. Ушбу тергов ҳаракати ҳам қуйидаги босқичлардан иборат:

- ушбу тергов ҳаракати ўтказишга тайёргарлик кўриш босқичи,
- ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш босқичи,
- ушбу тергов ҳаракати ни расмийлаштириш босқичи.

Терроризм ва экстремизм жиноятлари бўйича кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишга тайёргарлик кўриш:

- 1) кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойида текширишнинг мақсадини аниқлаш;
- 2) кўрсатувлари текширилаётган шахсни сўроқ қилиш (зарурат бўлса қўшимча сўроқ қилиш);
- 3) жиноят ишидаги тааллуқли материаллар билан тўла танишиш;

4) гумон қилинувчи ёки айбланувчининг кўрсатувлари ҳодиса жойида текширишга розилигини олиш ва берган розилигининг асл мотивларини аниқлаш;

5) кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш тадбирининг вақти ва жойини аниқлаш;

6) ушбу тергов ҳаракатининг ўтказиш жойини дастлабки ўрганиш ва таҳлил этиш;

7) кўрсатувларни ҳодиса жойида текширишнинг режасини тузиш;

8) ушбу тергов ҳаракатининг иштирокчиларини танлаш, уларга йўриқномалар бериш;

9) транспорт воситалари, бошқа турли техник воситаларни тайёрлаш лозим бўлганда ички ишлар ходимлар томонидан кўриқлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

Терроризм ва экстремизм жиноятлари бўйича кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ўтказиш тактикаси анча мураккаб бўлиб қуйидагилардан ташкил топади:

– кимнинг кўрсатуви текширилаётган бўлса, ўша шахсга тўлиқ ташаббус кўрсатиш учун имкон яратиш лозим;

– ҳар бир шахснинг кўрсатувларини алоҳида равишда, ҳолисларни ҳар гал ўзгартирилган ҳолда кўрсатувларни текшириш лозим;

– кимнинг кўрсатувларини текширилаётган бўлса, шу шахснинг ташаббуси билан айрим ҳаракатлар намоёнкорона тарзда ҳаракатларни кўрсатиб, сўзлаб бериш усулларида ҳам ўтказиш мумкин бўлади;

– шахсни кўрсатуви текширилаётган бўлса, ўша шахснинг ўзини қандай тутишини кузатиш лозим бўлади;

– шахсларни кўрсатувларини текшириш жараёнида видео-фототасвирлаш қўлланиши шартдир.

Амалиёт шуни кўрсатадики, ашаддий ва ўта хавфли жиноят содир қилган шахслар ушбу турдаги тергов ҳаракати ўтказиш пайтларида қочишга уринганлар, терговчилар буни эътиборга олиши шартдир.

Бундан ташқари терговчи иштирокчиларни ҳамма ҳуқуқларини тушунтириб беради. Ундан кейин терговчи кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби, ҳолатлари ва терговчи кимнинг кўрсатувлари текширилаётган бўлса, ўша шахснинг қайси маршрут бўйича ва тергов ҳаракатларига оид иштирокчиларга бориладиган жойни тушунтирилади. Кимнинг кўрса-

тувлари ҳодиса содир бўлган жойда текширилаётган бўлса, унинг баъзи кўрсатувлари жойида намоишкорона тарзда ҳаракатлар орқали кўрсатиб беришларига имконият яратиб беришни амалда қўллай билиш лозим ва бу ҳаракатлар тасвирга тушириб борилади.

Бундан ташқари терговчи бирор бир ҳолатни аниқлаш учун саволлар бериш ҳуқуқига эгаллиги ҳам тушунтирилади. Вазиятга қараб терговчи баъзи ҳаракатларни ёки сўзларни конкретлаштиришни сўрайди.

Айрим ҳолларда бирор ҳолатни қайта текшириш мумкин, такрорлашни илтимос қилиш ёки тўлиқроқ ҳикоя қилиш, ҳаракатларни кўрсатишни сўраш, имкониятига қараб вазиятларни эслатишни терговчи таклиф қилиши мумкин.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш усулларига оид бир қатор бошқа тактик тавсиялар ҳам алоҳида диққатга сазовордир:

1) кўрсатувлари текширилаётган шахс билан нормал психологик муносабат ўрнатиш; унинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш, шахсий ҳаётига оид айрим маълумотларни ошкор бўлмаслигини таъминлаш;

2) кўрсатувларни пухта текшириш учун қисқа танаффуслар, муҳим жойларда дам олиш, савол бериш ва батафсил ёзиб боришни ташкил этиш;

Терроризм ва экстремизм жиноятлари бўйича кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш қуйидаги ҳаракатлардан иборат:

– кўрсатув берган шахс текширилаётган ҳодисанинг шароит ва ҳолатини жойида тиклайди;

– жиноят иши учун аҳамиятга эга бўлган нарсаларни, ҳужжатларни, изларни қидириб топади ва кўрсатади;

– айрим ҳаракатларни намоиш қилади;

– текширилаётган ҳодисада у ёки бу нарсанинг қандай аҳамияти бўлганлигини кўрсатади;

– ҳодиса содир бўлган жойда шароитнинг ўзгарганлигига эътиборни қаратади;

– ўзининг аввалги кўрсатувларини аниқлаштиради ва уларга ойдинлик киритади.

Кўрсатувлари текширилаётган шахс ҳодиса содир бўлган жойда бир вақтнинг ўзида у томондан топилган нарсалар, ҳужжатлар ва бошқа предметларни кўздан кечириб олишга ҳам йўл қўйилади ва бу ҳақида баённомада қайд этилади.

Терроризм ва экстремизм жиноятлари бўйича юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш. Тергов амалиётида юзлаштириш илгари сўроқ қилинган икки шахсни бир-бирига юзлаштириб сўроқ қилишдир. Юзлаштириш икки гувоҳ, икки айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ ва айбланувчилар билан ўтказилади.

Терроризм ва экстремизм жиноятлари бўйича юзлаштиришнинг асосий вазифаси жабрланувчи, гувоҳларнинг, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг кўрсатувларидаги жиддий қарама-қаршиликларни ва бошқа келишмовчилик вазиятларни бартараф қилишдир. Кўрсатилган ҳолатлар юзлаштириш билан ҳал этиш имкони бўлмаса, экспертиза, таниб олишга тақдим этиш ва бошқа тергов ҳаракатлари орқали ҳал этилади ва юзлаштиришнинг ҳожати бўлмайди. Баъзи маълумотларнинг вақти, куни, соати каби ахборотни муассаса ёки тегишли хизматчилардан билиб олиш мумкин. Шунинг учун юзлаштиришни зарурият туғилсагина, ўтказиш керак. Бу тергов ҳаракатининг ютуғи шундан иборатки, юзлаштиришда иштирок этган шахслар сўроқ даврида берган нотўғри кўрсатувларини ўзгартириб, тўғри сўзлашлари мумкин. Шу билан бирга, улар ёдидан кўтарилган айрим фактларни эслашлари, ишга тегишли янги маълумотларни беришлари мумкин.

Баъзида юзлаштириш пайтида сўроқ қилинувчилардан бири илгари берган кўрсатуvidан бош тортиб уни ўзгартиради. Янги воқеани, фактларни ўйлаб чиқади. Шу билан сирини фож этади, яъни ёлғон кўрсатув берганлигини билдириб кўяди. Бундай гувоҳ ёки айбланувчи юзлаштиришдан сўнг қайта такроран сўроқ қилиниши мақсадга мувофиқ.

Юзлаштириш тартиби қуйидагича: юзлаштириб сўроқ қилинувчилар гувоҳлар бўлса, улар ёлғон жавоб бериш ва жавоб беришдан бош тортиши учун жинойий жавобгарлик ҳақида огоҳлантириладилар ва бу ҳақида баённомага имзо чекадилар. Шундан сўнг бир-бирларини таниши, қандай муносабатда эканлиги ҳақидаги жавоблари баённомага ёзилади.

Савол-жавоб ҳар қайсиси билан алоҳида ўтказилади. Юзлаштирувчилардан бирига савол қўйилади ва унинг жавоби тингланади, сўнг иккинчисига ҳам шу савол берилиб, унинг жавоби олинади. Юзлаштириш баённомасининг чап томонига сўроқ қилинувчининг бирига қўйилган савол ва жавоб ёзилади. Ўнг томонида иккинчисининг савол-жавоби ёзилади. Терговчининг саволи тугагач, улар бир-

бирларига савол беришлари мумкин, аммо бу ҳол уларнинг ўзаро тортишувига, жанжалига айланмаслиги лозим. Сўроқни тўғри бошқариш учун савол берилиб унга жавоб олиш, кейин навбатни кимга бериш терговчининг ихтиёрида бўлиши, юзлаштирилувчиларни ўз ихтиёрига қўймаслик лозим.

Юзлаштиришни тўғри ўтказиш учун обдан тайёргарлик кўриш керак. Терговчи сўроқ қилинган шахсни кўрсатувларини яна бир бор ўқиб-ўрганиб таҳлил қилиб чиқиши керак. Юзлаштириш вақтида қандай савол бериш, кимдан бошлаш, қандай далилларни аниқлаш ва шу каби масалалар олдиндан белгиланиб қўйилмоғи шарт.

Юзлаштириб сўроқ қилинувчи шахслар илгари иш юзасидан мустақил равишда алоҳида сўроқ қилинганлиги учун, юзлаштириш жараёни бевосита савол-жавобдан бошланади.

Юзлаштирилувчи шахсларни кўрсатувларида турли қарама-қаршилиқлар бўлади. Масалан, маълум фактни бири тасдиқлайди, иккинчи эса инкор қилади. Савол жавобни ана шу тасдиқловчи шахсдан бошлаш мақсадга мувофиқ, ёки иш бўйича гувоҳ, жабрланувчи, айбланувчи бошқа сўроқ қилинган шахс билан юзлаштириш ўтказишни талаб қилади. Биринчи саволни ўша талаб қилган шахсдан бошлаш тўғрироқ бўлади.

Баъзи айбланувчилар гувоҳларнинг кўрсатувидаги айрим фактларни инкор қилиб, уни ёлғон гапирганлигини айтадилар. Юзлаштириш пайтида бундай айбланувчилар иккинчи навбатда сўроқ қилиниши маъқул. Бундан ташқари, ҳар бир юзлаштиришда терговчи қайси қатнашувчининг кўрсатувиغا кўпроқ ишонч ҳосил қилса шу шахсдан биринчи навбатда савол жавобни бошлайди, сўнгра иккинчисига ўтади.

Юзлаштирилаётган шахсларга, сўроқ қилинганда олинган кўрсатувларини бир-бирларига билдириш ёки таништириш мутлақо мумкин эмас, акс ҳолда улар илгари берган кўрсатувларни маъқуллаб, бир-бирларини жавобини тасдиқлаш билан кифояланиб қоладилар. Бу ҳол эса юзлаштириш натижасини ва аҳамиятини пасайтиради.

Юзлаштирилувчи шахслар баённомасининг ҳар бирига ажратилган қисмларига савол ва жавоблари ёзилади ва ана шу жойларига ҳар иккаласи томонидан имзоланади.

3§ Терроризм ва экстремизм жиноятларини тергов қилишда эксперимент, таниб олиш учун кўрсатиш ва гувоҳлантириш тергов ҳаракатларини ўтказиш хусусиятлари

Терроризм ва экстремизм жиноятларини тергов қилишда эксперимент тергов ҳаракатини ўтказиш. ЖПКнинг 153-моддасига мувофиқ эксперимент гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчиларнинг кўрсатувларини, бошқа далилларни, шунингдек иш юзасидан қилинган тусмол, текширилаётган ҳодисага оид муайян ҳаракатлар, шароит ва ҳолатларни тиклаш ҳамда зарурий тажрибалар ўтказилишини текшириш учун ўтказилади.

Терроризм ва экстремизм жиноятлари юзасидан ишларни кўришда эксперимент шахснинг бирор ҳодисани идрок қилиш, муайян ҳаракатларни бажариш, бирор ҳодисанинг содир бўлиш имкониятини текшириш, шунингдек ҳодисанинг юз бериш ва изларнинг қолиш йўсинларини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Эксперимент жиноят содир бўлган жой шароитига энг яқин муҳитда ўтказилиши лозим. Эксперимент ўтказишга мутахассис ва эксперт, ҳамда тажриба ҳаракатларини олиб борувчи шахслар жалб қилиниши мумкин. Мураккаб экспериментлар камида икки нафар холис ва бир неча мутахассис иштирокида ўтказилиши мумкин. Эксперимент ўтказишга кўрсатувлари текширилиши лозим бўлган шахслар ҳам жалб қилиниши лозим. Бунда гувоҳлар ва жабрланувчилар кўрсатув беришдан бўйин товлаганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиши шарт. Эксперимент иштирокчиларига унинг мақсади ва ўтказилиш тартиби тушунтирилади.

Тажриба ҳаракатларини ўтказишдан олдин ўрганилаётган ҳодиса шароитлари текширилаётган кўрсатув ёки тусмолларга тўла мувофиқ ҳолда тикланган бўлиши керак. Бунинг учун гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида ўзи қатнашган ёки шоҳид бўлган ҳодисанинг шароит ва ҳолатларини тиклаш таклиф қилиниши мумкин. Шундан кейин суриштирувчи, терговчи, ёки суд тегишли тажриба ҳаракатларини ўтказди, шу мақсадда ўлчаш, фотосуратга тушириш, кинотасвирга олиш, овоз ёзиш, видеоёзув, режа, схема ва чизмалар тузиш, экспериментал қолиплар ва изларнинг нусхаларини тайёрлаш мумкин.

Эксперимент ўтказиш шароити тикланаётган ҳаракат ёки ҳодисалар юз берган шароитга иложи борича ўхшаш бўлиши лозим. Тажрибалар имкони борича бир неча марта ўтказилади. Тажрибаларнинг шароитлари ўзгартирилиши мумкин.

Эксперимент иштирокчилари кўриш ва эшитиш имкони борлигини тасдиқлаш мақсадида улар жиноят содир бўлган жойда бўлишлари ва эксперимент ҳаракатлари тўғрисида ахборот беришлари керак.

Ўтказилган эксперимент натижалари ҳақида ЖПКнинг 90-92, 154-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида баённома тузилади.

Баённомада эксперимент қандай мақсадда, қачон, қаерда ва қандай шароитда ўтказилганлиги; ҳодисанинг шароити ва ҳолатини тиклаш айнан нималарда ўз аксини топганлиги; қандай тажриба ҳаракатлари қай тартибда, ким томонидан ва неча марта ўтказилганлиги; қандай натижалар олинганлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

Терроризм ва экстремизм жиноятлари бўйича эксперимент ўтказиш тактикаси. Экспериментни муваффақиятли ўтказиш учун унга пухта тайёргарлик кўриш лозим. Мазкур тергов ҳаракатини ўтказишдан аввал жиноят ишидаги материаллар билан танишиб чиқиб, сўнгра мавжуд бўлган далилларнинг қайси бирини эксперимент ўтказиш билан текширилиши зарурлиги ҳал қилинади.

Терроризм ва экстремизм жиноятлари бўйича эксперимент тергов ҳаракатини ўтказиш режасини белгилаб олиш ҳам катта аҳамият касб этади. Режа қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

– эксперимент ўтказишнинг мақсади, жойи, вақти, текширув ўтказиш шароитлари;

– тергов ҳаракатининг мазмуни ва тажрибаларнинг олдинмакетин ўтказиш тартиби;

– қатнашувчиларнинг ҳар қайси бажарадиган ҳаракатларни аниқлаш;

– зарур бўлган илмий-техник воситаларни тажриба ўтказишга тайёрлаш;

– мураккаб ҳолат-вазиятларни текширишда жойнинг чизмасини тайёрлаш ва тергов ҳаракати натижаларини расмийлаштириш, мустаҳкамлаш чораларини кўриб чиқиш.

Тергов экспериментини муваффақиятли ташкил қилиш ва ўтказиш учун унинг иштирокчиларини олдиндан белгилаб олиш лозим.

Икки кишидан кам бўлмаган холислардан ташқари, эксперимент ўтказишда текшириладиган ҳодиса, далил, вазият хусусиятига оид бўлган мутахассиснинг иштироки уни ижобий ўтказилишига ёрдам беради.

Тергов экспериментини ўтказиш жараёнида иш юзасидан сўроқ қилинган шахсларнинг иштироки тактика жиҳатидан мақсадга мувофиқ бўлади, айниқса кўрсатувлари текширилаётган шахс (гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи) нинг қатнашуви, тергов ҳаракатининг ижобий натижалари учун омил бўлиб ҳисобланади. Жумладан, жиноий ҳодисани кўзи билан кўрган, эшитган гувоҳлар, вазиятни тиклашда унинг ҳақиқий ҳодиса вақтидаги ҳолати, шароитларининг мос келишини кузатиб, тегишли қўшимча тушунчалар берилиши мумкин.

Терроризм ва экстремизм жиноятлари бўйича эксперимент айбланувчининг кўрсатувини текшириш мақсадида ўтказиладиган бўлса, бу ҳолда айбланувчини жиноят содир бўлган вақтда бажарган ҳаракатларини тўла намойиш қилишига керакли шароитлар яратиш лозим. Бу эса иш бўйича тўғри маълумотларни аниқлашга имкон беради.

Терроризм ва экстремизм жиноятлари бўйича эксперимент ўтказиладиган жойини, вақтини ҳам олдиндан белгилаб олиш керак. Экспериментни жиноят содир бўлган жойнинг ўзида ўтказиш имкони ҳар доим ҳам бўлавермайди. Шунинг учун жой ва вақт натижа учун аҳамияти бўлса, ҳақиқий жиноий ҳодисага ўхшаш жой ва тахминан ўша вақт (кечки, кундузги, қор, ёмғир каби) белгиланади. Эксперимент ўтказиш жойни қўриқлаш уни ўтказишга халақит берувчиларни четлатиш каби чоралар, тезкор ходимларга топширилади.

Синалаётган далиллар, тусмол, сўроқ қилинган шахсларнинг берган маълумотларига қарама-қарши, салбий натижа берса, эксперимент жараёнини кузатиб турган, унда қатнашаётган шахслар (гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи)нинг психологиясига таъсир этиб, уларнинг сўроқда берган кўрсатувларини тўғри-нотўғри эканлиги маълум бўлади. Бундай ҳолларда экспериментни ўтказиб бўлгандан сўнг такрорий сўроқ ўтказиш маъқулроқ бўлади.

Эксперимент тажрибаларини ташкил этиш ва ўтказишда қўлланиладиган тактик услублар қонунчиликка риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Жиноий ҳодиса, ҳолатларини тажриба қилиб текширишда, сунъий тикланган вазият асл ҳодиса ҳолатида бўлган шарт-шароитга мос келмоғи зарур. Текширилаётган ҳодиса, ҳолат, вазиятлар бир неча кўринишда такрорланиб синалсагина текширув натижалари ҳақиқий ва холисона бўлади.

Эксперимент ўтказилаётган шароит, тикланаётган ҳаракат ёки ҳодисалар юз берган шароитга иложи бориचा ўхшаш бўлиши керак. Тажрибалар имкони бориचा бир неча маротаба такрорланиб ўтказилади. Тажрибаларнинг шароитлари бир мунча ўзгартирилиши мумкин. Мана шу қоидага асосланган ҳолда, экспериментни ўтказиш жараёнида, терговчи айрим ҳолатларни тиклаб намоён қилаётган шахсларнинг жойларини ўзгартириши ҳаракат кўринишларини бир неча вариантда амалга оширишни таклиф қилиши ва ана шу кўринишлар орасидан кўпроқ такрорланган натижани танлаб олиши керак.

Текширилаётган ҳолатлар, версиялар, кўрсатувдаги айрим далилларни ҳар томонлама текшириб аниқлаш учун, гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчиларнинг ҳар бирларига алоҳида-алоҳида ўзи қатнашган ёки шоҳид бўлган ҳодисалар ҳолатини тиклаш тавсия ва терговчи тажриба ҳаракатларини ўтказди.

Тажрибалар кўп ва мураккаб бўлса, олдинма-кетин ўтказди. Эксперимент текширувларини ўтказиш жараёнида, унинг айрим қисмлари-босқичларини мустаҳкамлаш мақсадида фото, кино, видео тасвирга олиш лозим бўлади. Шу билан бирга, эксперимент ўтказилаётган жойнинг чизмаси, ишлатилган нусха, қолиплар ҳам юқорида кўрсатилган воситаларга қўшилади.

Эксперимент ҳаракатида иштирок этувчи шахслар, терговчининг рухсати билан кўрсатувлари текширилаётган гумон қилинувчи, айбланувчиларга савол беришга, терговчининг эътиборини иш ҳолатини аниқлашга кўмаклашадиган барча ҳолатларга қаратишга, текширув шароитига баъзи аниқликлар киритишга ҳақлидирлар. Шу билан бирга эксперимент қатнашувчилари тажриба ва айрим ҳаракатларни яна такрорлашни илтимос қилишлари мумкин. Қатнашувчиларнинг бундай фикр мулоҳазалари эксперимент баённомасида акс эттирилмоғи лозим.

Терроризм ва экстремизм жиноятлари бўйича таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказиш.

ЖПКнинг 125-моддасига асосан таниб олиш учун кўрсатиш гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланув-

чининг бирор шахс ёки нарса тўғрисидаги кўрсатувини текшириб кўриш учун қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: бу кўрсатув муайян бир шахс ёки муайян бир нарсага оид эканлигини аниқлаш зарур бўлганда; суриштирувчи, терговчи ёки судга маълум бўлган кўплаб шахс ёки нарсалар орасидан кўрсатувда тасвирлаб берилган шахс ёки нарсани топиш зарур бўлганда.

Терроризм ва экстремизм жиноятлари юзасидан ишларни кўришда таниб олишнинг объектларига қўйидагилар киради:

- ушбу жиноятлар учун гумон қилинувчи ёки айбланувчи шахслар;
- гумон қилинувчилардан (айбланувчилардан) олинган ашёлар: қурол ва бошқа нарсалар;
- жиноят қуроллари (воқеа жойида топилган ёки гумон қилинувчилардан олинган);
- гумон қилинувчилар томонидан ташлаб юборилган ашёлар;
- гумон қилинувчиларга тегишли бўлмаганлиги маълум қилинган ашёлар ва ҳ.к.

Таниб олувчилар сифатида жабрланувчилар, гувоҳлар, гумон қилинувчилар, айбланувчилар хизмат қилиши мумкин.

Терроризм ва экстремизм жиноятлари бўйича таниб олиш учун кўрсатишга тайёргарлик босқичига қўйидагилар киради:

- жиной иш материалларини ўрганиш;
- унинг ўтказиладиган жойи ва вақтини аниқлаш;
- икки объект ёки икки нафар шахсларни аниқланиши, яъни уларга таниб олинадиган объект намойиш этилади (уларнинг барчаси бир-бирига мос бўлиши лозим);
- объектни кўриш жараёни юз берган ҳолатга мос муҳитни яратиш;
- зарурий техник-криминалистик ашёларнинг тайёрланиши, таниб олиш учун айбланувчи ва гумон қилинувчи жалб этилса унга мувофиқ кўриқланишини таъминлаш;
- гувоҳлар ва эксперт-криминалистларни таклиф қилиш, агар иштирокчилардан бири суд жараёни олиб борилаётган тилни билмаса таржимонни таклиф этиш;
- таниб олинаётган буюм ва предметларни кетма-кетлик тартибини аниқлаштириш учун рақамли биркаларни тайёрлаш.

Бундан ташқари, терроризм ва экстремизм жиноятлари бўйича ҳолатга ойдинлик киритиш учун таниб олувчидан унга тақдим этиладиган объектни таниб олиш учун батафсил сўроқ қилиниши ва қуйидаги ҳолатларни аниқлаш керак:

– илгари берган кўрсатувларингизда гапирилган предметлар (шахслар) сизга тақдим этилган объект ва предметларда мавжудми?

– тақдим этилган предметлар (сумка, соатлар ва ҳ.к.) ичида сизга таниш бўлганлари борми?

– агар бўлса, у қайси рақам остида?

– қаерда, қачон ва қайси ҳолатда уни кузатгансиз?

– қайси белгиларига кўра сиз уларни таниб олдингиз?

– тақдим этилган шахслар ичида сиз кўрсатув берган шахс мавжудми?

– қаерда у жойлашган (чапдан, ўнгдан, ўртада)?

– қаерда, қачон ва қайси ҳолатларда сиз у билан учрашгансиз?

– қайси белгиларига кўра сиз уни таниб олдингиз?

– «сиз таниб олувчи билан танишмисиз» деган сўнгги савол берилиши зарур.

Таниб олиш учун кўрсатилаётган гумон остига олинган шахс ва айбланувчи ўзи билан бирга кўрсатилаётган шахслар қаторида жойини ўзи танлашга ҳақли.

Таниб олинувчи динамик ҳолда (юриб кетаётганда, гапираётганда ёки бошқа бирор ҳаракатни бажараётганда) кўрсатилиши керак бўлган ҳолларда, таниб олинувчи бундай ҳаракатларни бажариши ҳақида терговчининг талабларига бўйсунди. Бундай ҳаракатларни таниб олинувчи қасддан нотўғри бажариши ёки одатдаги юриши ва овозини ўзгартириш ҳолларининг олдини олиш зарур.

Динамик ҳолда кўрсатилаётганда бирор ҳаракатни бажариш ҳақида терговчининг талабалари таниш учун кўрсатилаётган шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, обрўсига, унинг мулкӣ ва бошқа қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги шарт. Айбланувчи ёки гумон остига олинган шахс билан бир қаторда кўрсатилувчилар худди холислардек ишдан манфаатдор бўлмасликлари шарт.

Статистлар ва холисларга, улар таниб олиш учун кўрсатишга қатнашиш учун чақирилганлари ҳамон, қандай мақсадда чақирилганликлари, қандай ҳаракат ўтказилиши ҳамда улар қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканликлари ҳақида тушунтирилиши керак. Уларга келгусида суд мажлисида сўралишлари мумкинлиги эълон қилиниб, таниб олиш учун ўтказиш жараёнини диққат билан кузатишлари зарурлиги эслатилади.

Айбланувчи ва гумон остидаги шахс каби ҳимоячи ҳам таниш учун кўрсатишга иштирок этувчиларга савол бериш ҳуқуқига эга.

Лекин зарур ҳолларда унинг бу саволини терговчи тақиқлашга ҳақли. Терговчи таниб олиш учун кўрсатишда иштирок этувчиларнинг кўрсатилиб ўтилган ҳуқуқларини уларга тушунтириш билан чегараланмай, бу ҳуқуқлардан фойдаланишларини амалда таъминлашга мажбур.

Терроризм ва экстремизм жиноятлари бўйича гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказиш. Дастлабки тергов босқичида гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказиш асослари ЖПК-нинг 142-моддасида белгиланган бўлиб, экспертиза тайинламасдан туриб ҳам қуйидаги ҳолларни аниқлаш учун ўтказилади:

а) одамнинг баданидаги иш учун аҳамиятга молик хусусият ёки аломатларни, алоҳида белгиларни, унинг жисмоний ривожланганлиги тўғрисидаги маълумотларни, доғларни, тирналган, шилинган, қонталаш жойларни топиш зарурати туғилганда;

б) шахснинг мастлик ва бошқа физиологик ҳолатларини аниқлаш зарурати туғилганда.

Терроризм ва экстремизм жиноятлари бўйича гувоҳлантириш жабрланувчининг тажовуз натижасида ёки жиноятчиларга қаршилиқ кўрсатиш жараёнида олган жароҳатларини ҳамда бошқа муҳим белгиларни аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Жабрланувчининг танасида жиноят содир этилган вақтда кўрсатган қаршилиги оқибатида жароҳатлар қолган бўлиши мумкин ёки бармоқларнинг йўқлиги, тиртиқлар, татуировкалар, тирналган жойлар, моматалоқ каби махсус белгиларнинг мавжудлиги ҳақида берган кўрсатувларини гувоҳлантириш ўтказиш орқали текшириш зарурати вужудга келади.

Одам танасида одатда жиноят излари жароҳат (яра), шилиниш, тирналиш, қонталаш, юлинган сочлар, доғлар, учқунлар, қон излари ва ҳоказолар кўринишида қолади.

Жабрланувчиларни гувоҳлантириш ва уларнинг кийимларини кўздан кечириш ўзига хос хусусиятларга эга эмас ҳамда умумий қоидаларга асосан амалга оширилади.

Гувоҳлантириш баённомасида қуйидаги белгилар ўз аксини топиши лозим: шикаст (жароҳат, чандиқ, тиртиқ)нинг номи, туғма доғ, хол, татуировка ва ҳоказо; жойлашган жойи; миқдори; шакли; ҳажми; жароҳат чети ва пўстининг ҳолати; жароҳат атрофидаги тери қатламининг ҳолати.

Назорат учун саволлар:

1. Терроризм ва экстремизм жиноятларини тергов қилишда юзлаштириш ва кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатини ўтказиш тактикаси.

2. Терроризм ва экстремизм жиноятларини тергов қилишда эксперимент, таниб олиш учун кўрсатиш ва гувоҳлантириш тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси.

3. Терроризм ва экстремизм жиноятларини тергов қилишда ўтказилган тергов ҳаракатларининг натижаларини баҳолаш ва келгуси тергов жараёнини режалаштириш хусусиятлари

6-мавзу. ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ ТАМОМЛАШ ВА ЖИНОЯТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИНИ КЎРИШ

1§ Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки терговни тамомлаш мазмуни, дастлабки терговни айблов хулосасини тузиш ва бошқа процессуал қарор қабул қилиш билан тамомлаш хусусиятлари

Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятлар бўйича тергов қилишни тамомлаш, қоидага кўра, жиноят иши ҳужжатлари билан бир неча айбланувчилар ва айрим ҳолатларда катта миқдордаги ҳимоячиларни таништириш лозимлиги хусусиятларига эгадир.

Жиноий иши ҳужжатлари ҳажмига кўра катта бўлса, улар билан танишиш муддати узокроқ чўзилади. Ҳимоя томон одатда юқори даражада фаоллик кўрсатиб, процессуал нормаларни бузилиши ҳолатларига эътибор қаратиб, кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши учун узок вақт талаб қилинадиган бир қанча ва кўп ҳажмли илтимосномалар ва шикоятлар киритадилар. Ҳимоя томон айбланувчиларни қамокда сақлаш муддати ўтиб кетиши муносабати билан озодликка чиқариш мақсадида, бемалол, ишдаги материаллар билан танишишни атайлаб чўзиши ҳам мумкин. Айрим иш материаллари ва муҳим ашёвий далилларни йўқ қилишга ҳаракат қилиш ҳолатлари ҳам бундан мустасно эмас. Дастлабки терговни тамомлаш босқичини режалаштирганида, нафақат терговчининг ўзи томонидан, балки тергов бўлими бошлиғи ва прокурор назоратчиси томонидан ҳам шу каби барча хавф-хатарлар ҳисобга олиниши лозим.

Жиноят иши материаллари билан таништириш билан боғлиқ тергов ҳаракатларини, олдиндан, процессуал муддатнинг ишончли “захираси”ни қолдирган ҳолда бажаришга киришиш керак. Башарти, айбланувчининг ҳимоячиси 5 кунлик муддат ичида келмаган ҳолда, ЖПКнинг 215 моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган процессуал муддатларнинг ўтиб кетмаслигини таъминлаш чораси сифатида, терговчи бошқа ҳимоячи таклиф этиш ва жиноят иши материаллари билан таништиришни таъминлаш учун ҳимоячига олдинроқ жиноят иши тергов ҳаракатлари тамомланганлиги ҳақида хабарнома юборилишига эътибор қаратиши лозим.

Терговчи дастлабки терговни тамомланганлиги босқичини оптимал даражада режалаштириши керак, чунки иш бўйича бир неча айбланувчилар бўлганлигида ЖПКнинг 217-моддаси биринчи қисми талабларига кўра, айбланувчилар ва уларнинг ҳимоячиларига жиноят иши материалларини танишишга тақдим этиш кетма-кетлигини аниқлаб олиши зарур. Айбланувчининг бир неча танланган ҳимоячилари бўлган тақдирда, жиноят иши ҳужжатлари билан биргаликда танишишда битта ҳимоячининг қатнашувининг ўзи етарли ҳисобланади. Бошқа ҳимоячиларнинг тегишли тартибда жиноят иши материаллари билан танишиш вақти ва жойи ҳақида хабардор этилганларидан кейин ҳам келмаганликлари ҳимоя ҳуқуқини бузиш деб талқин этилмайди.

Айбланувчи ва ҳимоячининг жиноят иши материаллари билан алоҳида танишишларига эҳтиёткорлик билан ёндашиш лозим. Терговчи бунга, фақат айбланувчи ёки ҳимоячининг илтимосномаси бўлган ҳоллардагина йўл қўйиши мумкин. Бу каби илтимосномалар бўлмаганда уларни иш материаллари билан алоҳида тартибда таништириш ҳимоя ҳуқуқини бузиш деб баҳоланади.

Ҳаракатдаги жиноий-процессуал қонунчилик иш материаллари билан танишиш вақтининг имкониятларини (чегарасини) назарда тутмаган, ҳатто ҳимоячи томонидан дастлабки терговни атайлаб чўзишга ҳаракат қилса ҳам. Бунинг ўрнига қонун чиқарувчи, жиноят иши материаллари билан айбланувчи ва ҳимоячини таништириш давомида қамоқда сақлаш муддатларини чўзиш имкониятларини назарда тутган. Шунинг учун, ЖПКнинг 109-моддаси талабларини оғишмасдан бажариш, айбдорларни фош қилишга қаратилган терговнинг заҳматларини йўққа чиқариши мумкин бўлган мазкур салбий омиллардан олдиндан огоҳлантиради.

Айбланувчи ва ҳимоячининг илтимосномаларини эътибор билан кўриб чиқилиши лозим. Илтимосномани тўлиқ ёки қисман қониқтирилмаслиги асосланган бўлиши керак. Аксинча бўлса, терговнинг нотўғри фикрга асосланганлиги ва холисона эмаслиги ҳақидаги ҳимоячининг важлари суд мажлисида салбий янграши мумкин.

Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки тергов айблов хулосаси тузилиши билан тамомланади. Ҳозирги вақтда ҳаракатдаги жиноий-процессуал қонунчиликда бу каби муҳим процессуал актнинг бошқа тизими, яъни бу актнинг тузилиши билан жиноий суд юритувининг судга қадар бўлган босқичи тугалланиши назарда тутилган. Айблов хулосанинг тузилиши, ҳозирги вақтда, бир

қадам орқага кўйиш билан тенг, қатъий шакллантирилган ва ЖПКнинг 379-моддасига асосан тузилади. Лекин, бу каби шакллантирилиш айнан шу процессуал актга нисбатан механик ёндашув деб бўлмайди. Айбловнинг моҳиятини баён этиб, терговчи энг аниқ доирада терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятлар бўйича жиноий тузилмаган бирлашиш жойи, вақти ва усуллари, унинг турли кўринишларини (жиноий уюшма, жиноий ташкилот), жиноий қилмишнинг тавсифи (жиноий уюшмани ёки ташкилотни ташкил этиш ёки унга раҳбарлик қилиш, унинг таркибига соҳавий тизимларига раҳбарлик қилиш ёки ташкилотчилар, раҳбарлар ёки жиноий гуруҳларнинг бошқа вакиллари бирлашмасини тузиш), жиноий тузилманинг жиноий фаолиятини базавий йўналишини ҳам аниқ кўрсатиб бериши лозим.

Агарда, терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятлар бўйича ташкилотчилар, раҳбарлар ёки жиноий гуруҳларнинг бошқа вакиллари иштироки алмашса, бу каби иштирокнинг аниқ турларини баён этиш лозим. Ўзининг хизматдаги мавқеидан фойдаланиш билан боғлиқ таркиб бўлган жиноятни малакалаш – мансабдор шахснинг мавқеини, айбланувчининг касбий аҳволи ёки унинг машғулотининг турини ва айнан нимада у мавқеидан фойдаланганлигини сўзсиз фош этишни талаб қилади.

Айбловнинг моҳиятини баёни ва эълон қилинган айбнинг шакли узил-кесил эълон қилинган айбловнинг мазмунидан муҳим маънода фарқ қилмаслиги лозим. Яхши маслаҳат – ҳимоя ҳуқуқини бузилиши юзасидан таъналардан қочиш учун, айблов хулосасида айбловнинг энг охирги варианты баён қилиниши лозим.

Башарти, айблов хулосасида жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарорнинг мазмуни айбловнинг моҳиятини баёни ва эълон қилинган айбнинг шакли билан ўзаро яқин мантиқий боғлиқликка эга экан, озроқ чекиниш қилиб, ташкилотчилар ва раҳбарларнинг қилмишларини асосий таркибнинг мазмуни сифатида тўғри малакаланганлиги масаласи ёритилиши даркор.

Жиноят кодексининг асосий қисми талаблари билан узвий боғлиқ бўлмасдан туриб, бу хусусиятларни кенг очиб бериб бўлмайди. ЎЗБ.Р. ЖКнинг 35 моддаси 5-қисмида, ЖКнинг тегишли моддаларида назарда тутилган ҳолатларда, жиноий уюшма ташкил этган (жиноий ташкилот) ёхуд унга раҳбарлик қилган шахс, нафақат ташкилотчилик ва раҳбарлик учун, балки, унинг ғараз ниятлари натижасида жиноий уюшма (жиноий ташкилот) томонидан содир этилган барча жиноятлар бўйича жавобгар бўлади.

Жиноий қонунчиликда нафақат тўғридан-тўғри ниятларга, балки қўшимча ниятларга ҳам дефиниция берилган. Ташкилотчилар ва раҳбарлар жиноий тузилма томонидан содир этилган қасддан ҳар қандай жиноят учун, ҳатто улар аниқ оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этишни истамаган бўлсалар ҳам, жиноий тузилма ташкил қилган вақтларида бу каби жиноятларни содир этилишини олдиндан билганликлари ва жиноятни содир этилишига онгли равишда йўл қўйганликлари ёки унинг содир этилаётганига нисбатан бепарво бўлганликлари учун жавобгарликка тортиладилар.

Ташкилотчилар ва раҳбарлар томонидан фақат умумий объектлар ва уларга тажовуз қилиш усуллари каби ниятлар, яъни жиноий тузилма (ташкилот), соҳавий бўлинмалар ташкиллаштирилишига омил бўлган жиноий фаолият тури қамраб олинади. Қилмишни баҳолашда, терговчи, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлардан фарқли ўлароқ, бу жиноят таркиби субъектив томондан жиноят содир этишга розилик, шу билан бирга бу розиликнинг вақти-вақти билан эмас, балки умумий мунтазам равишдаги ҳолатидан келиб чиқиши зарур. Агар, ҳатто, жиноий тузилманинг алоҳида қатнашчилари томонидан содир этиладиган аниқ шу қилмиш ташкилотчи ёки раҳбарнинг онгида конкретлаштирилмаса ҳам.

Тергов қилиш жараёнида, айниқса у тамомланганида, ҳимоя ўзининг илтимосномасида ташкилотчининг ўз хоҳиши билан жиноят содир этишни рад этганлигини баён қилиши мумкин. Шунинг учун терговчи ташкилотчининг ўз хоҳиши билан рад этиши ЖКнинг 31 моддаси 4-бандига асосан ўзининг хусусиятларига эга эканлигини ёдда тутиши зарур. Ташкилотчининг ўз хоҳишига кўра рад этиши, фақат, жиноятни тугалланишини олдини олишга қаратилган, ҳокимият идораларига хабар бериш ёки бошқа чораларни кўришдаги фаол шаклида ифодаланиши мумкин.

ЖКнинг 242-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби тузилишининг ўзига хос хусусиятлари, ташкилотчининг жиноят содир этишга эмас, балки жиноий уюшма ёки ташкилот тузилишини олдини олишга қаратилган чораларни кўриши мажбурлиги ҳақидаги ҳулосага келиш имконини беради. Охиргиси эса жавобгарликдан озод этиш эмас, балки жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат сифатида кўриб чиқиши мумкин. Ташкилий жиноий тузилма фаолиятдан сусткашлик билан узоқлашиш ташкилотчини жиноий жавобгарликдан озод этмайди.

Айбловни тасдиқловчи далиллар рўйхатини, уларга ЖПКнинг 88-моддасида назарда тутилган баҳо бериш қоидаларини ҳисобга олган ҳолда тузиш лозим. Бунда, тергов жараёнида ишлаб чиқилган далилларни ҳам назардан қочирмаслик муҳим. Айниқса, айбланувчилар, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг суддаги кўрсатмалари ўзгарганида, улар орқали дастлабки исботлар ҳолисона тасдиқланиши мумкин. Процессуал тартибда тўпланишига риоя қилинган четдан олинган далиллар мажмуаси қимматбаҳо аҳамиятга эга ва у ҳал қилувчи далил бўлиши мумкин. Терговчи айблов далилларини шаклланишига алоҳида эътибор қаратиши лозим. «Далилларни шакллантириш» деган ибора муваффақиятли танланган деб ўйлаш мумкин, зероки айблов ҳулосаси тузиш вақтига келиб, далиллар тўпланган, текширилган ва баҳоланган бўлади. энди жиноят ишини ҳал этиш учун етарлилик ўрнида уларни шакллантирилиш масаласи туради.

Айблов ҳулосаси тузилаётганда терговчининг олдида, ҳимоя томон сабаб қилиб кўрсатаётган далилларни ҳам кўрсатиб ўтиш масаласи туради. Бундай далилларнинг ҳаммаси, битта қолдирмай санаб ўтилиши лозим. Бу жиноий суд юритувининг мусобақаланиш тамойилига тўғри келади. Бунда, турли хил ўқитишлар юзага келиши мумкин, яъни ҳимоя тергов ҳаракатлари давомида тузилган айрим баённомалардаги фрагментларга ўзининг манфаати йўлида кўрсатиб ўтиши мумкин. Ва аксинча, ҳимоянинг илтимосномасига асосан ўтказилган тергов ҳаракати натижаларини, терговчи тўлалигича ёки қисман айбланиш манфаатларида баҳолаган вазиятлар бўлиши мумкин. Бу каби вазиятлар терговчини хижолат қилмаслиги керак, ҳар иккала рўйхатга у ва бу далилларнинг барчаси киритилиши лозим, ҳолбуки, суд мажлисида тақдим этилган ҳар бир далил юзасидан томонлар ўз ўринларини тушунтириб беришади, суд эса томонлардан тақдим этилган далиллар бўйича одилона баҳо беради.

Агар далиллар жиноий-процессуал талабларига асосан тўпланган ва текширилган бўлса, терговчи бу далилларни етарлилигига ишонч ҳосил қилса, унда иш судда кўриб чиқиш учун юборилади. Терговчининг иши ва касбий маҳорати, айблов ёки оқлов ҳукми ўқиладими, бундан қатъий назар судда кўрилган ишлар натижаларига қараб баҳоланмайди. Терговчи жиноий хавф-хатар шароитларида ишлайди, лекин бу хатар асосли, яъни исботланган бўлиши керак. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарлари терговчининг ишларини баҳолашда, айнан шуни ҳисобга олишлари лозим.

Муболағасиз, ишни судда кўриш давомида давлат айбловчисининг касбий маҳорати, жиноят иши материалларини синчиклаб ўрганганлиги, далилларни тақдим қилиш ва текширишда тактик тўғри йўналишни танлаб олиш қобилияти, уларни холисона баҳолашни билиши муҳим аҳамиятга эга.

2§ Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларининг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш хусусиятлари

ЖПК 297-моддасига кўра, терговчи жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб чиқиб, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритади. Тақдимноманинг нусхаси ишга қўшиб қўйилади.

Қонунда тақдимноманинг процессуал шакли белгилаб қўйилмаган. У тақдимнома юбориладиган аниқ адресатни ҳамда жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда ихтиёрий шаклда тузилади. Амалиётда, одатда, тақдимномаларда жиноят фабуласи тасвирланади ҳамда уни келтириб чиқарган аниқ сабаб ва шароитлар кўрсатилади. Шундан сўнг ушбу сабаб ва шароитларни йўқотиш йўллари, усуллари кўрсатилади ва йўқотиш муддати белгиланади.

Терговчи ёки прокурор жиноят ишини кўзғатар экан, дарҳол жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш чораларини кўришлари керак. Айти пайтда, шуни ҳам эътиборга олиш керакки, гап жиноятчилик сабабларини эмас, балки бир ёки бир неча жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳақида бормоқда. Шундай қилиб, қуйидагиларни аниқлаш лозим:

1) шахсда жамиятга қарши қарашлар ва одатлар, жиноятга ва уни содир этишга қасдни келтириб чиқарган муайян сабаблар (ёмон ўрнак, оилада жамиятга ёт тарзда тарбиялаш).

2) салбий таъсирларнинг амал қилишини осонлаштирган (назоратсизлик, қаровига берилган шахс билан тарбиявий иш олиб борилмагани ва ҳ.к.), шунингдек, қасднинг амалга оширилишини осонлаш-

тирган (талон-торожликда моддий бойликларни ҳисобга олишдаги камчиликлар, баданга шикаст етказишда гувоҳларнинг ҳаракатсизлиги ва ҳ.к.) шароитлар.

Ҳар бир иш бўйича жиноятнинг муайян сабаблари, унинг содир этилишига ҳам тегишли барча ҳолатлар аниқланиши зарур.

Мазкур сабаб ва шароитларни аниқлагач, терговчи ёки прокурор жиноятларни келтириб чиқарган ҳолатларни дарҳол бартараф қилиш чораларини кўриши керак. Ҳатто тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят ҳақида келиб тушган ариза ёки хабар терговга ёки судловга тегишлилиги бўйича жўнатилган ҳолларда ҳам улар жиноятнинг олдини олиш ёки уни тўхтатиш чораларини зудлик билан кўришлари лозим. Ушбу чоралар терговчининг шахсий аралашуви, тегишли муассасалар, корхоналар ва жамоат ташкилотларининг хабар беришларидан ҳам ташкил топиши мумкин.

Бундай зарурат жиноят ишини кўзғатиш чоғида жиноятнинг олдини олиш ёки уни тўхтатишга қаратилган шошилиш чораларни кўришдан ташқари, жиноятни тергов қилиш вақтида ҳам юзага келадди. Терговчи прокурор жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлагач, ЖПК 297-моддасида белгиланган тартибда ушбу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш ҳақида муассаса, корхона, жамоат ташкилотига тақдимнома киритадилар.

Ҳар бир жиноят ишини тергов қилиш жараёнида тақдимнома жўнатиш зарурати пухта ўрганилиши керак.

Тақдимномада тергов қилинган иш моҳиятини қисқача баён этиш керак, сўнгра жиноятнинг аниқ сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар батафсил баён этилади. Ишнинг ҳолатларига қараб тақдимномада суриштирув олиб бораётган шахс, терговчи ёки прокурорнинг келгусида бундай жиноятларнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш учун нима қилиш зарурлиги тўғрисидаги тавсиялари ҳам бўлиши мумкин. Тақдимнома ЖПКнинг 299-моддаси 1-қисмига ҳавола қилиш ва кўчириш билан яқунланади.

Тақдимноманинг бошқа турига фуқаронинг жамоат олдидаги бурчини намунали бажарган ҳақида терговчи ёки прокурор томонидан тегишли муассаса, корхона ёки ташкилотнинг раҳбари ва жамоасига фуқаронинг юксак онглилиги, унинг жиноятнинг олдини олишда ёки уни фош этишда кўрсатган жасорати, жамоат олдидаги бурчини

намунали бажарганлиги тўғрисида киритиладиган тақдимнома ташкил этади (ЖПК 397-м.). Бундай рағбатлантирувчи норма амалдаги жинойт-процессуал қонунчиликка биринчи марта киритилди. У фуқароларнинг жинойтларнинг олдини олиш ва уларни фош этишдаги фаоллигини рағбатлантиришга қаратилган. Афсуски, амалда бундай тақдимнома кам киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йиллари диний эркинликларга кенг йўл очилди. Ҳақиқий диний эътиқод эркинлиги қонун йўли билан кафолатланди. Бугунги кунда мамлакатимизда турли диний конфессияга мансуб диний ташкилотлар, шу жумладан, олий ва ўрта махсус диний билим юртлари фаолият юритаётгани, фуқароларнинг эмин-эркин диний амалларни бажараётгани бунинг ёрқин исботидир. Бироқ, бугунги сиёсий ҳокимиятга интилаётган, диний шиорларни ниқоб қилиб олган баъзи гуруҳлар Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятга салбий таъсир ўтказмоқда. Экстремистларнинг 2005 йил май ойида Андижонда амалга оширган террорчилик ҳаракатлари, 2006 йилнинг май ойида Қирғизистоннинг Боткент тумани ва Тожикистоннинг Исфара туманида чегарачиларга, август-сентябрь ойларида Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига қуролли ҳужум уюштиришлари оқибатида бегуноҳ одамлар ҳалок бўлди, халқ осойишталиги бузилди.

Ўтган асрнинг 80-йилларидан Афғонистон диний экстремизм ва фундаментализмнинг йирик ўчоғига айланди. Айрим йирик давлатлар ўзларининг геосиёсий манфаатларини рўёбга чиқариш илинжида Афғонистондаги радикал исломчиларни амалда қўллаб-қувватлади.

Марказий Осиёга диний экстремизмнинг кириб келишида Афғонистон дарвоза вазифасини ўтади. Диний-экстремистик гуруҳларнинг бош мақсади – «халифалик» давлати тузиш шиори остида сиёсий ҳокимиятни эгаллашдир. Ҳозирги кунда кўпроқ «Ўзбекистон ислом ҳаракати» (иккинчи номи - Туркистон ислом ҳаракати), «Ҳизб-ут таҳрир», «Акримийлар», «Нурчилар» ва «Таблиғчилар» каби диний экстремистик ва террорчи гуруҳларнинг фаолияти кузатилмоқда.

Марказий Осиё минтақаси, жумладан, Ўзбекистонда бундай таҳдиднинг юзага келишига қуйидагилар сабаб бўлди:

– «қайта қуриш» даврида нафақат сиёсий ва иқтисодий инкироз, балки мафкуравий парокандалик ҳам юзага келган эди. Собиқ совет империяси барбод бўлгач эса, мафкуравий бўшлиқ ўзининг хатарли оқибатларини намоён қилди;

– эътиборли диний уламолар ўрнини сохта «исломчилар» эгаллашга интилишлари ва улар томонидан ислом асослари бузиб талқин қилиниши бошланди;

– аҳолининг ислом динига бўлган катта қизиқишидан фойдаланиб, халқаро экстремистик марказлар томонидан минтақада диний мутаассиблик руҳидаги адабиётларни тарқатиш кенгайтирилди;

– дин ниқоби остида фаолият олиб борувчи, аслида айрим давлатларнинг ғаразли геосиёсий ва геостратегик қарашлари натижаси ўлароқ шаклланган, қўпоровчилик мақсадини кўзлаган турли оқим ва йўналишларга мансуб хорижий даъватчилар минтақага ўз ғояларини олиб кира бошладилар;

– минтақа давлатлари чегараларининг мустаҳкам эмаслиги турли экстремистик кучларга наркотрафик, қурол-яроғларнинг ноқонуний савдоси орқали молиявий имкониятларини мустаҳкамлаб олишга ва минтақа бўйлаб эркин ҳаракат қилишга замин яратди.

Қисқа қилиб айтганда, шўро давридан мерос бўлиб қолган оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар юки юқорида қайд этилган сабаблар билан қўшилиб диний экстремистик оқимларнинг шаклланиши ва фаоллашувига қулай шароит яратди.

Умуман олганда, диний экстремизм минтақада яширин, кейинроқ очик-ошкора ташвиқот ва зўравонликка асосланган фаол ҳаракатлар, сўнг унга қарши қаратилган чора-тадбирлар натижасида яна ўта махфий ишлаш асносида тарғибот олиб бориш ва қўпоровчилик хуружларини содир этишдек сифатий босқичларни босиб ўтди, дейиш мумкин.

Диний экстремистик ташкилотларнинг асосий мақсад ва фаолият услублари қуйидагилардан иборат:

– аҳолига ҳанафийлик мазҳабига зид мутаассиб ва сиёсийлаштирилган диний ғояларни сингдириш. Бунинг учун аҳоли ичида ақидапарастлик ғоялари ва «Ҳизб-ут таҳрир» гуруҳининг таълимотлари даъват қилинади, «жиҳод», «шаҳидлик» ғоялари тарғиб қилинган адабиёт, видео ва аудио тасмалар тарқатилади, яширин «хужралар» ташкил қилиниб, ўқиётганларга мутаассиб тушунчалар сингдирилади;

– ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, динлараро ва миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш. Бунинг учун аҳоли ичида ва хорижий ахборот воситаларида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ҳолат, жумладан, диний сиёсат, имомларнинг фаолияти бўйича иғво маълумотлар тарқатилади. Яширин гуруҳлар тузилиб,

улар томонидан ақидапарастлик руҳидаги диний ташвиқот юритилди. Террорчилик амалиётлари амалга оширилади;

– хорижда фаолият юритаётган диний-экстремистик ташкилотлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш, улар ёрдамида жанггарилар тайёрлаш;

Кейинги йилларда диний-экстремистик ташкилотлар фаолияти, террорчилик амалиётида ўз-ўзини портлатиш усулини қўллаш ҳаракатларига аёлларнинг кўпроқ жалб қилиниши кузатилмоқда.

– диний экстремистик ғоялар глобаллашуви ва унга асосланган халқаро терроризм турларининг Ўзбекистонни уз таъсир доирасига тортиши;

– Ўзбекистон чегараларида узоқ давом этаётган ва аниқ диний тусга эга куролли тўқнашувларнинг мавжудлиги (Афғонистон);

– Афғонистондаги аксилтеррор коалициянинг ва Ироқда халқаро коалициянинг олиб бораётган ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган;

– Ўзбекистон сиёсатининг минтақадаги айрим мусулмон мамлакатлари, шунингдек, хорижий диний экстремистик марказлар ҳамда ташкилотларда норозилик уйғотаётгани;

– Ўзбекистон ташқи сиёсатининг иқтисодий тараққий топган мамлакатлар (АҚШ, Европа, Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари) билан алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилганлигининг айрим «ислом боғичи» мамлакатларининг диний умумийлик ғоясидан фойдаланиб, республикамизга ўз таъсирини ўтказишга уринишларини келтириб чиқараётгани;

– Ўзбекистондаги мавжуд диний мутаассиб кучларнинг хорижий радикал ташкилотлар томонидан ғоявий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши;

– Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш шиори остида халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар томонидан Ўзбекистондаги айрим диний ташкилотлар фаолиятининг қўллаб-қувватланиши.

Бунда Ўзбекистондаги диний қарашларга ташқи таъсирнинг характери ва даражасида, яъни жамиятни исломлаштириш бўйича кўмак бериш, диний ташкилотлар миссионерлари фаолиятини рағбатлантириш, масжидлар қурилиши, диний адабиётларни нашр этиш ва тарқатишга маблағ ажратиш, конституциявий тузумни зўрлик билан ағдаришга уринишни маънавий-моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдек ишлар (тенденция) аниқ кузатилаётганини қайд этиш мумкин.

Ички омиллар: Оқибат («диний экстремизмнинг пайдо бўлиши») ва мумкин бўлган сабаблар ўртасидаги тизимли ҳамда механик боғлиқликни топишнинг қийинлиги ташқи омилларга нисбатан ички омилларни таҳлил қилишнинг янада мураккаблигини кўрсатади. Исломни радикаллаштиришда ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсири хусусидаги масала бўйича турли хил қарашлар мавжуд. Уларнинг асосий қисми мусулмон жамиятини радикаллаштириш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни кучайтириш, ғоявий ифодалашни излаб топиш ислом радикализи салафизм (фундаментализм) чизмаси бўйича содир бўлиши шарт эмас, деган фикрни билдиришади.

Баъзи ҳолларда ушбу муаммолар диний қараш ва урф-одатлар, жумладан, ахлоқ-одоб қоидаларидан воз кечган у ёки бу мамлакат ёхуд минтақадаги мураккаб аҳволни изоҳлаш, ахлоқ меъёрларини тиклаш ҳисобига ҳолатни яхшилаш имконини асослаш, «баркамол ўтмиш» ва «баркамол келажак» (диний маънода) тўғрисидаги ғоялар шуҳратини оширишни кучайтиришга асос бўлиши мумкин. Бунда жамиятда ахлоқий-руҳий муҳит, унинг маънавий ғояларининг мустаҳкам даражаси ва хусусияти ўзига хос урин тутади.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда динни радикаллаштирувчи ички омилларга қуйидагиларни ҳам киритиш мумкин:

а) ижтимоий - иқтисодий:

– бозор муносабатларига ўтиш жараёнида турмуш, ижтимоий ҳимояланганлик даражалари, ўсиш суръатининг пастлиги ҳамда жамиятдаги ижтимоий ва мулкий табақаланиш;

– жамият ижтимоий барқарорлигининг асоси ҳисобланган 5 та синфнинг шаклланмаганлиги;

– меҳнат захира армиясининг вужудга келиши, қишлоқ жойларида аҳолининг зич жойлашганлиги (аввало, Фарғона водийсида);

– қишлоқ аҳолисининг шаҳарга, айниқса, мамлакат пойтахти Тошкентга кўчиб келиши;

– улардан айримларининг муқаррар равишда «таркидунёчилик»ка (марганализм) берилиб кетиши ва уларга хос бўлган радикаллашув.

б) маънавий-ахлоқий: – бир неча ўн йиллар мобайнида олиб борилган ва ўзини оқламаган атеистик сиёсат оқибатлари;

– миссионерликка хос «неофит» феноменининг пайдо бўлиши («неофит – янги муомала»);

– маънавий соҳадаги чалғитиш, бир тизимдаги кадриятларнинг йўқолиши ва янгиларининг одамлар онгида шаклланиши ҳамда мустаҳкамланишининг тугалланмаганлиги;

– жамият ҳаётининг барча соҳаларини тижоратлаштириш (бозор шароитида табиий равишда), пулга эътиқод (сиғиниш), индивидуализм, айрим муҳим диний тушунчаларни аралаштириб юбориш;

– аёлнинг жамиятда тутган ўрни тўғрисидаги тасаввурни патриархал томонга ўзгартириш;

– ёшларнинг ўз ғояларини ифода этишлари, раҳбарлик қобилиятлари ва мустақилликка интилишларини норасмий равишда намоён этишларига (яъни уқиш ва ишдан ташқари) имкон берувчи «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа ёшлар ташкилотлари фаолиятининг етарлича ривожланмаганлиги, сустлиги.

Ташқи ва ички деб ажратилган мазкур омилларнинг амалда жорий бўлиши мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг альтернатив вариантларини, биринчи навбатда, исломнинг жамиятда тутган ўрнини ошириш, унинг сиёсат, маънавий ҳаёт, иқтисодга таъсирини кучайтиришга имкон беради.

3§ Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларининг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш ва ижросини таъминлаш хусусиятлари

Мамлакатимизда тинчлик, барқарорликни таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар махсус профилактик куч ва воситалар тизимидан фойдаланадилар.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, терроризм, диний экстремизм ва улар билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ташаббус билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ўзини ўзи бошқариш идоралари, кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда ўтказиладиган умумпрофилактик тадбирлари катта таъсир кўрсатади.

Ушбу умумпрофилактик тадбирларни ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, суд, ички ишлар органлари ва жамоат ташкилотларининг иштирок этиши жойларда, маҳаллаларда муайян даражада жиноий хатти-ҳаракатларга мойил шахсларнинг, оиласини муҳокама қилинишини тақозо этади. Бундай чора-тадбирлар аҳолининг кенг доирасини жалб этилишига сабаб бўлади ва жамоатчиликнинг қизиқишига олиб келади. Шунинг учун ҳам улар айнан ягона, илгаридан тайёрланган режа асосида амалга оширилиши лозим.

Бундай умумпрофилактик тадбирлар жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари фаол иштирок этиб, жиноий қилмишлар содир этган шахсларнинг аниқлаш ва жавобгарликка тортилишига кўмак беради.

Терроризм билан боғлиқ жиноий хатти-ҳаракатларини олдини олишда хусусий профилактика чора-тадбирлар катта натижа беради. Бунда профилактик таъсир объекти, унга таъсир этиш усуллари ва йўллари ҳар бир шахсга нисбатан алоҳида тарзда белгиланиши ва қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

ЖПКда жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома қачон киритилиши белгиланмаган. Бундай тақдимномалар миқдори ҳам ЖПК да кўрсатилмаган.

Амалиётда дастлабки тергов тугаганидан сўнг, терговчи содир этилган жиноят ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлганидан кейин бундай тақдимнома киритилади. Бироқ, бундай ҳолларда терговчининг ўз тақдимномасига жавоб талаб қилишига вақти қолмайди. Чунки уни киритгач, терговчи айблов хулосасини тузади ва жиноят ишини прокурорга жўнатади.

Тақдимномага жавоб олинishi керак бўлган бир ойлик муддат ушбу жиноят иши терговчининг юритувидан кетгандан кейин тугайди. Шу боис, иш судга ошириб бўлингач, мазкур тақдимнома терговчини унча қизиқтирмайди. Натижада кўплаб тақдимномаларга жавоб келмайди, агар келса ҳам номигагина ёзилган бўлади.

Терговчи тақдимномани қанчалик эрта киритса, уни амалга ошириш натижалари билан шунчалик кўпроқ ишлай олади. Тақдимномани жиноят ишини кўзғатишдан аввал ёки кўзғатилганидан кейин дарҳол киритиш мумкин. Бундай ҳолларда терговчи тақдимномага жавоб олиш бўйича чора кўриш учун кўп вақтга эга бўлади.

Тақдимнома фақат жиноятларнинг олдини олиш учун киритилади. Шу сабабли, агар терговчи тақдимномага юборилган жавобдан қониқмаса, у бу тўғрида муассаса, корхона, ташкилот маъмурияти ёки жамоадан номига жавоб ёзиб юбориш билан шуғулланмай, қонунга асосан чора кўришни талаб қилиши мумкин бўлади.

Зарур ҳолларда ўз тақдимномасининг тўғри бажарилаётганлигига ишонч ҳосил қилиш учун терговчининг ўзи жамоа мажлисига келиши мумкин. Агар тақдимномага умуман жавоб олинмаса, терговчи бундай жавобни олиш учун эслатиш хати юборади.

Терговчи ҳодиса жойини кўздан кечириш ва дастлабки тергов ҳаракатларини бажариш натижалари бўйича тақдимнома киритадиган ҳоллар ҳам учраб туради. Терговчи бундай тақдимномага жавоб олиб, жиноятни тергов қилишда давом этади. Жиноят содир этилишининг янада аниқроқ сабабларини билгач, яна тақдимнома киритади. Терговчининг бундай ҳаракати қонуний бўлиб, муассаса, корхона, ташкилот маъмурияти ёки жамоани тақдимномага яна жавоб бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

Асосийси – тақдимноманинг самарадорлиги бўлиб, у жиноятларнинг илгари содир этилган жойда бошқа содир бўлмаслиги, улар сонининг камайиши ёки такрорий жиноятчиликнинг олди олиниши билан белгиланади.

Айрим ҳолларда терговчи ўз юритувида бўлган жиноят ишларининг натижалари бўйича умумлаштирувчи тақдимномалар киритади. Умумлаштирувчи тақдимномаларнинг киритилиши – жиноятларни тергов қилишда профилактика ишларини ташкил этишнинг юқорироқ шаклидир. У кенг тарқалиши лозим.

Терроризм билан боғлиқ жиноятларни олдини олиш мақсадида профилактик таъсир чоралари қуйидаги шахсларга нисбатан қўлланилади:

– Ўзбекистонда диний эътиқод эркинлиги, уни таъминланиши ҳақида маълумот тўплаётган, уларни тўплашга ёрдам бераётган ҳамда чет эл фуқаролари билан доимий алоқани ўтаётган ёки ўрнатаётган шахслар;

– хорижий мамлакатлардан диний таъминотга оид адабиётларни олаётган ва тарқатаётган шахслар;

– динга эътиқод қилувчи бошқа шахсларни ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларни содир қилишига даъват этаётган шахслар;

– динга эътиқод қилувчиларни маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига қарши, фуқароларнинг шахсий ишларида юзага келган муаммоларни шариат қомуслари асосида ҳал қилишга ҳаракат қилаётган шахслар.

Профилактик таъсирни амалга оширишда қуйидаги вазифаларни бажаришга эътибор қаратилиши лозим:

– диний экстремистик гуруҳларга баъзи фуқароларнинг кириб кетишига йўл қўймаслик;

– профилактик ишлар олиб бораётган шахсларнинг Ўзбекистонга қарши фаолият олиб бораётган хориж давлатлари ташкилотлари билан алоқаларини кенг жамоатчиликка ўз вақтида етказиш;

– террористик хуружларнинг хавфи, уларни бажарган шахсларнинг жавобгарлиги ва оқибатларини кенг оммага етказиш мақсадида конференция, семинар, давра суҳбатлари ва учрашувлар мунтазам ташкил этиш;

– хориж давлатларидан келиб мамлакатимизда ноқонуний фаолият юритган, диний экстремистик ва террористик гуруҳлардан ўз хоҳиши билан қайтган шахслар тўғрисида радио, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштириш;

– жамоатчилик иштирокида хорижий мамлакатлар уни вакилларининг мамлакатимиз ҳудудида олиб бораётган ноқонуний фаолияти ва кирдикорларини фош этилиши юзасидан кенг қамровли умумпрофилактик ишларни ташкил этиш;

– профилактик таъсир ўтказилаётган шахсларга нисбатан маҳалла фаоллари, ота-онаси, қариндош уруғлари ва бошқа шахслар ёрдамида ижобий, тарбиявий таъсирини ўтказиш.

Терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилишининг олдини олиш учун профилактик чора-тадбирлар ҳудудийлик принципи асосида ташкил этилиб, бевосита ҳудудий бириктирилган профилактика инспектори ва жиноят қидирув бўлими ходими шуғулланиши керак. Бунда юқорида келтирилган тадбирларни бажаришга бириктирилган ходимлар энг аввало ҳудуддаги тезкор вазиятни яхши билишлари ва назорат остида сақлашлари лозим.

Кўрсатилган вазифаларни бажариш учун ҳудуд ва унда истиқомат қилувчи шахслар ҳақидаги ахборотларни ўзида мужассамлаштирган алоҳида иш журнали юритилиши керак. Унда қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

– тартиб бўйича ҳудуддаги кўчалар номлари, уйларнинг рақамлари;

– фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи Ф.И.О. си, ёши, яшаш манзили, кўп қаватли, уйларнинг уй катталари (домком) фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзили;

– ҳудуддаги кўчаларда яшовчи аҳоли тўғрисидаги маълумотлар, уй рақами, ҳар бир оила аъзосининг Ф.И.Ш., ёши, қандай фаолият билан шуғулланиши тўғрисида маълумот;

– уларнинг паспортлари ва туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари, серия ва рақамлари, қачон ва ким томондан берилганлиги, доимий ёки вақтинча рўйхатда туриши, қачондан буён шу ерда яшаши;

– фуқаролиги, миллати, сиёсий партияларга аъзолиги;

– иш, ўқиш жойи, лавозими;

- илгари жиноий жавобгарликка тортилганлиги;
- жиноят содир қилиб яширинган шахсларнинг қидируви ёки бедарак йўқолган шахслар қидируви билан боғлиқлиги;
- ИИО лари ҳисобида туриши, ҳисобга олиш асоси (муқаддам судланган, шартли ҳукм қилинган, ахлоқий тузатиш ишлари тайинланган, оилавий жанжалкаш, болалар тарбиясига салбий таъсир этган, алкоголь ичимликларига ружу қўйган, наркоман) ҳисобнинг тури ва муддати;
- Ўқ-отар қуролга эгалиги, агарда эга бўлса қурол тўғрисида тўлиқ маълумотлар;
- автомобил ёки бошқа транспортга эгалиги, агарда мавжуд бўлса, у тўғрисидаги барча маълумотлар:

Юқорида келтирилганлардан ташқари ушбу журналга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун қизиқиш уйғотувчи бошқа ахборотлар ҳам киритилиши мумкин:

Жумладан:

- узоқ вақт давомида уйда яшамаётган шахслар;
- хориж мамлакатларига тижорат масалалари бўйича бориб келган ва алоқаларни сақлаётган шахслар;
- хориж мамлакатларида таълим олаётган шахслар, уларнинг ўқишга киргунга қадар яқин алоқалари тўғрисида ахборот;
- хориж мамлакатлардан депортация қилинган шахслар, шу жумладан фоҳишалик учун депортация қилинган аёллар;
- хориж мамлакатларида жиноят содир қилган шахслар.

Ички ишлар идоралари ходимлари фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин қизлар кўмиталари, яраштирув комиссиялари билан ҳамкорликда ҳудудда яшовчи аҳоли билан турли экстремистик оқим таъсирига тушиб қолмасликлари мақсадида доимий равишда профилактик учрашувлар ўтказилиб, борилиши лозим. Ушбу учрашувларда қуйидаги масалаларнинг ёритилишига алоҳида эътибор қаратилиши керак:

- мамлакатимизда босқичма-босқич равишда амалга оширилаётган ижтимоий иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади юрт равнақи, ватан мустақиллиги ва халқ фаровонлигини таъминлашдир;
- давлатнинг ташқи ва ички сиёсатининг асосий йўналишлари мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, унга илғор технологияларни жалб қилиш, хориж инвестицияларини киритишга қаратилган;

- кунлик иқтисодий муаммолар ўткинчи эканлиги, бюджет маблағлари энг аввало ишлаб чиқаришни ривожлантириши лозимлиги;
- мамлакатимиз мустақиллигига, ҳудудий яхлитлигига таҳдид қилиши мумкин бўлган ҳолатлар, уларни олдини олиш масалалари ҳамда бу ишда аҳолининг иштироки нималардан иборат бўлиши.

Юқоридагилар билан бир қаторда бундай учрашувлар жараёнида халқимизнинг юксак маънавияти, маҳаллаларда тинчлик ва миллатлараро тотувликни сақлаш, аҳолининг миллатчилик, шовинизм, маҳаллийчилик, уруғ - аймоқчилик ва экстремистик оқимларнинг зарарли таъсирига тушмаслиги масалаларига алоҳида эътибор берилиши керак.

Шу билан бирга аниқ мисоллар билан қуйидаги масалалар ёритилиб берилиши керак:

- жиноий муҳитнинг салбий таъсири, шу жумладан конституциявий тузумга қарши жиноятлар содир қилган шахсларнинг мисолида, уларнинг ота- онаси, ака укалари, опа сингиллари, фарзандлари тақдирига салбий таъсири ҳақида маълумот;

- уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш натижалари;
- мамлакатимизда қонун устуворлигини, барчанинг қонун олдида тенглигини таъминлашга қаратилган ишларнинг ҳолати;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан гуруҳий жиноятчиликка қарши курашишнинг натижалари ҳақида, жиноятчиликни олдини олишда ҳар бир фуқаронинг, умуман жамиятнинг роли ҳақида;

- Ўзбекистоннинг тадрижий ривожланиши муқаррарлиги, иқтисодий ва сиёсат соҳаларида ислохотларнинг ҳолати ва уларни такомиллашиш йўналишлари.

Олий, ўрта махсус ва умумий ўрта таълим муассасаларида юқорида кўрсатилган масалалар бўйича суҳбатлар ва учрашувларни ушбу муассасалар раҳбарлари иштирокида ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Биринчи Президент Ислон Каримов томонидан адолатли тарзда таъкидланганидек, «Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоқ керак», деган концептуал фикрдан келиб чиққан ҳолда ОАВда, телевидение, газета, журналларда террористик ва экстремистик ғояларнинг манфур жиҳатларини ёритиб бориш мақсадга мувофиқ. Бундай чиқиш, интервью, мақолалар нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, балки фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар, фермер хўжаликлари раҳбарлари чиқишлари мақсадга мувофиқ.

Диний экстремистик оқимлар вакилларининг ноқонуний ҳаракатларига чек қўйиш, уларга йўл қўймаслик мақсадида индивидуал профилактик ишларни ҳам амалга ошириш лозим. Бунда қуйидаги масалаларни ҳисобга олиш керак:

– ички ишлар идораларида ҳисобда турувчи барча категориядаги шахсларни ўзини, ҳаёт тарзини, уларнинг алоқаларини мунтазам равишда ва ҳар томонлама ўрганиб бориш;

– Фарзандлар тарбиясига салбий таъсир этувчи шахслар, жанжалкаш оилалар, ичкиликка ружу қўйганлар, гиёҳвандлик касаллигига чалинганларнинг оилаларини, кам таъминланган оилаларни махсус назоратга олиш. Бундай оилаларга фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари ва ҳокимиятлар орқали тежамли ижтимоий иқтисодий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида келтирилган умумий ва индивидуал профилактик тадбирларни амалга ошириш билан бирга экстремистик оқимлар таъсири остига тушиб қолган шахсларни аниқлаш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш керак:

– масжидлардаги ҳолатни ўрганиб бориш, диндорлар орасида тарқатилаётган адабиётлар, масжидга доимий қатнаётган диндорлар сони уларнинг ижтимоий гуруҳлар бўйича тузилиши;

– диний экстремистик, террористик ғояларни видео ва аудиокассеталар, СД, DVD дискларда тарқатилишини олдини олиш ва чек қўйиш мақсадида мунтазам равишда овоз видеоёзув студияларини, уларни сотиш ва тарқатиш жойларини текшириб бориш;

– Белгиланган тартибда ва муддатларда аҳоли турар жойларида, маҳаллаларда, корхона, муассаса ва ташкилотларда паспорт тартиб-тини ва виза режимини текшириш рўйхатга олинмаган шахсларни ишга қабул қилинмаслигига эришиш лозим;

– бириктирилган ҳудудда бегона шахслар яшаши учун уй жой тақдим этилмаслигига эришиш, вақтинча истиқомат қилаётган барча шахсларнинг рўйхати юритилишига эришиш, қиморхона, бангихона ва фоҳишахоналар сақлаш ҳолатларига чек қўйиш;

Кўрсатиб ўтилган масалалар бўйича ички ишлар идораларнинг шахсий таркиби билан белгиланган тартибда ўқув машғулотларини ўтказиб бориш мақсадга лозим. Ушбу машғулотларда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш керак:

– махсус тадбирлар ўтказиш жараёнида, мураккаб шароитларда ходимларни, айниқса навбатчилик қисми (хизмати) ходимларини ўзини тутишга ўргатиш;

– барча ходимларни блок постлардан ўтаётган транспорт воситаларини, юкларни, йўловчиларни текширишнинг замонавий ва самарали услубларига ва шу орқали қурол яроғ, портловчи ва захарловчи моддалар, наркотик воситалар, ман этилган адабиётларни аниқлашга ва хужжатлаштиришга ўргатиш ҳамда ходимларни шахсий хавфсизлик қоидаларига риоя этишига эътибор қаратиш;

– мунтазам равишда мамлакатимизнинг ва хориж давлатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг терроризм ва экстремизмга қарши кураш ва уни олдини олиш бўйича тўпланган тажрибани умумлаштириш ва жойлардаги барча идораларга етказиш.

Назорат учун саволлар:

1. Диний экстремистик оқимлар ва уларнинг мақсадлари;
2. Террорчилик ташкилотлари ва уларнинг бугунги фаолияти, уларни таъминлаб турган манбалар;
3. Ўзбекистон Республикасида терроризмга ва диний экстремизмга қарши кураш ҳолати;
4. Яқин ва узоқ чет мамлакатлардаги нотинчликларнинг Ўзбекистондаги терроризм ва экстремизм хавфи билан алоқадорлиги.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	3
----------------	---

1-мавзу. Террорчилик фаолияти ва экстремистик оқимлар тушунчаси, мақсади ва турлари. Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларнинг тавсифи

1§ Террористик фаолият ва диний экстремистик оқимлар тушунчаси, мақсади ва турлари	5
2§ Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларнинг жинорий-хуқуқий тавсифи	11
3§ Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифи	28

2-мавзу. Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятлар бўйича терговга қадар текширув ўтказишнинг хусусиятлари

1§ Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, текшириш хусусиятлари	39
2§ Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва бошқа текширув ҳаракатларини ўтказиш	42
3§ Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар	53

3-мавзу. Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятлар бўйича кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказишнинг хусусиятлари

1§ Терроризм ва диний экстремизм жиноятларини тергов қилишда ўтказиладиган кечиктириб бўлмас ҳаракатлари	56
2§ Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноят ишларида жабрланувчи ва гувоҳни сўроқ қилиш, тинтув ва олиб қўйиш тергов ҳаракатларини ўтказиш хусусиятлари	62
3§ Терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноят ишларида экспертиза тайинлаш. Телефон сўзлашувларини эшитиш	68

4-мавзу. Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларга оид ишларда гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳамда уларни сўроқ қилиш хусусиятлари

1§ Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш ва уларнинг жиноятга алоқадорлигини текшириш	76
--	----

2§ Ушланган ёки жиноятга алоқадор шахсларни гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ва уларни сўроқ қилишнинг хусусиятлари	80
3§ Шахсга айб эълон қилиш ва сўроқ қилишнинг хусусиятлари. Эҳтиёт чораларини қўллаш хусусиятлари	89

5-мавзу. Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда келгуси тергов ҳаракатларини ўтказиш хусусиятлари

1§ Терроризм ва экстремизм жиноятларини тергов қилишда ўтказиладиган келгуси тергов ҳаракатлари мазмуни ва тизими	97
2§ Терроризм ва экстремизм жиноятларини тергов қилишда юзлаштириш ва кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатини ўтказиш хусусиятлари	101
3§ Терроризм ва экстремизм жиноятларини тергов қилишда эксперимент, таниб олиш учун кўрсатиш ва гувоҳлантириш тергов ҳаракатларини ўтказиш хусусиятлари	108

6-мавзу. Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки терговни тамомлаш ва жиноятнинг олдини олиш чораларини кўриш

1§ Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки терговни тамомлаш мазмуни, дастлабки терговни айблов хулосасини тузиш ва бошқа процессуал қарор қабул қилиш билан тамомлаш хусусиятлари	116
2§ Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларининг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш хусусиятлари	121
3§ Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларининг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш ва ижросини таъминлаш хусусиятлари	127

Д.М. Миразов юридик фанлар номзоди, доцент;
Б.Н. Рашидов юридик фанлар номзоди, доцент;
Ш.А. Кулматов юридик фанлар номзоди;
Ш.Т. Джуманов
А.А. Султонов;
О.Д. Алланазаров.

ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ ТАКТИКА ВА МЕТОДИКАСИ

*«Тергов фаолияти» мутахассислиги учун
МАЪРУЗАЛАР КУРСИ*

Муҳаррир М.Э.Султонова
Техник муҳаррир Д.Р.Джалилов

Босишга 19. 12. 2016 рухсат этилди. Нашриёт босма табоғи 7,7.
Буюртма _____. Адади 20 нусха.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.